Мухтасар айтганда, “Куёш қизи...” дostonи Франциянинг миллий қаҳрамони ҳаёти билан ўзбек китобхонларини таништиришда муҳим бўлганидек, шоиранинг дostonчилиқдаги яна бир янги ютуғидир.

Г.Матёкубова драматургия жанрида ҳам тарихий шахслар образини яратишга муваффақ бўлди. “Қаторда норинг бўлса...” тўрт пардали шеърый драмаси реал фактларга асосланиб ёзилган. Асар таниқли қорақалпоқ олими ва шоир, давлат арбоби Наврўз Жапақовнинг бадиий образини сахнада гавдалантиришга бағишланган. Бу инсон ўз даврида Қорақалпоғистон илми, адабиёти ва санъати ривожига ҳисса қўшган, ижтимоий-сиёсий ҳаётида танилган шахслардан бири. Драма автобиографик асарни эслатади. Бош қаҳрамон (шоир) билан боғлиқ кўп воқеалар реал ҳаётдан олинган, аниқ далилларга асосланади. Биринчи пардада шоирнинг газета билан боғлиқ фаолияти, муаллифларни қабул қилиши, мулоқотлар, қайлиги, кейинчалик турмуш ўртоғи Гулзода билан танишуви тафсилотлари берилади. Иккинчи пардадан бошлаб воқеалар бироз жиддийлашади. Шоир ноҳақ тухматга учраб камалади. Бироқ узокка бормай ҳақиқат тикланади, у озод бўлади. Мазкур пардадаги шоир, Гулзода ва журналист диалогларида образларнинг дунёкараши, руҳияти, умуман, характер қирралари очилиб боради. Персонажлар нутқидаги индивидуаллик уларни ким ва қандай эътиқодга эга шахс эканлигини кўрсатиб туради. Бу воқеаларнинг марказида ҳам шоир образи туради. Муҳаббатга, оилага, одамларга муносабат масалалари ёритилади. Учинчи парданинг сюжети иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ. Асарда уруш эпизоди йўқ. Бош қаҳрамоннинг ватанпарварлиги, фидойилиги ва ташкилотчилиги, раҳбарлик қобилияти фронт орқаси ҳаёти майдонида синалади. Бу даврга келиб, у ҳукумат раиси лавозими-га кўтарилади. Халқ, адабиёт ва маданият манфаати йўлида бир талай хайрли ишларга бош қош бўлади. Воқеалар турли тоифа кишилар билан мулоқотларда, ўзаро тортишув ва бахсларда, зиддиятларда, баъзан кескин тўқнашувларда намоён бўлади. Драманинг охириги, тўртинчи пардасида воқеалар янада мураккаблашади. Образ психологиясида жиддий ҳолат рўй беради, камситишлар, иғво, интригалар, асоссиз айбловлар унга маънавий зарба бўлиб ёпирилади. Қаҳрамоннинг руҳий изтиробни драмада ички монолог шаклида кўринади. Образнинг қалб драмаси шеърый сатрларга сингдирилган.

Драмада Наврўз Жапақовнинг алғов-далғовли ҳаёт йўли, тақдири, замон руҳи, давр зиддиятлари фонида тўғри кўрсатилган. Драма, муаллифнинг сахна асари яратишдаги илк тажрибаси бўлса-да, тарихий шахс образи талқинида реал фактларни бадиий ҳақиқатга айлантиришда муаллиф муваффақиятга эриша олган. Умуман, драмада Қорақалпоғистоннинг яқин ўтмишига доир баъзи маънавий-ахлоқий масалалар конкрет шахслар образи орқали кўрсатилган.

Г.Матёкубованинг тарихий шахслар образларига мурожаати наинки, юқорида таҳлилга тортилган асарларида, бошқа шеърлари ва дostonларида, эссе ҳамда бадиаларида ҳам замондошлари бадиий қиёфасини адабиётга олиб қираётгани мактовга лойиқ. Масалан, муаллифнинг “Қайтмоқ учун

кетмоқдаман” эссеси машхур қорақалпоқ хайкалтароши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик Жолдасбек Қуттимуратовнинг ижодий фаолиятидан ҳикоя қилади. Асарда реал фактлар асосида санъаткорнинг бадиий образи гавдалантирилди. Назм ва насрда ёзилган эссе муаллифнинг ҳар икки бадиий шаклни синтезлаштириб, муҳим бадиий эстетик ғояларни ифодалай олиши салоҳиятидан дарак беради. Шоирнинг “Дарёга ботаётган қуёш”, “Зиёга ботаётган дарё” дostonларида ҳам буюк тарихий шахсларга мурожаатлар бор. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Абу Райхон Беруний, Пахлавон Махмуд, Амир Темур, Алишер Навоий, Махтумқули Фирӯғий, Нурмуҳаммад Андалиб каби

тарихий сиймоларнинг яхшилик ва ёмонлик, зиё ва зулмат, эзгулик ва жаҳолат ўртасидаги курашга қўрилган асарлари шоирнинг орзу идеалларини ифодалашда маънавий таянч бўлгани шубҳасиз.

Хулоса шуки, узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар ва уларнинг бетакрор кашфиётлари Гулистон Матёкубова учун долзарб, бадиий-эстетик ғояларни илгари суришда муҳим манба, илҳом чашмаси вазифасини ўтади. Ва бу тажриба шоира ижодида мавзу ва услубий ранг-барангликни таъминлаганидек, бадиий маҳорат бобида талантининг чиникишида, тарихий воқелик билан бугуннинг миллий-маънавий кадриятларини уйғунлаштириб талқин этишда аҳамиятли восита бўлгани ҳам ҳақиқат.

Адабиётлар

1. Зулфия. Гулистоннинг бўстони. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1993 йил, 30-апрель
2. Матёкубова Г. “Ватан руҳи”. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2011. 158-б.
3. Матёкубова Г. “Йўлларингга чиқдим”. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1997. 280-б.
4. Матёкубова Г. “Қайтмоқ учун кетмоқдаман”. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2007.
5. Матёкубова Г. “Уйғониш нашидаси”. –Тошкент: 2016.
6. Қурабмобоев К., Қурабмобоева Г. Гул бор Гулистон ичинда. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.
7. Қурабмобоев К., Қурабмобоева Г. Гул бар Гулистан ишинде (қарақалпақ тилинде). –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2018.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорақалпоғистон халқ шоири Г.Матёкубованинг тарихий шахслар образини яратишдаги маҳорати таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется мастерство народной поэтессы Каракалпакстана Г.Матякубовой в создании образов исторических личностей.

SUMMARY

The article deals with the analysis of the skill of People’s poetess of Karakalpakstan G. Matyakubova in creating the images of historical figures.

«ҚОБЛАН» ДЭСТАНЫНЫҢ ЖАЗЫП АЛЫНЫҰЫ ХӘМ АТҚАРЫҰШЫЛАРЫ ХАҚҚЫНДА

К.С.Палымбетов – филология илимлериниң кандидаты, доцент

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: дoston, жиров, устоз-шоғирд, вариант, версия.

Ключевые слова: эпос, сказитель, наставник-ученик, вариант, версия.

Key words: epos, jirau (a teller of folklore), mentor-mentee, variant, version.

Дэстанлар жыраўшылық өнеринде үлкен орын ийелейди. Дэстанлардың халық арасынан жазып алыныуы хәм талантлы жыраў, бақсылар тәрәпинен үлкен той-жыйынларда атқарылыуы, оларды пүтин ел, аўыл болып тыңлауы дәстүрге айланып, халық этнографиясы менен тығыз байланысқан. Әсиресе, дәстанлардың халық көркем өнериниң бир түри сыпатында аўызекки атқарылып, устаз-шәкирт жолы менен әуладтан-әуладқа өтип, раўажланып, жетилисип барыуында жыраўлардың хызмети айрықша. Себеби, жыраўшылық өнерин үйрениўди нийет етип, қолына қобыз алған ҳәр қандай жас талант ийеси елдеги аты шыққан белгили жыраўларға шәкирт түскен. Жас атқарыўшылар жасы үлкен жыраўларға бир неше жыллар даўамында ерип жүрип, олардан саз хәм сөз өнерин үйренгеннен соң, устазының пәтиясы менен өз алдына жыраўшылық етиўди баслаған. Сонлықтан да, жаслардың жасы үлкен жыраўларды устаз тутыныуы, өз гезегинде атағы шыққан жыраўлардың да изинде шәкирт таярлап, өз алдына мектеп жаратыуы басқа түркий тиллес халықлар сыяқлы қарақалпақларда да дәстүрге айланған. Усындай устаз-шәкирт жолы менен қарақалпақ халық дәстанларының бири «Қоблан» өз атқарыўшылары тәрәпинен аўызекки түрде бизиң дәўиримизге шекем жетип келген. Хәзирги күни биз бул дәстанның белгили жыраўлардан жазып алынған 8 вариантына ийемиз. Бүгинги күнге шекем «Қоблан» дәстанының ең дәслепки варианты жазып алынғанлығына дерлик 100 жылдан асламырақ ўақыт болды деп айта аламыз. Бул ҳаққында атап өтетуғын

болсақ, дәстанның дәслепки нускасын рус фольклористи И.А.Беляев қарақалпақтың Қыпшақ аўылында (хәзирги Әмиўдәрья районы) туратуғын Кенегес руўынан Имамқулы деген жыраўдан 1903-жылы жазып алып Петербургтағы Азия халықлары музейине тапсырған. И.А.Беляев дәстанның бир бөлимин 1917-жылы Ашхабадта «Ер Қоблан» қыссасы, қарақалпақтың жыры» деген ат пенен бастырып шығарады (Протоколы заседаний и сообщений ЧЗКЛАИВ. Выпуск 3-4). Демек, бул дәстанның Қарақалпақстанның қубла районларында да кеңнен таралғанлығынан дерек береді. Деген менен усы дәўирлерде халық мийрасларын жазып алыу ислериниң дурыс жолға қойылмауы себепли арадан қырық жылға шамалас ўақыт өткеннен соң «Қоблан» дәстанының буннан соңғы вариантларының көпшилиги дерлик арқа районларда жасаўшы жыраўлардан жазып алынады.

Жазыўшы хәм илимпаз Н.Жапақов халық мийрасларын жыйнаўшы С.Мәўленов пенен бирге Қоңырат районының Ақшаңдақ деген жеринде жасай-уғын Есемурат жыраў Нурабуллаевтан 1939-жылы «Қоблан» дәстанын жазып алып, 1941, 1959-жыллары Төрткүл қаласында «Қарақалпақ мәмлекетлик» баспасында өз алдына китап етип бастырып шығарады.

«Қоблан» дәстанының қалған вариантлары Ўзбекстан Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими тәрәпинен шөлкемлестирілген фольклорлық экспедиция дәўиринде илимий хызметкерлер тәрәпинен жазып алынады. 1959-жылы Халқабат аўылында жасаўшы Карам жыраў Нағымов тәрәпинен Кегейли

районынан, және усы жылы профессор Қ.Мақсетов тәрәпинен Қоңырат районының Свердлов (хәзирги Наурыз АПЖ)совхозында жасаўшы Арзымбет жыраўдан, 1960-жылы профессор Қ.Мақсетов хәм фольклорист Қ.Мамбетназаровлар тәрәпинен Шымбай районы Кеңес совхозында жасаўшы Дәўлетмурат жыраўдан, және де Тахтакөпир районында жасаўшы Жәнибек жыраў Асқаровтан, 1960-жылы илимий хызметкер Ә.Жамалов тәрәпинен Асқар жыраў Бекевтан, 1960-жылы профессор Қ.Мақсетов Қоңырат районының Малшы деген жеринде жасаўшы Ережеп жыраў Аманжоловтан жазып алынып ӨзР ИА ҚҚ филиалының қол жазбалар фондына тапсырылған. Көринип турғанындай, «Қоблан» дәстанының дерлик 7 варианты Қарақалпақстанның арқа-батыс районларынан жазып алынған. Профессор И.Сағитов та дәстанның географиялық жақтан кең таралған орны Қарақалпақстанның Шымбай, Кегейли, Тахтакөпир, Қоңырат районлары [1:99]- деген пикир билдиреди. Илимпаз «Қоблан» дәстанының Қарақалпақстанның арқа-батыс районларында көбирек таралуының себебин былайынша көрсетеди «...қарақалпақ халқының тийкарғы массасы усы арқа-батыс районларында жасағанлығы болса, екіншиден, жоқарыда аты аталған қарақалпақтың атақлы жыраўларының басым көпшилиги де усы районларда өмир сүрип жыраўшылық еткенлиги деп билемиз» [1:99]. Басқа да тарийхый мағлыұматларға қарағанда қарақалпақлар қазақ халқы менен мәдениет хәм тарийхый жақтан тығыз байланыста болған. Бул туўралы қазақ илимпазы Е.Исмаилов: «Қызыл Орда, Ақтөбе областларының ақын, жыраўлары «Алпамыс», «Қобланды», «Қубығұл» сыяқлы көплеген жырларды қарақалпақ жыраўлары менен ортақ жырлайды... Белгили «Қырыққыз» дәстанын айтып берген қарақалпақ Қурбанбай жыраўды және «Қобланды батыр» дың қарақалпақша вариантын жырлаған Есемурат жыраўды қазақ ақынларының көбиси биледи. Сондай-ақ, қарақалпақ шайырлары да қазақ ақынларының, соның ишинде Нурпейистің жырын ядлап алған» [3:236-237], – деп жазады. Қазақ фольклористлериниң изертлеўлеринде «Қобланды батыр» дәстанының хәр қыйлы вариантлары жазып алынған Марабай, Мурын, Нурпейис, Айса т.б. жыраўлардың хәммеси батыс-Қазақстан аймағында Қызыл Орда, Ақтөбе ўлаятларында ел аралап жыраўшылық еткен, айырымлары сол аймақта туўылып өскен. Сонлықтан да профессор И.Сағитовтың «Бул районлардағы (Қарақалпақстанның арқа-батыс районлары) қарақалпақ халқының туўысқан Қазақстанның түслик-батыс ўлаятларындағы халықлар менен сиясий-экономикалық хәм мәдениет жөнинде көп заманлардан берли тығыз араласып, қатнасып отырғанлығы деп билемиз. Қазақша «Қобланды батыр» жырының ең көп таралған жерлери де усы Батыс Қазақстан менен Ақтөбе областлары болады», –деп жазады. Ҳақыйқатында да, «Қоблан» дәстаны қазақ жыршылары тәрәпинен жүдә кең көлемде жырланған, дәстанның қазақ халқында 29 жыраўдан жазып алынған хәр қыйлы вариантларының болыўы буның айқын мысалы бола алады.

Профессор Қ.Мақсетовтың қарақалпақ жыраўлары мектебин, олардың жыраўшылық өнерин, устаз-шәкиртлик дәстүрин үйрениў бойынша алып барған изертлеўлеринде жыраў болыўды нийет еткен сазға хәм сөзге қызығушылығы хәм қәбилети бар хәр бир жас өзине устаз таңлаўы, атақлы жасы үлкен жыраўларға ерип жыраўшылықтың сырларын үйрениўи хәм устаздан пәтия алғаннан соң ғана өз алдына жыраўшылық етиўди баслағаны айтылады. Әлбетте, бул халық дәстанларының әсирлер даўамында устаздан шәкиртке өтип, аўызек

атқарылыў жолы менен хәзирги күнимизге жетип келгенлигин көрсетеди. Дерлик, барлық жыраўлардың репертуарынан орын алған қарақалпақ халық дәстаны «Қоблан»ның жырланыўы, атқарылыўы, таралыўы хәм сақланыўында да усы халықлық дәстүр хызмет еткен. Лекин, дәстанлардың ким тәрәпинен хәм қашан пайда болғанлығын анықлаў қыйын болғанлығы сыяқлы «Қоблан» дәстанының дәретиленген дәўири халқында да илимпазлар тәрәпинен хәр қыйлы пикирлер билдирилген. Мысалы, қарақалпақ қахарманлық дәстанлары бойынша изертлеў жумысын алып барған профессор И.Сағитов «Тарийхый мағлыұматларға қарағанда XIII әсирде Иранда Ғазан деген хан болған. Ол мұдамы басып алыўшылық сиясат жүргизип, қонсылас еллерге, Қаратеңиз хәм Каспий теңизи бойларындағы халықларға қарсы топылыс жасаған. Хәтте, узақтағы Египетке қарсы үш жыл урысады. «Қобландының» қазақша версияларында Қобланды хәм басқа қыпшақ батырлары қызылбасларға (иранлыларға) хәм оның ханға Қазанға (Ғазан ханға) қарсы урысады. Усыған қарағанда хәм жоқарыда айтылған тарийхый мағлыұматларға қарағанда «Қобланды батыр» дәстанында сүўретленетуғын ўақыялардың негизи сол дәўирде (яғный XIII-XIV әсирлерде) дәрелген деп шамалаўға болады» деп қазақ халқының «Қобланды батыр», қарақалпақ халқының «Қоблан» дәстанларын салыстырып изертлеў барысында усындай пикирге келеди. Бирақ, соңғы дәўирлердеги илимпазлардың изертлеўлеринде дәстанның пайда болыў хәм қәлиплесиў дәўирлерин XI-XII әсирлердеги печенег-қыпшақ заманына, хәттеки, оннан да арыда, яғный VIII әсирде жасаған Қорқыт ата заманына байланыстырыўлар да бар. Себеби, «Қоблан» дәстанының қарақалпақша хәм қазақша версияларының тийкарғы сюжет линиясы бир болғанлықтан бул еки версия бир ўақытта улыўма бир негизден дәрелген»[3:130] – деген пикирлерди билдиреди. Демек, бул дәстан ерте дәўирлерде дәретилип, жыраўлар тәрәпинен он әсирден асламырақ ўақыттан берли аўызекі атқарылып келинген. Дәстанды атқарған жыраўлар ҳаққында толық мағлыұмат сақланбаған, бирақ XIV әсирде Ноғайлылар заманында жасаған Соппаслы Сыпыра жыраў көп ғана қарақалпақ жыраўларының атасы сыпатында айтылады. Өткен әсирде жасаған Қурбанбай жыраў, Есемурат жыраў, Қыяс жыраўлар Соппаслы Сыпыра жыраўды өзлериниң хәм басқа да жыраўлардың устазы деп билген [4:11]. Белгили илимпаз Н.Дәўқараевтың қарақалпақ жыраўларының бир мектебин Сыпыра жыраў аты менен атаўында да жан бар. Қазақ илимпазлары Ә.Марғулан, С.Муканов, М.Әўезов, Е.Исмаилов, Г.Кенжебаев т.б. Ноғайлы дәўириндеги эпикалық жырлардың қәлиплесиўинде Сыпыра жыраўдың хызметин айрықша атап өтеди. Хәттеки, ерте дәўирдеги қазақ әдебиятын изертлеген әдебиятшы Х.Сүйиншалиев “Ертарғын”, “Ерсайын”, “Қоблан” сыяқлы дәстанлардың дәрелиўинде Сыпыра жыраўдың қатнасы болыўы мүмкин” [5:71-72] – деген пикирди билдирген.

Соппаслы Сыпыра жыраўдан кейин Доспамбет, Шалкийиз, Мүйтен жыраўлар дәстанларды жырлаған, олардан жыраўшылықтың сырларын, атқарыўшылық шеберлигин, XVIII әсирде жасаған Жийен жыраў Аманлық улы үйренген хәм оларды өзине устаз деп билген [6:84]. Жийен жыраўдың репертуарында “Алпамыс”, “Едиге”, “Қоблан” сыяқлы дәстанлардың болғанлығын XIX әсирде жасаған қарақалпақ классик шайыры Өтеш Алшынбай улы “Өтти дүньядан” қосығында былайынша сүўретлейди:

Алпамыс - жигиттиң султаны болды,
Гүлпаршын – қызлардың гәўҳары болды,

Көргеннің көзінің бәхәри толды,
Тәрийп етип Жийен өтті дүнядан.
“Едиге”ни бәржай етти, қолға алып,
Жолда айтты, ели болып шайқалып,
Сөзине нур берди ықласын салып,
“Қоблан”ды купыя айтты дүняда [7:60].

Белгилі қарақалпақ илимпазлары Н.Дәуқараев, Қ.Айымбетовлардың илимий мийнетлерінде Жийен жыраудан бір неше жыраулар тәлим алып, жыраушылықты үйренгенлиги айтылады. Сондай-ақ, илимпазлар И.Сағитов, Қ.Айымбетов хәм Қ.Максетовтың изертлеулерінде буннан 150 жыл бурын жасаған Төрткүлли Ерман жырау (1856-1910) хәм оның шәкирти Шымбайлы Турымбет жыраудың, сондай-ақ, Самарканд ұялаятының Нурата, Бухара ұялаятының (Хәзирги Наўайы ұялаяты) Кенимех районларының әтирапында жасап өткен қарақалпақтың маңғыт урыуы, оймаўыт тийресинен болған Шаңқай жыраудың (1814-1884), оның шәкирти Бухаралы қарақалпақ жырауы Қазақбайдың «Қоблан» дәстанын жырлағаны, оларға Тахтақөпирден қарақалпақтың Қоңырат арысы, кәндекли урыуының курама тийресинен Нурабулла жырау (1852-1922) шәкирт болып ергенлиги хәм оннан «Қоблан» дәстанын үйренгенлиги айтылады. Көринип турғанындай, Нурабулла жырау бір неше жырауларды устаз тутынған, оларға шәкирт сыпатында ерип хәр бир жыраудың дәстанды айтыу, атқаруы шеберлигин, олардың бир-биринен өзгешелигин, сазды шертиу, тексти айтыу усылын өзлестирген. Усы жол менен өзлериниң репертуарын байытқан. Нурабулла жырау сыяқлы өз дәуириде Турымбет жырауға Кегейли әтирапында жасаған Нағым жырау (1882-1954) да шәкирт болған. Оннан баласы Карам жырау «Қоблан» дәстанын үйренип алып, халық арасында жыраушылық еткен. Ал, Нурабылла жырау «Қоблан» дәстанын баласы Есемуратқа (1893-1979) хәм буннан басқа да жигирмадан аслам шәкиртинен үйреткен. Есемурат өз әкеси Нурабулладан 12 жасынан баслап қобыз шертип, қосық айтыуды үйренеди. Әкесиниң изине 14 жыл ерип, устазынан «Қоблан», «Алпамыс», «Едиге», «Мәспатша», «Бозуғлан», «Шәръяр», «Ер Шора» дәстанларын үйреген. «Қоблан» дәстанының Есемурат хәм Карам жыраулардан жазып алынған вариантлары ең толық, мазмұны хәм көркемлиги жағынан жоқары турады деп есаплауға болады. Бул жыраулардан жазып алынған «Қоблан» дәстанының үлгилери Ноғайлы заманындағы Соппаслы Сыпыра жыраудан баслап Жийен, Шаңқай, Қазақбай, Турымбет жыраулардың үлгиси есапланады.

“Қоблан” дәстанын атқарған жыраулардың өмирбаяны хәққында толық мағлыұматлар жазып

алынбаған. Лекин, Есемурат, Карам, Ережеп жыраулардың жыраушылық өнерин хәм соның ишинде “Қоблан” дәстанын өзиниң әкелеринен үйренгенлиги хәққында мағлыұматлар бар.

“Қоблан” дәстанының жазып алынған вариантларын салыстырып, анализлеп қарағанда хәр бир жыраудың өзине тән жолы, атқарушылық шеберлиги, импровизаторлық уқыбы, дүняға көзқарасы, билими айқын көзге тасланады. Соның менен бирге, дәстан композициясын дүзиуде, сюжетлик ўақыяларды баянлауда, образларды жасауда, көркем сөзден пайдаланыуда хәр бир жыраудың атқаруы шеберлиги бири-биринен өгешеленип турады.

“Қоблан” дәстанының қолымызда бар 8 вариантының ишинде ең толығы хәм көркемлиги жағынан жетилискени Есемурат жырау варианты есапланады. Сондай-ақ, Есемурат жырау варианты дәстанның дәслепки дөрелиу нұсқасына, яғный архетипке бираз жақын деп ойлаймыз. Себеби, ертеден киятырған қахарманлық дәстанларда батырдың образы идеалластырылып бериледи. Сонлықтан да батыр жеңилмес күшке ийе болып, душпанлары үстинен бәрқулла жеңиске ерисип отырады. Ал, Карам жырау вариантында керисинше Қоблан душпанларынан жеңилип, бенде болып түседі. 40 жигитиниң көпшилиги жаудың қолынан өледи. Усы сюжетлик ўақыяларға қарағанда Карам жырау өзи жырлап жүрген дәстанды қағазға түсиріп, сюжетлик ўақыясына өзгерислер киргизген болыуы мүмкин. Усындай өзгешеликти профессор И.Сағитов та аңлаған хәм былай жазады: “...Есемурат, Арзымбет жырау сыяқлы ески заманның тәрбиясын алған диншил адамлардың атқаратуғын дәстан жырларында диний тәсир күшли сезилип отырады. Булардың атқаратуғын “Қоблан” дәстанының вариантларында да қудай, пайғамбарларға, әулие-пирлерге жалбарынуы тағы басқа диний тәсирлер жийи ушырасып отырады” [1:111]. Ески, диний сөзлердің қолланылуы Имамқулы жырау вариантында да бар. Және жырау жасап атырған орталықтың тәсирине байланыссыз тексте өзбек тилине тән сөзлердің араласып қолланылғанын көреміз.

Солай етип “Қоблан” дәстаны әсирлер даўамында ауызекі атқарылып, хәр бир дәуирдің тарихый, жәмийетлик-сиясий, мәдений ўақыяларына байланыссыз жыраулар репертуарында күшли өзгериске ушырап жырланып келингенлигиниң гүўасы боламыз. Сонлықтан, келешекте дәстанның хәр бир вариантын өз ара салыстырып үйреніп, илимий анализ етиу арқалы хәр бир жыраудың атқаруы шеберлиги менен өзине тән өзгешелигин анықлауға ерисиу мүмкинлигин терең аңлаймыз.

Әдебиятлар

1. Сағитов И. Қарақалпақ халқының қахарманлық эпосы. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1986.
2. Исмаилов Е. Ақындар. -Алма-ата: 1956.
3. Максетов Қ. Қарақалпақ жырау-бақсылары. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1983.
4. Сүйиншалиев Х. Қазақ әдебиетиниң қалыптасуы кезендери. -Алматы: «Қазақстан», 1967.
5. Каримов А. Әдебиятымыздың гейпара мәселелери. -Нөкис: «Қарақалпақстан: 1988.
6. Өтеш Алшынбай улы. Көк-өзек (Қосықлар). -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1989.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақалада қарақалпақ халқ достони “Қоблан”нинг ёзиб олиниши ва ижрочилари хакида сўз юритилади. Достоннинг устоз-шогирд аънаъаси асосида жировлар репертуарида қўлланиши тадқиқ қилинади. Жировлардан ёзиб олинған вариантларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о письменной и устной формах подачи каракалпакского народного эпоса “Коблан”. На основе преемственности исполнения эпосов от наставника к ученику анализируется репертуар различных сказителей. Раскрываются особенности разных вариантов исполнения эпоса.

SUMMARY

The article is about written and oral forms of expression and performing of the Karakalpak folk epos “Koblan”. On the basis of succession of performing eposes from a tutor to a learner it is analyzed the repertoire of different performers. The peculiarities of different variants of performing the epos have been revealed on the basis of the analysis.

PEDAGOGIKA. PSIXOLOGIYA. METODIKA. PEDTEXNOLOGIYA

БАДИЙ ТАСВИРДА КОМПОЗИЦИОН ЯХЛИТЛИК ТУШУНЧАСИ

А.Алдабергенов – катта ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: расм, композицион яхлитлик, ранг, тасвир, симметрия, ассиметрия, параллеллик, горизонталь, вертикаль, диагональ, чизик, доғ.

Ключевые слова: рисунок, композиционная яркость, цвет, изображение, симметрия, ассиметрия, параллельность, горизонталь, вертикаль, диагональ, чертёж, пятно.

Key words: figure, composite luminance, color, picture, symmetry, asymmetry, parallelism, horizontal, vertical, diagonal, drawing, spot.

Расм чизишни ўқитиш методикасининг расмининг яхлитлиги ва унинг белгилари, аломатлари тўғрисидаги масалалар ўқув адабиётларида кам ўрганилган. Уларда асосан нарса – буюмдаги асосий, характерли, ўзига хос томонларини кўриш қобилияти, маҳорати, шунингдек, ранг-тусларнинг, пропорционалликлари ва бошқа муносабат, мутаносибликларини кўра библиш тўғрисида айтилади. Бунда асосий эътибор шаклнинг яхлитлиги, бутунлигига қаратилади.

Лекин нарса – буюмнинг шакли бу хали тасвир компонентларидан биридир. Тасвирнинг композицион яхлитлиги тўғрисида гапирилар экан, биз расмининг барча элементларининг бирлиги, хусусан, у бажарилган қоғоз формати, унда жойлаштирилган буюмларнинг ўзаро алоқадорлигидан тортиб, то фазовий, истикболли, конструктив ранг-тусларгача бўлган мутаносибликларни тушунамиз [1].

Қуйида биз шаклнинг яхлитлиги тўғрисида сўз юритганда фақат тасвирнинг бутун мутаносиблигини назарда тутамиз. Сабаби, агарда расмда тасвирланган предметлар фазовий муҳит билан боғланмаган бўлса, шаклнинг яхлитлиги ёки умуман тасвир ҳақида сўз юритишга ҳожат йўқ.

Ундай бўлса тасвирда яхлитлик, мутаносиблик нима? У расмдаги барча қисмдаги бўлақларнинг ягона умумий шаклга, ягона ғояга, ягона режага бўйсундирилганлигида. Яхлитлик тушунчасида объект барча компонентларининг ички бирлиги назарда тутилади ва англашилади.

Тасвирдаги яхлитлик масаласининг баъзи қирралари, айрим томонлари Ч.Ахмаров, 1.1. Н.Н.Волков, 2.2. Ж.Изентаев, 3.3. П.П.Ростовцев, 4.4. сингари олимлар ва услубиётчиларнинг, рассомларнинг асарларида таҳлил қилинган [2].

Бадий тасвирда ҳар бир элемент ҳаракатларининг умумий режасига, ягона мақсад – ғоянинг образли ифодалилигига бўйсунуши лозим. Бадий асар ғояси ички мазмуни, унинг моҳияти бу бадий композиция яхлитлигининг ташкилий ибтидосидир. Яхлитлик мазмунининг бу ташкилий омили Б.Азимова, 5.5. томонидан аниқланган. У Яхлитликнинг алоқалар мазмуни билан боғлиқлигига қараб учта турини кўрсатади.

1. Манба яхлитлиги содда яхлитлик

2. Шакл, конструкция бутунлиги – яхлитликнинг анча мураккаб тури, сабаби энди у қисмларнинг ўзаро бўйсунушини таъминлайди.

3. Композицион яхлитлик тасвирдаги асосий ва иккинчи даражали унсурларни таъмин қилади [3].

Яхлитликнинг учинчи тури ўзида бутунлиқнинг барча турини жамлаб, мазмуни, асосий мезони бўлган ягона композицион яхлитликни ташкил этади. Демак, яхлитлик – бадий композициясининг ажралмас таъини унинг яшаш шакли. Шу боисдан композиция тузилиши тўғрисида гапирганда, биз, албатта, яхлитлик тузилиши ҳақидаги масалага ўтамиз. А.Азимованинг тадқиқотида композиция ва яхлитлик ажралмас бирлик сифатида талқин этилади. Б.Азимованинг таъкидлашича: «Яхлитлик картинадаги композициянинг асосий бирламчи белгисидир».

Композициянинг мақсади унинг мазмуний яхлитлигидадир.

Е.В.Шорохов композициянинг хусусиятлари тўғрисида ёзар экан, унинг қуйидаги қонуниятларини кўрсатади: «Бутунлик қонуни бу бўлинмаслик, уйғунлик, бетакрорлик, типиклаштириш қонуни характерли типиклиги, янгилиги, муҳит, вазият, ҳаракатлар вақти:

контрастлар қонуни – ҳажм, ранг-тус, ёруғ ва соя томонларни муносиб бўёқлар воситасида кўрсатиш, катталиқ, характер, симметрия ва асимметрия контраслари композиция барча воситаларининг ғоя мазмунига бўйсунуши қонуни» [4].

Бундан ташқари Е.В.Шорохов улар орасидан композициянинг қуйидаги усул ва воситаларининг қоидаларини ажратиб кўрсатади: Ритм, сюжетли композицион марказ, симметрия, ассиметрия, параллеллик, горизонталь, вертикаль, диагональ, чизик, ийрих, доғ, тўғри чизикли, фазовий ва ранг – тус перспективаси.

Бутунлик қонуни композициянинг барча қонунларини ягона қонунга бадий картина ҳамма компонентларининг мазмуний тузилиши бирлиги, ўзаро алоқадорлик, мутаносиблигига бирлаштиради.

Илмий адабиётлар тахлилига таянган ҳолда тасвирий санъат мутахассислиги талабаларини ўқитиш, ўргатиш вазифаси, масаласи билан боғлиқ бадий тасвир яхлитлигига қуйидагича таъриф – тавсиф беришни тавсия қилиш мумкин: Яхлитлик – бу тасвирий санъатнинг ифода воситалари орқали композиция мазмунини очишга йўналтирилган бадий тасвир, барча компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва композицион ташкилий бирлигидир.

Диалектик мантик нарса ёки ижтимоий ҳодисаларни унинг атроф- муҳит, борлиқ билан боғлиқликда ва унинг ривожланишида, тараққиётида ўрганишни талаб қилади.

«Диалектика ва замонавий тузум тадқиқотлари – деб ёзадилар И.В.Булауберг ва З.Г.Юдин, - ҳар яхлит тизимда бутун алоқалар занжирини кўрсатади»1. Бу алоқалар, муносабатлар умумий характер касб этади. Универсал, сабаб – оқибат, функциональ – генетик, функционалшга (ёки вазифага бўйсундирилган), тартибли, бошқарувчи. Бу алоқа муносабатларнинг барчаси бадий тасвирда ҳам ўз аксини топади.

Универсал алоқалар қонуний, объектив алоқаларни ташкил этади. Бу алоқалар ўзаро тасвирда мақсадга мувофиқ намоён бўлади. Масалан: шакл ва ийрих алоқадорлиги, фигура (шакл) конструкциясининг кийим кийиниш билан алоқадорлиги ва ҳоказо.

Универсал алоқадорлик сифатнинг умумий бирлиги: ритм, симметрия, аналогия, шунингдек, қарама – қарши сифатларнинг бирлиги: ёруғлик контрастида, ранг, шакл, асимметрия ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин.

Функциональ – генетик алоқадорлик бир ҳодисанинг ўзгаришида намоён бўлади. Функциональ – генетик алоқадорлик бадий асар ёки оддий тасвир устидаги иш жарёнида юзага келади. Масалан: бир предмет ранг – тусининг ўзгариши бошқа предметларнинг ранг – тусининг ўзгаришига олиб келади [5].

Натура ҳаракат ёки пластикасининг ўзгаришини идрок этишда, қайта жойлаштиришда юз беради. Баъзи элементларнинг ўзгарилиши бошқаларнинг бариси картина, расмнинг умумий ғоясига бўйсунди. Бу ерда умумийликнинг хусусийликда такрорланиши, тамойилида намоён бўлади.

Сабаб-оқибат алоқадорлик бир ҳодисанинг бошқасида юзага келиши сабабидан намоён бўлади. Масалан: ранг – тус муносабатлари ёруғлик манбаининг жойлашишига боғлиқ бўлади. Перспектив чексизлик муносабатлар кўриш нуктасининг танланиши билан боғлиқ бўлади.

Фигуранинг расмдаги анатомик таҳлили унинг маконда, ракурсда қандай жойлашганига боғлиқ бўлади. Тасвирланаётган ёки танланган сюжетга боғлиқ равишда масштаб, формат, ранг – тус кўриниши ва бошқалар аниқланади.

Тартибли тузилиш алоқадорлиги композициядаги ҳар бир элементнинг аҳамияти ва ролида кўринади. Бу алоқадорлик, биринчи навбатда, расм мазмуни билан боғлиқдир.

Ўқув машғулотида натюрмортни кўяр экан, ўқитувчи натюрмортдаги асосий характерли предметларни, бутун гуруҳни бирлаштириб турувчи яхлитликни кўрсатишга ҳаракат қилади. Предметлар шаклларининг конструкция таҳлилида асосий ва иккинчи даражали деталларни ажратиш мумкин. Хусусан, конструкция таҳлили учун «катта» шакл тушунчаси асосий, бош белги ҳисобланса, инсон характери ифодалиги учун асосий булолмайди, аксинча, шаклнинг жузъий белгилари бош мезон бўлади.

Кўриниш алоқадорлиги фаол шакллар унча фаол бўлмаганларни бўйсундиришида намоён бўлади. Фаол элементлар иш мазмунининг ёрқин ифода этилишига ёрдам беради. Масалан: портретдаги характерли кирралар фаол берилиши, ифода қилиниши лозим. Предметни тўғри чизикда тасвирлашда, фаол чизикларда тасвирлашда фаол чизиклар бу олд пландаги линиялар бўлиб, улар узокқа кетаётган чизикларга қараганда ёрқинроқ ва бир қанча йирикроқ тасвирланади. Олис пландаги йириклар предметга нисбатан фаол кўринмаслиги ва тасвирланиши

керак. Масалан, инсон юзида кўз ўзининг ифодалилиги ва маънодорлиги билан ажралиб туради. Кўпгина холларда талабалар асосий диққат эътиборни шунга қаратиб, ўнинг маънодорлигини бошқа тана аъзоларига нисбатан масофа узоклигини ҳисобга олмасдан ҳажмини катта қилиб чизибди. Демак, портрет чизигида кўзнинг маънодорлиги ифодаланмасдан қолади. Шу боис, у бошқа тола аъзоларига нисбатан катта кўриниб қолади [6].

Функциональ иш (вазифага бўйсундирилган) алоқадорликни тараққиёт, ривожланиш, ҳаракат ва вақтни ифодаловчи сифатида кўрсатиши мумкин. Аниқроғи, ҳаракатни мазмуний сюжетининг алоқадорлигида кўриш мумкин. Расмдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракатсиз бўлганлиги сабабли бундай ҳаракат бевосита кўрсатилмайди. Шу боис расмдаги ҳаракатни, вақтини, ҳодисаларнинг контекстдаги ички моҳияти орқали аниқ ҳаракатнинг фазаси сифатида ифодалаш, тасвирлаш мумкин.

В.А.Фаворский расмда ҳаракатнинг вақтини тасвирлашнинг 4 та усулини кўрсатди. Булар:

1. Ҳар хил вақтни ва ҳар хил маконни бир қоғозда ифодалаш
2. Жисмоний ҳаракатни тасвирлаш
3. Бир тасвирда бир неча ҳар хил вақт бўлақларининг бирлашиши
4. Ҳар хил қоғозда ҳар хил вақтдаги ҳодисаларни тасвирлаш

Демак, расмда вақт ва ҳаракат восита кўринишида эмас, балки мазмуний алоқадорликни тасаввур этиш даражасида тасвирланади.

Кўринадики, таърифлар, тавсифланган алоқадорликларнинг типлари шартлидир. Чунки кўпгина алоқадорликлар расмдаги элементларнинг ўрни ва ролига боғлиқ турлича тушунилиши мумкин.

Одатда, биз расмни таҳлил қилар эканмиз, фақат бирлик, умумийликнинг қисмларда такрорланиши, ҳажм мутаносиблиги ҳақида гапирмасдан, балки бу муносабатларни биз функционал йўналишда: ранг – тус, пропорциональ, конструктив расмдаги роли билан боғлиқлигини кўрсатиш катта аҳамиятга эга [7].

Адабиётлар

1. Азимов Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1984.
2. Булатов С. Ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлигига оид атамалар изоҳли луғати. –Тошкент: «Мехнат», 1991.
3. Ералин К., Абдирасулов С. Художественно – профессиональная подготовка студентов средствами изобразительного искусства. -Казахстан- М.: «Прометей», 1991.
4. Инагамов А., Раджапов О., Абдирасулов С. Тасвирий санъатда бошланғич билим асослари -Тошкент: 1992.
5. Мекешев Б., Набиев М. Алемнинг жети керемети. Алматы:
6. Азимова Б. Расм чизишнинг ўргатиш методикаси. -Т.: 1976.
7. Қадирходжаев Мактабда бадиий безаш ишлари. -Т.: «Ўқитувчи», 1991.

РЕЗЮМЕ

Муаллиф ўз мақоласида расм чизишнинг ўқитишда самарали усуллардан бири сифатида композицион яхлитликни аниқ мисоллар билан таҳлил қилган. Таҳлил жараёнида В.А.Фаворскийнинг келтирган усуллари таърифланади. Ваҳоланки, бадиий тасвирда композицион яхлитлик тушунчаси катта аҳамиятга эга эканлиги тасдиқланади.

РЕЗЮМЕ

Автор статьи анализирует композиционную целостность как один из эффективных подходов в обучении рисованию. В процессе анализа описываются методы В.А.Фаворского. в результате подтверждается большое значение композиционной целостности в художественном описании.

SUMMARY

The author of the article analyzed the compositional integrity as one of the effective approaches in teaching drawing. There have been analyzed the methods of V.A.Favorskiy that proved a great importance of the compositional integrity in the artistic depicting process.

БАҲС-МУНОЗАРАНИНГ ЎҚУВЧИ КАМОЛОТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ш.А.Алланазарова - катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: баҳс-мунозара вазияти, ҳамкорлик, маънавий-ахлоқий меъёрлар, мунозара жараёни, ўқув мунозараси, мулоқот, диалог, ўқитувчи, ўқувчи.

Ключевые слова: спорно-дискуссионный процесс (дебат), взаимоотношение, духовно-моральные нормы, дискуссионный процесс, учебная дискуссия, общение, диалог, учитель, ученик.

Key words: debate, mutual relations, the norms of spirituality and morality, process of discussion, teaching discussion, communication, dialogue, teacher, learner.

Ўқитувчи ўқувчиларга ўқилган асар ҳақида баҳс-мунозарага киришишни таклиф қилганда у, биринчи

навбатда, ахборот алмашилиш, фикрлар айирбошлашни назарда тутади. Бундай фикр

алмашинишда ўқувчи шахсияти иштирок этмайди. Бунда ўқитувчи, бадий асарлар ва дарсликлардан олган фикрларини айирибошлаш имкониятига эга бўлади. Ўқувчилар муайян бир ҳолатни таъкидлар экан, биринчи навбатда, ўқитувчининг обрў-эътибори ёки асар муаллифининг нуқтаи назарига таянадилар.

Таълимнинг муайян босқичида баҳс-мунозарани ташкил этишнинг аниқ меъёрлари белгиланиши лозим. Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчилар бир-бирларининг фикрлари билан келишадилар. Бундай келишув баҳс-мунозара доирасида ҳамкорликда фикр юритишни таъминлайди. Лекин бундай ҳамкорлик жараёнида мунозара мавзусининг асл моҳияти, мантики ва бу жараёнда туғилган қарама-қарши фикрлар тўлиқ баён этилмағи қолиши мумкин. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги баъзида фақатгина айрим мунозаралар давомида вужудга келар экан.

Ўқувчилар ҳамкорлигининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари М.М.Бахтин томонидан асослаб берилган. Маълумки ўқувчиларни маданий меъёрларга амал қилишга ўргатиш нафақат суҳбатлар, балки баҳс-мунозаралар орқали ҳам амалга оширилади [1:45].

Мунозаранинг педагогик жиҳатлари субъектлараро мулоқотда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам мунозара субъектлараро шаклланган ўқув-билув жараёнида амалга оширилади. Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал фикрлари ва қадриятлари намоён бўлади. Таълим жараёнида бундай ўқув-билув вазиятлари ўз-ўзидан шаклланмайди. У, биринчи навбатда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кучларини мувофиқлаштириш натижасида вужудга келади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро мулоқоти давомида баҳс-мунозарага чорловчи вазиятлар ҳосил бўлади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг ички ҳолатини яхши билиши, қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олиши талаб этилади.

Ўқувчиларни баҳс-мунозара жараёнида тўғри қарор қабул қилишга ундаш учун ўқитувчининг ўзи муаммоларга тўғри ечим топа билиши лозим. Баҳс-мунозара жараёнини ташкил этиш дастури ўқитувчи томонидан шундай тузилиши керакки, бунда ўқувчиларни ечимларни излаб топиш, изланишлар кўламини аниқлаш ҳамда муаммонинг ечимини топишга ундаш учун қулай педагогик вазият вужудга келиши зарур. Бунинг учун ўзаро диалог, суҳбат асосида қурилган мунозара муҳим аҳамиятга эга. Ўқув мунозараси ўқувчиларга оламни яхлит идрок этиш, ундаги ҳаётий, илмий ҳақиқатларни билиш ва англаш имконини беради. Бунга ўқув мунозараси билан боғлиқ вазиятларнинг мунтазам такрорланиши асосида эришиш мумкин.

Баҳс-мунозараларини турли ўқув предметларини ўқитиш жараёнларида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Кузатишларимиз натижасида кўпгина ўқувчилар ўзаро мулоқот жараёнида ўз хато ва камчиликларини кўра олмасликлари, хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолай олмасликлари аниқланган бўлса, баҳс-мунозара жараёнида ўзларининг хатоларини аниқ кўра олишлари аён бўлди. Улар нотўғри, ишонарсиз натижалар муаммога тўғри ёндашилмаганлиги туфайли кўлга киритилганлигини аниқ ҳис этишлари учун ҳам баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш лозим. Бу жараёнда улар ўзлари йўл қўйган хатоларни тузатишга ҳам муваффақ бўладилар. Шунингдек, муайян вазиятда тўғри ҳаракат қилиш лозимлигини англаб етадилар.

Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчилар янги ижтимоий-педагогик вазиятга кирадилар. Бутун таълим жараёнини баҳс-мунозара тарзида ташкил

этиш мумкин эмас. Бунинг учун ўқитувчи ўқув дастуридан қулай мавзуларни ажратиб, танлаб олиши ёки қўшимча мавзуларни режалаштириши лозим. Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчилар ташки олам билан фаол муносабатга киришадилар. Бу эса уларнинг ўзларини тўлақонли шахс сифатида ҳис этишларига қўмаклашади. Шунингдек, баҳс-мунозара давомида ўқувчилар фикрий ҳамжиҳатлик, фикрлар ва қадриятлар орқали ҳамкорлик ўрнатадилар, бир-бирларининг дунёқарашларига ижобий таъсир кўрсатадилар. Бу ҳолат ўқувчиларни маданий, маънавий-ахлоқий меъёрларни ўзлаштиришга ундайди. Ўқувчиларга маданий, маънавий-ахлоқий меъёрларни сингдириш масаласи сўнгги йилларда педагогиканинг устувор масалаларидан бирига айланмоқда. Маданият бойликлари шахсни ривожлантирувчи ва озиклантирувчи ҳодисадир.

Ўқувчи баҳс-мунозара вазиятларида ижодкор, фаол фикрловчи шахс сифатида миллий ҳамда умуминсоний маданият элементларини ўзлаштиради. Чунончи, шахслараро мулоқот маданияти, гуруҳдошларининг фикрини ҳурмат қилиш маданияти, ўзгалар фикрини қабул қилиш маданияти, ўз ҳаракатларини танқидий баҳолаш, тинглаш маданияти каби. Баҳс-мунозараси жараёнида субъект-субъект муносабатлари устувор аҳамият касб этади.

Маданият тушунчаси, биринчи навбатда, ўз таркибида инсониятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳамда маънавий ютуқларини ифодалайди. Шунингдек, у ўз таркибида инсониятнинг юксак тараққиёти ва кўникмаларини мужассамлаштиради.

Кўриниб турибдики, маданият фаолият белгисидир. Шунинг учун ҳам баҳс-мунозара жараёнида ўқувчининг маданий фаолияти шакллантирилади. Баҳс-мунозара, биринчи навбатда, ўқувчиларда ўз фикрини баён қилиш ва ўзгалар фикрини англаш маданиятини таркиб топтиради. Шу билан бир қаторда, маданият жараёни фаолият бўлиб, унда муайян шахс маданияти намоён бўлади. Демак, баҳс-мунозара жараёнида ўқувчи фаолиятининг кирралари, унинг билимдонлик даражаси, кўникмалари, такомиллашуви ҳамда ўқитувчининг касбий маҳорати яққол акс этади.

Баҳс-мунозара ўқувчининг шахсий тараққиёти, унинг билиш фаолияти ҳамда ижтимоий ҳуққ-атвори бажараётган хатти-ҳаракатларида ифодаланишини таъминлайди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг дастлабки фаолияти ўзаро мулоқотга киришишдир. Бундай фаолият ўқувчиларнинг ўзаро ахборот алмашинуви натижасида вужудга келади. Мулоқот жараёнида ўқувчилар орасида ахборотларни шунчаки бир-бирларига узатиш эмас, балки уларни фаол ўзлаштириш имконияти таъминланади. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи ахборотнинг аҳамиятини англаб этиши лозим. Чунки ўқувчиларнинг ўзаро ахборот алмашинуви натижасида ягона фикр вужудга келади. Шунга кўра баҳс-мунозара жараёнида ўзаро мулоқотга киришишнинг аҳамияти фақат ахборот алмашишдан иборат эмас, балки муайян муаммони биргаликда муҳокама қилиб, унинг ечимини топишдадир. Шунинг учун ҳам мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро фикр алмашинуви ва билиш фаолияти намоён бўлади.

Баҳс-мунозара жараёнида ахборот алмашинувида кўзланадиган мақсад ўз шерикларига фикрий таъсир кўрсатишдан иборатдир. Гуруҳдошлардан бирининг фикри баъзан мулоқот жараёнида бошқаларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ўзаро фикр алмашинуви мунозара жараёнининг асосий қуроли, воситасидир. Шу билан бир қаторда, мунозара жараёни ўқувчиларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатишига асосланган ҳолда

амалга оширилади. Бундай ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўқувчилар ўзларининг билимлари, гоёлари билан ўртоқлашадилар. Бу шуни англашдики, эришилган фикрий ҳамжиҳатлик янгидан-янги гоёларни ўртага ташлаш имконини беради.

Баҳс-мунозара жараёнида ўзаро фикр алмашиниш фаолияти асосан ўқувчилар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар мунозара жараёнида ўз синфдошлари ёки гуруҳдошларини диққат билан тинглашлари, уларнинг фикрлари ва чиқарган ҳукмларини ҳурмат қилишлари, ўз нуқтаи назарларини аниқ ифодалашлари муҳим педагогик аҳамиятга эга [3:54]. Ахборотларни қайта ишлаш ўқувчилардан муаммони батафсил муҳокама қилиш, ўзаро қарама-қаршилик ва ҳайроҳликка асосланган далилларни танлаш ҳамда таснифлашни талаб қилади.

Баҳс-мунозарани самарали ташкил этишда ўқувчиларнинг ҳулқ-атворлари муҳим аҳамиятга эга. Бу эса муаммони ҳал қилишда ўқувчиларнинг алоҳида қизиқиш ва ҳис-ҳаёжон билан ёндашишларини талаб қилади. Ўқувчилар ўз нуқтаи назарларини эҳтиёткорлик билан, мазмунли, бир маромда баён этишлари муҳимдир.

Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчининг шахсий фикри етакчи ўрин эгаллайди. Унда ҳар бир ўқувчининг шахсияти ва таянадиган кадрларга ўз ифодасини топади. Чунки ўқувчининг фикрларида унинг нуқтаи назари, ҳаётий қарашлари акс этади. Ўқувчининг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашиш, уни ҳурмат қилиш таълим жараёнига инсонпарварона ёндашувнинг асосий белгисидир [2:57].

Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчининг ҳулқ-атвори ва маънавий қиёфаси муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчилар ўзларининг шахсий тажрибалари, нуқтаи назарларига таянган ҳолда жамият аъзоларининг тажрибалари, қарашларини таҳлил қиладилар ва қўйилган муаммога ечим излайдилар. Улар ўзларининг шахсий қарашлари доирасида бир қатор ахлоқий меъёрларга асосланадилар. Ўқувчининг шахсий тажрибаси унинг фаолияти ва нуқтаи назарларида намоён бўлади. Ўқувчининг ҳар қандай фаолияти унинг шахсияти билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Баҳс-мунозара жараёнида далилларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ниҳоятда зарурдир. Бу далилларга ўқувчилар тўғридан-тўғри ёки билвосита

алоқадор бўладилар. Агар мунозара жараёни ҳаётий, ҳаққоний далилларга бой бўлса, у ўқувчиларнинг тараққиёти, мустақиллигини таъминлай олади. Ўқувчиларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини таъминлашда ўз фикри учун кураша олиш, нуқтаи назарларини қатъийлик билан илгари суриш алоҳида ўрин эгаллайди. Бунинг учун ўқувчиларнинг тўплаган маънавий кадрларини бир-бирларига узатишлари, одатларнинг шаклланиши, ҳаётий меъёрлар, урф-одатлар, ҳулқ-атвор кўринишлари, шахс ва ўқувчилар жамоасининг истиқболга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчилар ўз ҳаётий мақсадларини белгилаш, маънавий меъёрлар ва ҳулқ-атвор қоидаларини ўзлаштириш, кадрларни йўналишларни белгилаб олиш имкониятига эга бўладилар [4:102].

Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчилар ўз изланишларининг ҳаққонийлиги, одилона амалга оширилиши, фаолиятлари ва хатти-ҳаракатларининг тўғри йўналтирилишини таъминлашлари керак. Шундагина уларда ўз фикрлари ва ривожланиш даражаларини ташқаридан туриб кузатиш ва баҳолаш кўникмаси ҳосил бўлади.

Баҳс-мунозара жараёнида фикрлар барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқувчининг танлов имкониятларини ривожлантириш ҳам ниҳоятда зарурдир. Ўқувчи шахсининг фаоллиги унинг танлов имкониятига эгаллиги билан бевосита боғлиқдир.

Фикрларнинг барқарорлиги ўқувчининг ижтимоий фаоллиги, ҳулқ-атворининг шаклланиши ҳамда шахсий тараққиётини таъминлайди. Барқарорлик ўқувчининг майллари билан ҳам боғлиқдир. У ўқувчининг ўз олдига қўйган мақсадларидан келиб чиқади. Чунки мақсад майлнинг муҳим таркибий қисмидир. У фақатгина фаолиятнинг натижаси эмас, балки шахс нимага интилаётганлигини белгиловчи ҳодиса ҳамдир.

Шундай қилиб, баҳс-мунозара инсон ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлиб, у шахснинг ижтимоий-маънавий фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам баҳс-мунозара ўқувчининг мукамал, яхлит шахс сифатида ривожланишини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Бахтин М.М. К философии поступка. // Философия и социология науки и техники: Ежегодник. 1984 – 1985. –М.: 1986. –С. 82-160.
2. Колесникова И. А. Педагогический диалог. //Педагогическая реальность в зеркале междисциплинарной рефлексии. – СПб, 1999. –С. 219 – 228.
3. Рябева С.Л. Диалог за партой. -М.: «Просвещение», 1989. –С. 96.
4. Сафарова Р.Г., Юсупова Ф.И. ва бошқ. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014. 12-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этишнинг педагогик хусусиятлари, бу жараёнда ўқитувчининг тутган ўрнининг аҳамияти очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о педагогических особенностях организации дискуссии-спора и определяется место и роль преподавателя в этом процессе.

SUMMARY

The article is devoted to the issues of pedagogical peculiarities of organizing discussions and debates and the role of the teacher in this process.

ЎСМИРЛАР ОРАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Е.К.Алламбергенов – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ўсмир, ҳуқуқбузарлик, тарбияси оғир болалар, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш механизмлари.

Ключевые слова: подросток, правонарушение, трудновоспитуемые дети, правовое воспитание, правовое образование, предотвращение правонарушений, государственная политика для молодежи, механизмы предотвращения правонарушений.

Key words: teenager, violation of law, difficult children, law upbringing, law education, prevention of law violation, state youth policy, mechanisms of prevention of law violation.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий умумбашарий кадрларни ўзлаштириш орқали сиёсатида миллий ўзлиқни англаш, миллий ва шахс билан жамият ўртасида уйғунликни вужудга

келтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда ёшлар, ўқувчилар салоҳияти, истеъодларини, ички имкониятлари, ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ёш авлоднинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражаси жамият томонидан белгиланган одоб-ахлоқ, ҳуққ нормаларига мос бўлиши уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига замин яратади, узлуксиз таълим-тарбия тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиши ёшларга оид давлат сиёсати масалаларини демократик тамойиллар асосида қайта англашни, мазкур сиёсат мезонларини фуқаролик жамияти талабларига мувофиқ тарзда кўриб чиқишни тақозо этилди. Мамлакат ривожини учун янги иқтисодий-ижтимоий асослар, давлатчилик тараққиёти бўйича демократик кадрларнинг белгиланиши билан, яъни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий талабларини ўзида акс эттирган ривожланиш стратегияси, мақсад йўналишлари аниқлаб олинди, ёшларга оид қонунлар қабул қилинди.

Жамият тараққиётининг барча давларида ҳам ривожланишнинг моҳияти, унинг суръати инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш учун таълим-тарбиянинг барча соҳаларида, уларнинг омиллари ва воситаларини ишга солишни тақозо этмоқда. Шу юзасидан ЎзР Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5153-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорлари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги томонидан 24.05.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарлик профилактикасининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 173-сонли буйруғи тасдиқланган. Ушбу фармон ва қарорларни амалга оширишда 2017 йилнинг 1 майида тасдиқланган “Халқ таълими вазирлигининг вояга етмаган ёшлар орасида Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2017 йилга мўлжалланган 01-62 - сонли иш режаси ҳамда 2017 йилнинг 1 майида тасдиқланган “Халқ таълими вазирлигининг вояга етмаган ёшлар орасида 2017 йилда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган 01-62 - сонли чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш механизмларини яратиш ва уларни ҳаётда қўллаш, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш муҳим ва зарурий бўлиб, унинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

-биринчидан, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан буюк маънавиятимизни

тиклаш, соғлом турмуш тарзини барча фуқароларга, энг аввало, ёшларга сингдириш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш қилиб белгиланиши, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида тарбияланаётган ёшларда юксак маънавий маданият, ахлоқ ва маърифат фазилатларини шакллантириш ва сингдириш муаммоларининг ечимини давр тақозо этиши;

-иккинчидан, давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири- маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш учун жисмонан чиниккан, фидойи инсонни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишга ижтимоий зарурат туғилиши;

-учинчидан, миллий маънавиятимизни тиклаш борасида олиб борилган, давом этаётган ишлар, халқ таълимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани жамиятимизда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлод тарбиясига кенг эътибор қаратилиши тенденциясининг кучайиши;

-тўртинчидан, универсал технологиялар билан боғлиқ глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга зарурат туғилиши;

-бешинчидан, жамият томонидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ҳамда унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқариши;

-олтинчидан, ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва улар билан ишлашда профилактика механизмларини яратиш заруратининг ошиши;

-еттинчидан, педагогик (таълим, тарбия) жараёнида ўсмирлар фаолиятини бошқариш, уларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш тенденциясининг кучайиши. Демак, буларнинг барчаси ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиши – бола ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳар томонлама таъминланиши ва ҳимояланишини қонунлар асосида бажарилишини таъминлаш билан уйғун ҳолатда олиб борилишига замин яратади.

“Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” [1:49],- деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига мамлакатимизда замин яратилган бўлишига қарамадан, афсуски, жамиятимизда тарбияси оғир ўсмирлар ва ўспиринлар билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар ёшларнинг ўқиш жараёнида ва ҳуқуқда намоён бўлади. Тарбияси оғир “болалар - жамият томонидан ўрнатилган нормаларга зид равишда хатти-ҳаракат қилишади. Улар беқарор ахлоқли, иродаси бўш, педагогик таъсирга доим қаршилик кўрсатиб келувчи ёшлардир. Мактаб миқёсида улар кўп учрамайди (бир синфда бир ёки иккитадан, айримларида умуман йўқ). Аммо улар синф, мактаб ҳаётига, унинг ахлоқий муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир болалар ўқувчиларнинг кам қисмини ташкил этса ҳам, улар ўқув – тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тўсиқ бўлади. Улар мактабда ва ундан ташқарида (оилада, кўчада, дам олиш жойларида ва бошқа) тартибсизликни вужудга келтирувчи-лар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарбияси оғир болалар мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам педагогик жамоа ва кенг жамоатчилик эътиборида туради.

Шу сабабли бугунги кунда тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлашни жонлантириш, ўсмирлар

орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига эътиборни кучайтириш, педагогик ва психологик коррекция методларига мурожаат этишни талаб этади.

Вояга етмаганларнинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасининг ўсиши, жамият томонидан белгиланган одоб-ахлоқ, ҳуқуқ нормаларига мослиги уларнинг келажақда жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида фаолият юритишига замин яратади.

Тарбияси оғир ўсмирлар билан коррекция жараёнида ёшларнинг маънавий-маърифий соҳаларда олдиндан йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга имкон туғилади.

1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрдан кучга кирган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 1-моддасига кўра, “18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон насл-насаби, болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича, агар у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади”.

Болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар. Жамиятнинг асосий ташкилоти ҳисобланмиш оила ва атроф-муҳит унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари, соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолотга етиши учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши, жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиш, айниқса, тинчлик, қадр-қиммат, сабр-тоқат, ҳуқуқ ва эркинликлар, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши лозим. Ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камчилакларсиз, ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий-этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, боланинг соғлиги ва туғилиши, унинг онаси ёки қонуний васийси ёки бошқа бирон-бир ҳолатлардан қатъий назар, ҳурмат қилиниши ва ҳуқуқлари таъминланиши керак. Буларнинг амалда бажарилиши учун ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи давлат ва хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан боланинг ҳуқуқлари ва манфаатлари яхшироқ таъминланишига эътибор беришимиз лозим.

“Болалар содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят турлари ва суд, ҳуқуқбузар болалар учун мўлжалланган муассасалар томонидан болаларга қилинадиган муомала усуллари ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш йўллари каби мавзулар қамраб олинadиган кенг тушунчадир” [2:163].

Бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик деганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-, 65- моддаларига эътибор қаратиш лозимдир. Жумладан, 64-моддада, “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадр боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради” деб кўрсатиб ўтилган. 65-моддада эса “Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан

муҳофаза қилинади” деб белгилаб қўйилган. Конституцияда кўрсатилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари билан тартибга солинади. Шунингдек, 1994 йил 16 июндаги “Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва 1994 йил 23 августдаги “Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги ва бошқа фармонларга биноан мамлакатимизда болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий камол топиш учун қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Болаларнинг тўла соғлом ривожланиши учун, биринчи ўринда, ёш болали аёлларнинг ҳуқуқлари ҳам таъминланган. Жумладан, меҳнат қонунчилигига кўра, ҳомиладор аёлларни, боласи уч ёшга етмаган аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан ташқари ишлашга, дам олиш кунларида ишлатишга ва хизмат сафарларига юборишга йўл қўйилмайди. Ҳомиладор аёлларни енгилроқ ишга кўчириш, бу имтиёз ҳомиладор аёлнинг ва кутилаётган гўдакнинг саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган. Бундан ташқари, онасиз қолган болаларни тарбияловчи шахсларга имтиёзлар ва қафолатлар берилиши, уларнинг соғлом бўлиб ўсиши, тарбияланишида яхши шароитда яшашининг қафолатидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида эса, аёллар меҳнат шароитидаги алоҳида имтиёз ва қафолатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг V бўлими “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш” деб номланиб, унда оналикни рағбатлантириш, оналар ва болалар соғлигини сақлаш қафолатлари, ҳомиладор аёлларга ва янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш тўғрисидаги ғамхўрлик, бола боқишида фуқароларга давлат ёрдами, бола касал бўлиб қолганида оналарга бериладиган имтиёзлар (61-модда), ўсмирларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш таълимини ҳамда меҳнат шароитларини назорат қилиш (62-модда), ўсмирларни мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш (63-модда) каби масалалар ўз ифодасини топган.

Афсуски, жамиятимизда тарбияси оғир ўсмирлар ва ўспиринлар билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар ёшларнинг ўқиш жараёнида ва ҳулқида намоён бўлади. Тарбияси оғир болалар - жамият томонидан ўрнатилган нормаларга зид равишда хатти-ҳаракат қилишади. Улар беқарор ахлоқли, иродаси бўш, педагогик таъсирга доим қаршилиқ кўрсатиб келувчи ёшлардир. Мактаб миқёсида улар кўп учрамайди (бир синфда бир ёки иккитадан, айримларида умуман йўқ). Аммо улар синф, мактаб ҳаётига, унинг ахлоқий муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир болалар ўқувчиларнинг кам қисмини ташкил этса ҳам, улар ўқув - тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тусиқ бўлади. Улар мактабда ва ундан ташқарида (оилада, кўчада, дам олиш жойларида ва бошқа) тартибсизликни вужудга келтирувчилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарбияси оғир болалар мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам ўқитувчи ва барча жамоат эътиборида туради.

Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. 49-б.
2. Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. – Т.: ЮНИСЕФ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. 163-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳуқуқий таълим ва тарбияда давлат сиёсати даражасига кўтарилган энг аҳамиятли масалалардан бири – ёш ўсмирларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, низомга ҳурмат ва унга бўйсиниш қўннималарини шакллантириш орқали қонун устуворлигини таъминлаш масаласига эътибор қаратилган. Муаллиф мақолада ёш ўсмирларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш

масаласи – фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларига тегишли юридик муаммо эмас, балки таълим-тарбия соҳаси ходимлари олдида ечимини қутаётган педагогик муаммо эканлигини ишончли далиллай олган. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш механизмлари ва уни турмушга тақдим этиш масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган.

РЕЗЮМЕ

В статье правовое воспитание рассматривается как приоритетное направление в государственной политике в области образования. Особенно в воспитании подрастающего поколения оно является несомненно важным делом. Предотвращение правонарушений, воспитание в них навыков любви к законам, уважать их, тем самым воспитывать их в духе времени рассматривается как важнейшая проблема. Автор делает вывод, что правовое воспитание является делом не только юридических лиц, но является также общественным делом. Поэтому в статье приводится механизм предотвращения правонарушений и пути борьбы с ними. Такая педагогическая работа должна вестись в каждом коллективе и с каждым подростком.

SUMMARY

The article deals with legal education as one of the priority directions in the state policy of the Republic, it is very important in the education of young generation. An important issue is prevention of law violation, education of love and respect to laws in teenagers their upbringing in the spirit of time. The author comes to conclusion that legal education is the case of not only juridical persons, but a social matter as well. There's the mechanism of prevention of law violation and ways of struggle against them. Such pedagogical work must be done in each group and every teenager.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА МАТЕМАТИК АНАЛИЗ АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҲАҚИДА

И.Х.Алламбергенов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: математик анализ, академик лицей, узвийлик, мезон, компонент, кўникма, мустақил иш, теорема, шартлар, ностандарт усуллар.

Ключевые слова: математический анализ, академический лицей, преемственность, критерии, компонент, навыки, самостоятельная работа, теорема, условия, нестандартные условия.

Key words: mathematical analysis, academic lyceum, continuity, criteria, component, skills, independent work, theoreme, conditions, non-standard ways.

Математика ўқитиш методикасида таълим босқичлари орасида узвийликни таъминлаш, хусусан аниқ фанлар йўналишидаги академик лицейларда алгебра ва математик анализ асослари фанини ва олий таълимда математик анализ фанини ўқитишда узвийликни таъминлаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Алгебра ва анализ асосларини мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида узвийликда ўқитиш муаммосига М.Э.Насирова, И.В.Антонова, С.Н.Нуриева, М.Е.Ткаченколарнинг тадқиқотлари бағишланган. Бу ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бажарилган тадқиқотларда таклиф этилаётган узвийликни таъминлаш асосан олий таълим муассаси биринчи курс талабаларини мактаб математика курсини такрорлаш, қайта ўқитиш билан боғлиқ. Академик лицейларда ўқувчиларни ўқитиш, яъни ўқувчиларда таълимнинг кейинги босқичини муваффақиятли давом эттириш учун зарур бўлган билим, умумматематик кўникмаларни шакллантириш орқали узвийликни таъминлаш масаласи ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг ташхис ва башорат қилиш, ташкилий тайёргарлик босқичларида академик лицей-университет тизимида математик анализ асосларини ўқитишнинг муаммолари аниқланди, узвийликнинг таъминланганлиқ мезони аниқланди, ўқитиш методикасининг асосий компонентлари ишлаб чиқилди [2,5,9].

Математик анализ асосларини академик лицейларда ўқитишда узвийликни таъминловчи ўқитиш методикасининг самарадорлигининг мезони деб қуйидагилар белгиланди:

- Академик лицейда умумўқув билим, кўникма ва малакалар, айрим илмий-тадқиқий ва педагогик кўникмаларни сифатли эгаллаш (муаммо қўйиш малакаси, муаммони ечиш йўллари излаш ва амалга ошириш, мустақил таҳлил ўтказиш ва бошқа кўникмалар: мустақил ишларни ташкиллаштириш, ахборот манбалари билан ишлаш, белгили моделлар билан ишлаш ва бошқ.).

- Университетларда биринчи семестрдаги аттестация натижалари математик анализ бўйича академик лицей битирувчиларининг кўрсаткичлари ўрта статистик кўрсаткичдан юқори бўлиши.

Педагогик тажриба-синовнинг амалий босқичида Бердақ номидаги ҚДУ қошидаги академик лицейи, Ажинияз номидаги НДПИ қошидаги академик

лицейи, ТТЙМИ қошидаги Миробод академик лицейи, Фарғона давлат университети қошидаги академик лицей 3-курс гуруҳларидан бешта назорат гуруҳи (жами ўқувчилар сони 115) олинди, бунда ўқитиш анъанавий методика бўйича «Алгебра ва математик анализ асослари» дарслиги бўйича олиб борилди. Ва шу академик лицейлардан бешта синов гуруҳи (жами 116 нафар ўқувчи) танлаб олинди.

Синов ва тажриба гуруҳлари ўқувчиларининг умумий билим даражаларини аниқлаш учун 3 типдаги масалалардан ташкил топган назорат иши ўтказилди.

Биринчи типдаги масалалар: математиканинг асосий тушунчаларини билиш ва тушунишни талаб қиладиган, масалан, тўғри ва тескари теоремалар, зарур ва етарли шартлар, стандарт кўринишга эга лекин ностандарт усуллар билан ечиладиган масалалар.

Иккинчи типдаги масалалар, ечишнинг бирнечта йўллари топилгани талаб қилади, яъни нафақат умумўқув балли, янги ечиш йўллари излаш, уни таҳлил қилиш малакалари текширилди.

Учинчи типдаги масалалар теореманинг шартини ва ҳулосасини ажратиш, исботнинг мантиқий тузилмасини кўриш, таҳлил ўтказиш ва бошқ.

Назорат ишининг ҳар бир масаласи беш баллик шкала бўйича баҳоланди. Биринчи ва иккинчи типдаги топшириқларда максимал балл тўғри ечилган масалалар учун қуйилди, бошқа параметрлар ҳисобга олингани йўқ. Учинчи типдаги масалаларда жавоб тўғрилиги ва янги материални фойдаланиши, қисқалик, соддалик, масалани ечиш методининг ностандартлиги ҳисобга олинди. Ҳар бир масалалар типини бўйича гуруҳларда ўзлаштирган ўқувчилар (яъни ҳар бир масаладан 3 баллдан кам олмаган) фойизи ҳисобланди. Дастлабки назорат иши натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Дастлабки назорат иши натижалари (%)

Гуруҳ	I типдаги масалалар	II типдаги масалалар	III типдаги масалалар	Ўқувчиларнинг умумий сони.
Назорат (m_2)	33% (38)	24% (28)	30% (34)	115
Тажриба (n_2)	36% (42)	23% (27)	34% (39)	116
Фишер мезони бўйича ҳисоб натижалари				
$\Phi_{эмп}$	0,51	0,19	0,66	$\Phi_{0,05}=1,64$
$\Phi_{эмп} < \Phi_{0,05}$				

Назорат иши натижалари Фишер мезони ёрдамида тахлил қилинди [5]. Тахлил натижалари назорат ва синов гуруҳидаги ўқувчилар билим даражаларининг бир хиллигини яъни репрезентативлик шартини бажарилишини яъни репрезентативлик шартини бажарилишини асослади.

Амалий босқичда назорат гуруҳларида дарслар анъанавий методика бўйича, тажриба гуруҳларида таклиф этилган методика бўйича [1,3,6,10] ва ишлаб чиқилган методик қўлланмалардан [8,9] фойдаланиб олиб борилди. Функциянинг лимити ва узлуксизлиги


мавзуси сўнггида назорат иши ўтказилди. Назорат ишларига лимит ва функция узлуксизлиги тушунчалари шаклланишини, белгили моделлаштириш кўникмалари, амалий масалалар ечиш кўникмалари, эвристик фаолият тажрибалари шаклланишини текширишга боғлиқ масалалар киритилди. Ҳар бир масала 5 баллдан баҳоланди, 3 баллдан кам олмаган ўқувчилар фойзи ҳисобланди. Якуний назорат иши натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Якуний назорат иши натижалари %				
Гуруҳ	Белгили моделлаштириш кўникмаларини эгаллаган ўқувчилар фойзи (сони)	Амалий масалаларни ечиш методлари ва кўникмаларини ўзлаштирган ўқувчилар фойзи (сони)	Функциянинг лимити ва узлуксизлиги тушунчалари ва эвристик фаолият тажрибаларини эгаллаган ўқувчилар фойзи (сони)	Ўқувчиларнинг умумий сони
Назорат (m_2)	35% (40)	58% (67)	59% (68)	115
Тажриба(n_2)	62% (72)	86% (100)	72% (83)	116
Фишер мезони бўйича ҳисоб натижалари				
$\Phi_{эмп}$	4,2	4,89	1,99	$\Phi_{0,05}=1,64$
$\Phi_{эмп} > \Phi_{0,05}$				

Фишер мезони ёрдамида бажарилган тахлил таклиф этилаётган методиканинг самарадорлигини асослади.

Шу босқичда Нукус шаҳридаги тажриба гуруҳларида ўқиб, Бердақ номидаги ҚДУ математика бакалаврият таълим йўналишига ўқишга кирган талабаларнинг математик анализни ўзлаштириш кўрсаткичлари бошқа талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари билан таққосланди. Натижалар кўйидаги диаграммада келтирилган.



Олинган натижаларга математик ишлов бериш мақсадида Стъудент t- мезонидан фойдаланилди. Бунда 1-курс талабалари 59 нафар бўлиб, улардан 21 ни нафарини тажриба гуруҳларида ўқиганлар ташкил қилди ва уларнинг ўртача кўрсаткичи кўйидагича:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 x_i \cdot n_i = 4,2 \quad ; \quad \bar{y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 y_i \cdot m_i = 3,6$$

Адабиётлар

1. Алламбергенов И.Х. Talabalarda umummatematik o'quv faoliyati usullarini shakllantirish haqida. // Fizika, matematika va informatika. – Toshkent: 2009. №1. 65-69-b.
2. Алламбергенов И.Х. Академик лицей ва Олий таълимда математик анализ асосларини узвийликда ўқитиш муаммосига синергетик ёндашув // Математика фани ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Андижон: АДУ, 2011. 153-155-б.
3. Алламбергенов И.Х. Математик фаолият усуллари шакллантиришда ўқув топшириқларидан фойдаланиш (академик лицейлар мисолида). // Педагогик таълим. –Тошкент: 2008. №6. 71-74-б.
4. Грабарь Н.И., Краснянская К.А. Применение математической статистики в педагогических исследованиях. –М.: “Наука”, 1977.
5. Тургунбаев Р.М., Алламбергенов И.Х. Академик лицей ва университетларда математикани ўқитишда узвийликни таъминлаш ҳақида // Вестник КГУ имени Бердаха. –Нукус: 2011, №3-4.
6. Тургунбаев Р.М., Алламбергенов И.Х. Аниқ фанлар йўналишидаги академик лицейларда «Алгебра ва математик анализ асослари» фанини комплекс метод ёрдамида ўқитиш // Современные проблемы математики, посвященной XX летию независимости Республики Узбекистан. КГУ им.Бердаха. –Нукус: КГУ, 2011. –С. 63-66.
7. Тургунбаев Р.М., Алламбергенов И.Х. Кетма-кетликлар. Методик қўлланма. –Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ босмахонаси, 2010. 71-б.
8. Тургунбаев Р.М., Алламбергенов И.Х. Лимитлар назарияси. Методик қўлланма. –Нукус: Бердақ номидаги ҚДУ босмахонаси, 2011. 172-б.

9. Тургунбаев Р.М., Алламбергенов И.Х. Преемственность в обучении математике с позиции деятельностного подхода. // Вестник. – Нукус: 2009. -№1. 121-123-б.

10. Тургунбаев Р.М., Алламбергенов И.Х. Ўқувчиларда «Сонли кетма-кетликлар ва уларнинг лимити» мавзусини ўрганишда учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида. // Халқ таълими. –Тошкент: 2010. №2. 54-58-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада математика ўқитиш методикасида таълим босқичлари орасида узвийликни таъминлаш, умумматематик қўникмаларни шакллантириш орқали узвийликни таъминлаш масаласи ва узвийликнинг таъминланганлик мезонини аниқлаш, ўқитиш методикасининг асосий компонентлари ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается обеспечение преемственности между этапами обучения в методике преподавания математики, задача обеспечения преемственности через формирование общематематических навыков, определение критерия обеспечения преемственности, а также говорится об основных компонентах методики преподавания.

SUMMARY

The article is devoted to the study of succession maintenance between grade levels in the Methods of teaching Mathematics, the tasks of providing the succession through formation of mathematical skills, definition of criterion of succession maintenance, and the basic components of methods of teaching.

COMMON PECULIARITIES OF UZBEK AND ENGLISH FAIRY – TALES

M.B.Bakhtiyorova - master student

J.Sh.Djumabaeva - DSc., professor

National university of Uzbekistan

Таянч сўзлар: эртак, топоним, антропоним, афсона, ривоят, достон.

Ключевые слова: сказка, топоним, антропоним, миф, сказание, эпос.

Key words: fairy-tale, toponym, anthroponym, myth, legend, epic-poem.

A fairy tale – is a model of literary prose of oral folk literature. Occasionally, we may run into small lyric poems in some tales. But such types of fairy - tales are few enough and don't affect the narration custom. This term was firstly exemplified in "Devoni lugotit turk" by M.Koshgariy as "etuk" and as well as has various variants, such as "chupchak, utuk, matal, varsaqa" [2:98]. Similarities between Uzbek and English fair – tales will be analysed in this article.

Since prehistoric ages, human being did not only fight for survival of theirs, but also endeavored to make their tribes live long. Therefore, lullabies, tales and puzzles were concentrated to build up a conscious, strong, adroit and skillful person. The imagination of surroundings, acquired knowledge about them were delivered to the young generation specifically and clearly as teachings and precepts. Thereafter, all cultures have coincidences in their oral literature ever the countries locate east and west. European travelers, scientists and ambassadors are considered a to be the first who wrote, investigated and published some of the patterns of Uzbek folk tales in the late of the XIXth and beginning of the XX centuries. Social life, traditions and manuals related to oral literature of the Uzbek maybe come across in the dairies and writer materials of A.A.Yushsakkevich, Nolyapunova, A.Vasilev and A.N.Samoyolovich. In collecting and publishing national tales, puzzles, proverbs accompanied by theater models, the activity of N.P.Ostroumov plays a significant role, though he aimed actually at accomplishing another mission by his state.

Since then some patterns of the Uzbek folklore began to be introduced by H.Vamberi who was a Hungarian scientist and traveler. But the investigation and collection of the Uzbek folklore examples were formally commenced in the 20's of the XX century. In 1922 Gozi Olim Yunusov observed the folklore of Tashkent, Sirdarya and Samarkand and collected different fairy tales, music, puzzles and proverbs spreaded in those territories who was sent by the jury of Uzbek wisdom.

English folklore developed owing to the tribes reigned by the English. Thus, we may come across the same peculiarities to other cultures' folklore literature. The English folklore has grabbing attention with its richness in romantics, reality, simple and clear structure, ordinary languages.

Similarities among myths and fairy tales or legends can be seen exactly in ancient literal memorials of different cultures involving goodness, beauty, wisdom, intelligence and gentleness.

Diverse customs, traditions are described in the ancient narrations as well as we can observe the relations of primitive stage of myths. Having passed ages, after a social development of human being, children acquired myths and legends (or as the old entertained their ready made, afterwards appeared accompanied by the brightest and vivid models of the world literature.

According to B.Sarimsoqov's point of view, three literal terms can be utilized in folklore novels but proverbs, puzzles, applause or damnations relating to these types should be eliminated [4:64-68]. In this case, B.Sarimsoqov separated Uzbek genres into four groups:

1. Epos: legends, narrations, epic poems, ancient songs, overstatements and jokes

2. Lyric: romantic songs, ritual songs, ritual songs, labor songs and vocal duets.

3. Drama: oral drama hilarious stories, puppetry and witticism

4. Special kind (sort, type, class, genre): ordinary party claps, damnations, swearing, sayings and etc. The genre we're going to anatomize is related to this epos class and what we have revealed is given below.

While we learn the tale system of the English and Uzbek, may find out that they appear relating to, firstly, that mutual ideal – literal principles; secondly, their development; lastly, the commonness of genre's similarities, in consequents, we depicted the resemblances below:

1. *Traditional character* – which is characterized in not only the Uzbek or English tales, but in the rest cultures' fairy tales as well. It has got its own social – historical resources. As you know, the early tales began to appear long ago that involved the inhabitants and their rituals of that period. This feature undoubtedly provides tales with structure, cast and some special peculiarities.

Every nation has its own aesthetical taste that took a shape within ages and fairy tales exist with these aesthetical principles though. This phenomenon is considered as an objective rule for tales to be created.

Vocal creation and implementation of folklore novels made consistently permanent structures – traditional characters. For instance, though there is a difference between heroic tales and oral epics, literal style owns the traditional character. The composition of these two genres includes traditional induction, continuation and conclusion.

Heroes of traditional fairy tales are weirds, such as they are born extraordinarily or have unlimited power and strength. Khazrati Khizr, 40 angels, Khazrati Ali, Bobo Kambar also participate in order to stick these ideal heroes who symbolize the nation's dreams and aspiration.

2. *The similarity of literate – ideal principles of the Uzbek and English folklore genres.* Despite the diversities genres also have some special features which combine them systematically in one. For example:

a) Uzbek and English fairy – tales are ideally analogous they express social life, spirit, dreams, happiness and sorrows. Furthermore, both have the some goals aimed at describing the nation.

b) ideal similarity as well the function identifying reality creates the resemblance of topic and heroes.

c) aesthetical principles are also common which supply the accuracy of moral evaluation of simplicity, diminutiveness and varieties in qualifying and also establish a certain system.

3. *Mutual similarities of fairy tales.* This similarity is completely complicating process which involves bilateral effect, adaptation and enrichment.

–the event that takes place in one tale can appear in another too. In some fairy tales, puzzles are given to testify the knowledge of the heroes [3:187].

4. *Akin principles in primitive Uzbek and English fairy tales.* Uzbek folklore fairy tales didn't appear suddenly as well as simultaneously. Since then these fairy tales developed in this manner, became snowball and even befall fluctuations though. Similarly, so did the English fairy tales.

To sum up, we pen down saying that, fairy tales shared their large amount of distribution to the world literature, issue of folklore in the nations, history are considered as one of the stumbling blocks. In this article (we revealed those similarities, completing and fulfilling each other's gaps,) we revealed the common similarities of the Uzbek and English fairy tales and handed in our horizon about them.

Literature

1. Andrew Lang, The blue fairy book. 5th ed. – London: Longmans, 1991.
2. Makhmud Koshgariy. Devonu lugotit turk, 1st collection, T.: 1960.
3. Imomov K, Mirzaev T, Sarimsokov B, Safarov O. Uzbek folk poetic work. Text-book. - T.: Uqituvchi 1990.
4. Sarimsokov B. Uzbek folk genres system. // Uzbek folk ochers 1st collection. -T.: "Fan".1998
5. Uzbek folk tales. – Tashkent: 2007.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола ўзбек ва инглиз халқ эртақларидаги топоним бирликлар таҳлиliga бағишланган. Киёсий таҳлил ёрдамида икки халқнинг лингвокультурологик ўзига хосликлари таърифланмоқда. Топонимик бирликларнинг лексик-семантик таҳлили натижасида топонимик тизим ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются топонимические единицы в узбекских и английских народных сказках. Сравнительный анализ даёт возможность выявить лингвокультурологические особенности двух народов. Топонимические единицы были изучены на основе лексико-семантического анализа и составления топонимической системы.

SUMMARY

The article deals with the analysis of the toponyms in Uzbek and English fairy-tales. The comparative analysis gives an opportunity to distinguish lingua culturological peculiarities of two nations. There has been done toponymic system and toponymic units were investigated on the basis of lexico-semantic analysis.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Э.Даўлетмуратова - ассистент ўқитувчи

З.Ильясова - ассистент ўқитувчи

М.Онгарбаева – мактабгача ва бошланғич таълим факультетининг талабаси

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: идрок, мантик, хотира, жозибадор, дилкашлик, хайрихошлик, ишонувчанлик.

Ключевые слова: разум, логическая память, увлекательность, симпатия, правдивость.

Key words: mind, logic memory, attraction, sympathy, truthfulness.

Психология фани олдида куйилган талабларни кондириш учун мамлакатимизда кенг қўламда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, уларнинг натижаларини дадил амалиётга татбиқ қилиш, амалиёт билан назария ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳаётда қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади. Республикада таълим тизимида психологик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш ёшларни жамият олдида турган улкан ва улғувор ишларга тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг бандларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни ҳаётга жорий этишда ўз ўрнини топади [1].

Болаларнинг лаёқатларини илк ёшдан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар тарафлама ўстириш вазифалари ўқувчига индивидуал ёндашувнинг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда, шунга қўра, билим юрти ва жамоатчилик олдида қатор муаммолар куйилмоқда [2].

Бола мактабга келганга қадар унинг руҳиятида маълум қобилият ва руҳий (психик) ҳолатлар шаклланиб бўлган бўлади. Шунинг учун ўқитувчи биринчи синфга келган боланинг ақлий ривожланганлиги даражасини, унинг руҳий ҳолати, оилавий тарбияси хусусиятларини билган ҳолда унинг ижодий тафаккурини ривожлантириши лозим. Бошланғич синф ўқувчиси синфда ўзига мулоқот қилиш учун шерик, дўст излайди.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳамкорлик ва мулоқот малакалари ривожланади, ўз-ўзини англай бошлайди, унда спорт, ўқиш ва тақлид қила билишга оид кенг қамровли лаёқатлар таркиб топади. Бу ёш босқичи ўзгалар билан келишиши, лаёқатининг шаклланиши билан бошқа ёш босқичларидан фарқ қилади. Эндиликда бола ўз фикрларини мулоҳаза қилади ва ҳаракатларини бошқаларнинг қизиқишларига қараб тартибга солади.

Оддийроқ қилиб айтганда, бола:

–бирор иш (фаолият) билан шуғулланар экан, ўзгаларнинг истак ва қизиқишларини ҳисобга олади;

–ўз фикри мавжудлигини намоён этади, бошқаларнинг мулоҳазаларига солиштириб, ўз фикрини шакллантира билади.

Болада ота-онага боғлиқликнинг камайганлиги сезилади:

–у ўз фикри мулоҳазасига эга бўлиб боради;

–қизиқишларини асослаш ва уларни ҳимоя қилишга интилади;

–ўз ишларини мустақил ҳал этади;

–қийинчиликка учраш, қатталардан маслаҳат ва кўмак олиши лозимлигини билади. Билим олиш жараёнида бола тенгдош ўртоқлари билан дарс давомида ҳамкорликда ишлаш лозимлигини ўрганади, билим, кўникма ва малакаларни фаол эгаллай бошлайди.

Комилликка эришишнинг жисмоний, ахлоқий таркиблари аввалом бор бошланғич синф ўқувчилари томонидан эгалланади. Бошланғич синф ўқувчилари

6-10 ёшли болалардан иборат бўлиб, у мактаб таълимига боғчада тарбияланаётганида тайёрланади. Бунда у мактабда ўқувчиларга қўйилаётган ҳар хил талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади.

Таълимга психологик тайёрлик деганда, боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади. Бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, ҳаёлининг ёркинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узоқ муддатли ва шартли барқарор бўлади. Бола диққатининг хусусиятлари ролли ва сюжетли ўйинларда, расм чизиш ва қуриш машғулотларида, лой ва пластилиндан ўйинчоқлар тайёрлашда, ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни ечишда, ҳикоя тинглаш ва тузишда кўринади. Бола ўз диққатини муайян объектга йўналтириш, тўплаш, тақсимлаш бўйича маълум даражада кўникмага эга бўлиб, ўз диққатини бошқариш ва керакли пайтда тўплашга интилади.

Унинг хотираси қизиқарли, ажойиб ва гаройиб, кишини таажубга соладиган маълумот ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эга бўлади. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш - иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг ана шу фаолиги хотирасининг муайян даражада ривожланганини билдиради. У шеър, ҳикоя ва эртакларни эсда қолдириш учун кўп такрорлаши, ёд олишнинг энг қулай йўл ва усулларида фойдаланиши таълим жараёнида унга жуда қўл келади. Биринчи синф ўқувчиси кўпинча яққол образли хотирага суяниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди, аксинча, таълим сўз - мантиқ хотирасини тақоза этади. Сўз - мантиқ хотирасининг мавжудлиги маъносини тушуниб эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлигини орттиришига кенг имконият яратади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг фаолияти ўзига хослиги ва серқирралиги билан ажралиб туради. Чунки бошланғич синф ўқитувчиси бир томондан синф раҳбари сифатида фаолият кўрсатади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини яхши билишлари, шу соҳадаги халқаро тажрибалар ва замонавий педагогик-психологик билимларни ўзлаштирган бўлишлари керак.

Агар ўқитувчи ўқувчиларнинг имкониятларини аниқ билмаган ҳолда уларнинг барчасига бир хил ёндашиш, юқори даражада интеллектуал қувватга эга бўлган ўқувчилар ҳам сусткаш, лоқайд ўқувчига айланиб қоладилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларини яхши билишлари лозим.

Кичик мактаб ёши ўқувчиларига дарс ташкил этилган пайтда ўқитувчи шу 45 дақиқа давомида болаларнинг психик билиш жараёнларига, руҳиятига таъсир ўтказишни билиши зарур. Демак, нафақат кичик мактаб ёшидаги болаларга таълим берувчи бошланғич таълим ўқитувчиси балки, барча фан ўқитувчилари дарсларида бу жараёнларни ҳисобга олишлари ва уларнинг шаклланишига имконият яратмоғи лозим. Шундагина биз бераётган билимлар беҳудага кетмаганлигини англашимиз мумкин. Демак,

боланинг руҳиятини белгилловчи билим жараёнларига сезги, диққат, хотира, идрок, нутқ, тафаккур ва ҳаёл жараёнлари қиради. Айнан шу боис мактабларда ҳар бир бола учун мўлжалланган педагогик-психологик ташхис дафтари мавжуд. Бу юқоридаги психик билиш жараёнлар шу дафтарда ўз ифодасини топган.

Олти ёшли боланинг психик тайёрлиги тўғрисида гапирилганида кўпинча муайян режа асосида, тартибли, кўп қиррали мақсадга йўналтирилган, ўзаро мантикий боғлиқ, изчил бошланғич таълимга замин вазифасини ўтовчи психик ўсиш даражасини назарда тутамиз [3].

Бола мактаб таълимига психологик тайёрланишининг субъектив томони ҳам мавжуддир. Унинг мактабда ўқиш хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш истаги мазкур тайёргарлик билан узвий боғлиқдир. Болада шу даврга келиб, ўқиш, билим олиш ҳақида тўғри тасаввур шаклланади. У мактаб жамоаси аъзоларининг масъулиятли вазифаларини англайди ва уларга итоат қилишга, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади. Лекин болалар ҳаммаси бир хил эмаслиги сабаблари улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Баъзи бола мактабга бутун вужуди билан талпинади, ўқишга қанча вақт қолганлигини узлуксиз санайди, ўқув ашёларини олдинроқ тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларини эркин фикрлашга ўргатиш улар таълим жараёнининг асосий талабларидан биридир. Лекин болада эркин фикр бўлиш учун оиладаги тарбияда болаларнинг эркин фикрлари сўралиши лозим. Ҳар қандай ҳолларда фикримизни биз нутқ орқали ифода этамиз. Агар боладаги нутқ камчиликлари бўлса-ю биз уларни вақтида камчилик сифатида қарамасак, бу нарсасизга келажакда муаммо туғдириш эҳтимоли мавжуд. Сабаби, кўпчилик ҳолларда боланинг нутқида кечаётган камчиликларга ота-оналар бефарқ қараб кўпроқ ўқитувчилар орқали булар коррекция бўлиб кетади деган фикрга боришади. Аммо нутқ шундай мураккаб жараёнки ундаги камчиликлар баъзан ҳақиқий мутахассислар яъни логопедлар орқали бартараф этилиши мумкин. Мисол учун «Р» товушини тўғри талаффуз эта олмасликка кўпчилик ота-оналар бунга бефарқ қарайди. Бу камчиликнинг ўқитувчи – тарбиячилар орқали бартараф этиладиган энгил тури ва фақат логопед орқали чиқадиган ўрта оғир турлари мавжуд.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, тевақаротдаги воқеаликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир. Шу эҳтиёжлар ўз портфелига, дарс тайёрлаш бурчагига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш истаги, катталардек ҳар қуни мактабга катнаш туйғуси ётади, холос.

Биринчи синф ўқувчисига ўқиш фаолиятининг айнан ўзига кизиқиши кўзга ташланади. Махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва уларга олдиндан бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги айтилган, лекин болалар уларни бажонидил бажаришга киришганлар. Ўқувчи шахсий фаолиятида эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат маҳсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради. Масалан, айрим ўқитувчилар у ёки бу матнни бир неча марта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига кизиқиш, унинг мазмунига ҳам кизиқишни вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокининг салбий хусусияти объектларни бир-биридан фарқлашдаги заифликдир. Улар кўпинча ўрганиладиган материални ноаниқ, ҳатто, нотўғри идрок қиладилар, бунинг оқибатида айнан ўхшаш ҳарфлар, сўзлар, нарсалар тасвири, шакли, фазовий жойлашувининг фарқини тўла тасаввур қила олмайдилар. Масалан, «к» билан «қ» ҳарфларини, «ўқиш» билан «ўқиш» сўзларини «айлана» билан «доира» шакллари, «кесма» билан «тўғри чизик» аломатларини бир-биридан фарқламайдилар. Баъзан эса улар катталарнинг идрок кўлами қамраб олмайдиган нарсаларни пайқайдилар.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар идрокининг яна бир хусусияти хилма - хил, ёрқин бўёқлар, яққол тасвир ва хис-туйғуси бойлигидир. Шунинг учун улар аввало ёрқин хис-туйғу уйғотадиган нарса ва ҳодисаларни идрок қиладилар. Ана шу сабабли рамзий ва шартли белгилар, чизмалар, геометрик шаклга кўра, жонли «жозибатор» тасвирлар ёрқин хис-туйғу тарзида акс этади.

Психологлар томонидан тафаккур ижодкорлигининг шаклланиш усули, йўллари кўрсатилган. Психологларнинг фикрлари, нуқтаи назарда умумийлик, ўхшашлик анчани ташкил қилади. Жумладан, кўпчилик психолог-олимлар биринчи босқич сифатида куйидагиларни кўрсатадилар:

- ушбу жараёнга тайёргарлик босқичи,
- муаммо, фикр пайдо бўлишини тушуниб етмоқлик,

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. 1997, 7- б.
2. Ахмедова Ш. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодкорлиги. Сборник научных трудов: Формирование гармонично развитого поколения в современных условиях. -Тошкент: 2012, 73-79-б.
3. Мусурмонов Р. Педагогик тажриба-синов ишларини жорий этиш механизмлари. -Тошкент: 2013, 28-б.
4. Фридман Л.М. Психология детей и подростков. Справочник для учителей и воспитателей. -Москва: Издательство Института психиатрии. 2003. -С.80.

РЕЗЮМЕ

Мақола таълимнинг бошланғич босқичидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ривожлантиришга бағишланган. Унда муаллифлар ўқувчиларга шахсий ёндашишга алоҳида эътибор берган ва унинг таъсирини бошланғич синф ўқувчиларини коллектив тарбиялашда топади. Бошланғич синф ўқувчиларига уларнинг тенгдошлари олдида шахсий ёндашиш ҳар бирида ўзини англаш ва фуқаролик туйғуларини тарбиялайди.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросу развития психологических особенностей учащихся на начальной стадии обучения. В ней авторы уделяют особое внимание на личностный подход к учащимся и находит его особое влияние при коллективном воспитании младшеклассников. Личностный подход к младшеклассникам при их сверстниках воспитывает в них дух самосознания целеустремлённость и чувство гражданственности.

SUMMARY

The article deals with the issues of developing psychological peculiarities of pupils of primary classes. The author pays a particular attention to the individual approach to the upbringing of pupils and its influence on the collective education of young learners. The individual approach to every child among his/her classmates makes it possible to educate in him self - consciousness, striving for the purpose and a sense of citizenship.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ Йўналиши бўйича ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Т.Э.Делов – ассистент ўқитувчи

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Таянч сўзлар: иқтидорли талаба, ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, ўқув – тарбия жараёни, педагогик фасилитатсия, педагогик технология, психологик ва индивидуал сифатлар, халқаро тажриба, ахборот технологиялари йўналишида ихтидорли талаба.

Ключевые слова: одарённый студент, поддержка студентов, образовательный процесс, педагогическое содействие, педагогические технологии, психологические и индивидуальные качества, международный опыт, талантливый студент в области информационных технологий.

Key words: gifted students, student support, educational process, pedagogical assistance, pedagogical technologies, psychological and individual qualities, international experience, talented student in the field of information technologies.

Ҳозирги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари Республикаларнинг деярли барча соҳаларини кенг қамраб олиши натижасида улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Йилдан-йилга ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, мукаммаллашиб бормоқда. Ҳозирги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билимларига эга бўлиш зарурий талабга айланди. Бунга сабаб ахборот маҳорати эга бўлган кадрларга талабнинг кундан-кунга ортиб бораётганлигидир.

- атроф-муҳит, ахборотларини идрок этиш,
- масалани шакллантириш учун масала қўйиш, кечаклар маълумот тўплаш, кўникма, малакалар,
- визуал тафаккур (кўз билан қабул қилинадиган) образини яратиш, бунда визуал (абстракт) тафаккур ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик.

Ушбу таснифдан кўриниб турибдики, тафаккур ижодкорлигининг биринчи босқичи фаолиятнинг икки жараёнини ўзида мужассамлашти-идрок ҳамда фикр туғилиши [4].

Маълумки, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳар хил бўлиб, бир ўқувчига муваффақият билан қўлланган тарбиявий таъсир воситаси бошқа бирига қўлланилганда кутилган натижани бермаслиги мумкин. Тарбиявий тадбирлар ўқувчиларга яқкама-яқка ёндашиб амалга оширилса, яхшироқ самарага эришилиши, шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Уларда кечаётган психологик ҳолатлар, шахсий психик хусусиятлар ва психик билиш жараёнларининг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда дарсларни ташкил этиш бошланғич таълим ўқитувчисининг асосий вазифаси эканлигини англамоғимиз зарур. Шунинг билан бирга юқорида кўрсатилган нутқ жараёнининг барча турдаги камчиликларида ўз мутахассисларига барвақт топширишлари, эртароқ шуғулланишлари самарали фойда беради.

Бу борада Республикаларнинг Биринчи Президенти шундай деган эди: «Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз ва режаларимизнинг самарали тақдир, авваламбор, давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, тафаккурга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ».

Олий таълим муассасаларининг долзарб муаммо-

ларидан бири биринчи курс талабаларининг билиш даражасининг пастлиги, уларнинг кўпчилиги умумтаълим маҳорати, мустақил иш қобилиятлари, интеллектуал фаолиятни шакллантириш ва коммуникатив маданиятнинг етарли даражада ривожланмаганлигидир. Шунинг учун, бу мақсадга эришиш йўлида қатъиятли шахсни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилувчи мустақил изланиши, талабаларни уни амалга оширишнинг оқилона ва самарали усулларига ўргатиш муҳимдир. Муаммонинг ўрганиш даражаси талабаларга ахборот технологиялари йўналишида касбий тайёргарликни шакллантиришнинг тизимли ёндашуви бўлиб, у кўплаб етукликларни шакллантиришни таъминлайди. Ушбу ёндашув таълим тизимини мунтазам равишда ташкил этишга асосланган бўлиб, унда интизомларнинг интеграцияси амалга оширилади, аниқ мақсадлар ва вазифалар келажак мутахассиснинг касбий фазилятларини шакллантиришга имкон беради, бу эса уни йўналтирилган саноатни ривожлантириш истикболларини ҳисобга олади.

Унинг рақобатбардошлиги, иш билан таъминлаш истикболлари катта даражада мураккаб муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига ва хоҳишларига боғлиқ бўлади.

Бунинг учун мавжуд ёндашувларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ ва ғайратли ҳаракат интеллектуал ва ижодий шахсий, истеъдодли, иқтидорли, келажакдаги ўқитувчилар, бакалавр ва магистрлар шахсий сифатлари ҳоким одат ва тасаввурларни бартараф қилиш учун катта ва кучли саъй-ҳаракатларини талаб қилади.

Жаҳон таълими тизимида ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб, табақалаштирилган таълимни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг бойси таълим жараёнида тақдим этилаётган ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан бирдек ўзлаштирилмаслигидир.

Ўқувчиларнинг психологик ва индивидуал сифатлари даражасининг бир хил эмаслиги, уларнинг айримлари томонидан жуда тез ўзлаштирилаётган ўқув материалнинг баъзи ўқувчилар томонидан қийин ўзлаштирилаётганлиги, бунинг натижасида қобилиятли ўқувчилар вақтларининг самарасиз сарфланиши уларни табақалаштирилган ҳолда ўқитилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Иқтидорли талабаларни аниқлаш - муайян ўқувчининг ривожланишини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган узок жараён. Бир марталик тест синовлари орқали иқтидорни самарали аниқлаш мумкин эмас.

Шунинг учун иқтидорли талабаларнинг бир марталик танлови ўрнига, махсус тайёргарликда ўқитиш жараёнида босқичма-босқич, тер тўқишга ҳаракат қилиш, шахсийлаштирилган таълим жараёнида касбий ўзини ўзи бошқариш мустақил таълимни ривожлантириш, талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтидорли талабаларни аниқлаш муаммолари мураккаб ва юқори малакали ўқитувчиларни жалб қилишни талаб қилади. Иқтидор мезонлари бир марта ва умуман белгиланмаслигини ёдда тутиш керак. Ҳозирги вақтда ахборот технологияларига асосланган олий таълим муассасалари битирувчилари учун янги мактабларда ўқитувчилар учун талаблар ўсиб бормоқда.

Иқтидорли бўлиш муаммоси ҳозирда жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу, биринчи навбатда, жамиятнинг ғайриоддий ижодий шахсга бўлган эҳтиёжига боғлиқ. Замонавий атроф-муҳитнинг ноаниқлиги нафақат инсоннинг юқори фаоллигини, балки унинг маҳоратини, ностандарт хатти-ҳаракатини ҳам талаб қилади.

Иқтидорли ва истеъдодли талабаларни эрта аниқлаш, таълим ва тарбия бериш таълим тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бироқ, ноанъанавий хулқ-атвор ва фикрлашни намойиш қилувчи талабалар билан ишлаш учун ўқитувчиларни ўз фанларини ўқитишларининг етарли даражада психологик даражаси уларнинг шахсий фазилятларини ва барча фаолиятларини кам баҳолайди. Истеъдодли талабанинг ижодий фикрлаши одатда меъёрдан ёки негативизмдан ажралиш сифатида кўрилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида олиб борилган тажрибалар таълим тизимини қайта тиклаш, ўқитувчининг истеъдодли талабага бўлган муносабатини ўзгартириш, унинг истеъдодларини тўсиб қўядиган тўсиқларни олиб ташлаш қанчалик қийин эканлигини кўрсатди.

Иқтидорли талабалар катта ёшдагиларнинг ёрдамига муҳтож эмас, деган фикр бор. Бироқ, шахсий хусусиятларга кўра, бундай талабалар ўз фаолиятларини, хулқ-атвори ва фикрлашларини баҳолашга нисбатан сезгир бўлиб, улар сезгир руҳсатларга нисбатан кўпроқ қабул қилади ҳамда, муносабатларни ва алоқаларни яхшироқ тушунади. Иқтидорли талаба нафақат ўзи, балки атрофидагилар учун ҳам танқидий муносабатга мойилдир. Шунинг учун иқтидорли талабалар билан ишлашда ўқитувчилар умумий ва танқидларга танқид қилишлари керак. Истеъдодли талабалар кўпинча оғзаки бўлмаган сигналларни бошқаларни рад этишнинг бир белгиси сифатида қабул қилишади. Натижада, бундай талаба чалғитадиган, безовталанмаган ва ҳар доим ҳамиша реакцияга тушадиган ҳиссиётни бериши мумкин. Улар учун стандарт талаблар йўқ (ҳар бир киши каби), улар учун конформист бўлиш қийин, айниқса, агар мавжуд меъёрлар ва қоидалар уларнинг манфаатларига зид бўлса мазмунсиз кўринади. Иқтидорли фарзанд учун, уни қабул қилиш ҳақидаги баёнот аргумент эмас. Бу қоида ким, қачон ва нима учун эканлигини ким билиши, тушуниши жуда муҳим.

Иқтидорли талабалар ўзларига жуда кўп талаб қўядилар, тез-тез ўзларини мақсадларига мослаша олмайди, бу эса ҳиссий ҳис-туйғуларга ва хатти-ҳаракатларнинг беқарорлашишига олиб келади. Кўп ҳолларда бу каби талабаларга камдан-кам бардошлик етарли даражада ривожланади. Бундай талабалар бошқа характерли хусусиятлари уларнинг "ижтимоий маъсулиятига" таъсир қилиб, "норозилик" позициясига таъсир қилади. Шу нуктаи назардан, бу позицияда ўзгаришларни излаш керак, биринчи навбатда, ўқитувчиларнинг иқтидорли талабалар билан ишлаши учун ўзларини тайёрлашига боғлиқдир.

Давлат миккиёсида ўқитувчилар малакасини ошириш ва турли хил ривожланиш, хулқ-атвор ва шахсий камчиликлари бўлган талабалар билан ишлаш муассасаларини очишда фаол иштирок этиши ҳар доим ғалати ва истеъдодли талабаларга нисбатан бефарқлик, ҳатто салбий муносабатлардан ҳайратда қоласиз. Нима учун камчиликлар, муаммолар, деярли шарафли гапириш қийинчиликлари ва муваффақиятлар ҳақида сукут сақлансин ва у ҳақида суҳбатлар нотўғри, номуссизлик даражасига кўтарилади? Бу ерда, албатта, ижтимоий ҳаётнинг шартларини таҳлил қилиш керак, чунки етарлича катта вақт оралиғида тарбия индивидуаллигини бартараф этиш йўлига ўтди. Янги технологияларнинг асри ноёб бўлишини талаб қилади, шунинг учун таълим тизими кўплаб инновацияларни ўзлаштира бошлади. Ушбу тизимнинг асосий йўналиши ўқитувчиси иқтидорли талабалар билан ишлаш учун

нафақат профессионал касби, балки шахсий хусусиятларига ҳам эга бўлиши керак.

Ўқитувчи ва талабанинг ўзаро таъсири одатда меъёрий-роли (объект-объект муносабатлари) га асосланган: "Талабам мен учун ишлашга келди, мен у билан ўқитувчи сифатида ишлайман". Иқтидорли талабалар учун ушбу услублар қабул қилинмайди. "Биз иккита одаммиз, Эр юзида иккита ноёб одамлар (мавзу-мавзу муносабатлари) бирга кашф этилиб, бу дунёни кашф этмоқдамиз."

Бунинг учун ўқитувчи ҳақиқатан ҳам ўзини мавзу деб билиши керак. Яна АА. Ухтомский бизнинг табиатимиз амалга оширилаётганини айтди, шунинг учун биз ўзимизни такомиллаштиришимиз ва ҳар қандай вақтда шахсий ўсишимиз учун ишлашимиз мумкин ва керак [3].

Биринчидан, ўқитувчи хатти-ҳаракатларда, фикрлашда, ҳиссий муносабатдаги мослашувчанлик каби сифатга эга бўлиши керак. Вазиятга ёки фаолият воситаларига, фикрлаш усулларига, хатти-ҳаракатларга тўғри келмайдиган вазиятларни осонликча тарқ этиши ва ўзгарувчан мақсадларни ва мафкуравий ва маънавий асослар билан турли вазиятларни ҳал қилиш учун янги, ўзига хос ёндашувларни ишлаб чиқиш ёки қабул қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Талабаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчи ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз-ўзига ишонч, ўзини ўзи ҳурмат қилиш истаги билан ажралиб туради. У жасур ва бақувват, экспериментга мойил бўлиб, ижодий услубга эга. Иқтидорли талабалар билан ишлаётган ўқитувчилар иш учун ички мотивга эга. Улар талабалар билан мулоқотда самарали бўлишди ва таъсири таълим орқали эмас (бажаринг ва қилманг), балки мақсадларингизни ва кичик ҳамкасбларингиз ижодкорликдаги ҳаётий мақсадлари ва қадриятларига трансляция қилиш орқали бўлади.

Ўқитувчининг касбий ва ижодий фаолиятини шакллантиришда икки томон алоҳида эътиборга эга: йўналишлар бўйича касбий таълим ва унинг шахсиятини ривожлантириш. Агар ўқитувчи профессионал тайёргарлик ҳақида фикр юритса ва давлат муассасалари бўлса, унда ҳар ким фикрларнинг шахсиятини ривожлантириш ҳақида жуда оз фикрга эга. Бироқ, профессионализм ҳар доим индивидуал фазилатлар орқали амалга оширилади, бу эса инсоннинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга имкон беради. Шунинг учун келинг, ўзимизни севайлик ва ўз шахсийлигимиз ҳақида ғамхўрлик қилайлик.

Иқтидорли талабаларни ўқитишнинг энг қулай имкониятлари қуйидаги таълим турлари билан таъминланади:

Дифференциалларнинг фарқланиши. Мактаб турли хил қобилиятга эга бўлган талабалар учун параллеллар доирасида бир нечта дарсларни тақдим этади. Ушбу таълим шакли эрта ўсмирликдан (9-синфдан) умидвор бўлиб, ўсмирлик даврининг охирида муайян билим соҳасига доимий қизиқиш уйғотадиган иқтидорли талабалар учун айниқса аҳамиятлидир.

Бу таълим шакли мактабларда тақсимланган ва параллел ўрта махсус таълимини ҳам ўз ичига олади, унда (масалан, кимёвий-биологик, гуманитар ва физика-математика) кабилар кўпроқ иқтидорли талабалар ва оддий бўлмаган махсус синф (ёки синфлар) учун дарслари бор. Иқтидорли талабаларни ўқитиш (субъектларнинг чуқур ўтиши) бўйича ўқитиш жараёнини дифференциялаш асосида келажакдаги профессионал танловга йўналтирилган

индивидуал ёндашув талабларини ҳисобга олган ҳолда, турли хил мазмун ва иш услубларини қўллашни ўз ичига олади.

Параллелликларни қайта тузиш. Худди шу ёшдаги ўқувчилар ҳар бир фан учун шу каби имкониятларни ҳисобга оладиган гуруҳларга ажратилади. Бир ва ундан ортиқ бола одатдагидек айрим мавзуларда (масалан, математика ва физика) "ривожланган гуруҳ" ва бошқалар (масалан, гуманитар) билан шуғулланиши мумкин. Бу шунинг кўрсатадики, бир хил мавзулардаги тадқиқотнинг барча параллелларида бир вақтнинг ўзида ва ҳар бир фан учун болалар янги шаклда гуруҳларга бўлинади.

Ушбу таълим шакли барча даражадаги талабалар учун фойдалидир. Шундай қилиб, иқтидорли болалар академик ютуқларни кучайтирмоқда, мактаб интизомларига бўлган муносабатни такомиллаштириш, ўз-ўзини ҳурмат қилишни кучайтирмоқда.

Қолган болалар, шунингдек, иқтидорли ўқувчиларга қараганда камроқ фарқ қилса-да, илмий ютуқларни қўпайтирадилар. Бундан ташқари, улар ўрганишга қизиқишни оширадилар. Болаларнинг турли гуруҳларга, бир хил ва иқтидорли болаларни ҳам, мактабдаги барча болаларни ҳам ижтимоийлашув жараёнига ижобий таъсир кўрсатадиган кенг камровли мулоқотни таъминлайди.

Ушбу турдаги таълимнинг мураккаблиги ташкилий жиҳатларга, хусусан, етарли миқдордаги ўқитувчилар ва мактаб муассасаларининг зарурлигига боғлиқ. Агар барча параллелликлар бир вақтнинг ўзида физика, кимё ва биология билан машғул бўлса, демак мактабда бир хил ўқитувчилар ва синфлар бўлиши керак, бу ерда тегишли синфларни ўтказиш мумкин.

Истеъдодли болалар гуруҳини параллел равишда танлаш. 5-8 нафар боланинг ҳар бири параллел равишда энг муваффақиятли ўқувчилар бўлишлари тахмин қилинмоқда, улар орасида синфлардан бирида жойлаштирилган, улар орасида 20 га яқин бошқа болалар ҳам бор.

Махсус ўқитилган ўқитувчи одатда ушбу синф билан ишлайди, бу эса иқтидорли гуруҳга мураккаб ва бой дастур ҳисобланади. Синфнинг асосий қисmini ва иқтидорли гуруҳларни ўқитиш параллел равишда олиб борилади, у турли вазифаларни ўз ичига олади. Ушбу таълим шакли, биринчи навбатда, иқтидорли болалар гуруҳининг илмий натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Муқобил ўрганиш. Ушбу таълим шакли турли ёшдаги болаларни гуруҳлашни ўз ичига олади, лекин барча мактаб вақти учун эмас, балки иқтидорли болаларга тенгдошлари билан мулоқот қилиш имкониятини берадиган ва улар учун академик болалар ва тегишли таълим мазмуни жиҳатидан ўз тенг ҳуқуқларини топиш имконини берадиган қисми учун мўлжалланган.

Ушбу форма орқали талабалар мактаб кунининг бир қисмида ўрта мактабда иштирок этишлари мумкин. Энг табиий вариант - иқтидорли болаларга катта ёшдагилар билан мулоқотда бўлиш, бошқа барча мавзуларни ўз тенгдошлари билан муваффақиятли бажаришдир. Ўтган йил ёки бир неча йиллар давомида иқтидорли болалар ўзларининг танлаб олинган фанлар бўйича университет даражасида дарсларга киришлари керак.

Ушбу таълим шакли иқтидорли болаларнинг илмий қобилияти ва ижтимоий кўникмалари ва ўз-ўзини ҳурмат қилишига ижобий таъсир кўрсатади, чунки у истеъдодли болаларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти, масалан, диссенхрон (ноаник ривожланиш) ҳисобга олинади.

Шунга кўра, ўрганишнинг фарқланиши глобал эмас, фақат айрим танланган соҳада. Муаммонинг мураккаблиги мактаб шароитида ушбу турдаги таълимни амалга оширишдан иборат. Агар ушбу шакл мунтазам равишда татбиқ этилса, талабаларнинг индивидуал жадвалларини мувофиқлаштириш зарур бўлади. Ушбу таълим шакли иқтидорли болалар билан ишлашга ихтисослашган кичик хусусий мактаблар учун тавсия этилади.

Ҳар бир талаба гуруҳини камайитириш мажбурий дастурга ўтиш орқали таълимни бойитди. Бундай ҳолда иқтидорли болалар учун одатий синфларнинг бир қисми уларнинг билимга мос келадиган синфлар билан алмаштирилади. Ўқувчи кейинги қисмни ўзлаштиришга киришишдан олдин баҳоланади. Агар у юксак натижа кўрсатган бўлса, у мажбурий дастур доирасида ўз таълимини қисқартиришга ва бойитиш дастурларини олишга рухсат этилади. Ушбу турдаги таълимнинг математика ва табиатшунослик ва гуманитар фанлар бўйича ўзлаштирилишига ижобий таъсир кўрсатди. Ташкилий нуктаи назардан мактаб ўқувчилари нафақат дастурини ўзлаштирган субъектлар бўйича дарсларни ўтказибгина қолмай, балки уларнинг ривожланиши учун керакли тадбирларни таклиф қилишлари шарт.

Битта синфда талабаларнинг бир ёки бир неча асосда бир хил кичик гуруҳларга бўлиниши (интеллектуал қобилият даражаси, илмий ютуқлар ва бошқалар). Таълимни ташкил этишнинг ушбу шакли бошқаларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Энг муҳими, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: ўқув жараёнининг дифференциаллашуви, индивидуализацияси ва мослашувчанлиги туфайли барча талабалар гуруҳлари учун (нафақат истеъдодлилар учун эмас) оптималлаштириш шароитларини яратиш; мактабда ўқув жараёнини ташкил қилиш даражасида ҳар қандай ташкилий ва бошқарув ўзгаришларига эҳтиёж бўлмаслиги, кўшимча биноларнинг мавжудлиги, профессор-ўқитувчилар ва х.к. Истеъдодли болаларни ҳамма жойда (катта ва кичик шаҳарлар, қишлоқлар, аҳоли пунктлари ва бошқалар) ташкил этадиган "оммавий" дастур.

Шундай қилиб, иқтидорли болаларни ўқитишнинг ушбу шаклидан фойдаланиш имконияти, ўқитувчининг кичик гуруҳлардаги таълим технологиясини бир томондан қўллаши ва ушбу талабаларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва имкониятлари билан боғлиқ ҳолда талабаларнинг турли гуруҳлари учун ўқув дастурини ажратиб олиш қобилиятига боғлиқ, бу бошқа талабалар гуруҳининг имкониятлари. Маълумки, бу ўқитувчининг махсус ўқитилишини, махсус малакани,

ўқитувчини ахборотнинг турли хил манбаларига ва техник воситаларига бемалол ва тезкор киришини талаб қилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, таълимнинг бу ёки бошқа шаклини танлаш ва татбиқ этилиши нафақат муайян мактабнинг имкониятларига, балки биринчи навбатда боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, у учун оптимал ривожланиш стратегиясини танлашни белгилаб қўйиши керак.

Хусусан, иқтидорли ўқувчиларни таълим жараёнида муайян вақтларда иқтидорли болалар гуруҳини шакллантириш ғояси асосида таълимни дифференциаллаштириш мақсадида ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли шаклларида фойдаланиш фақат ўқитишнинг мазмуни ва усуллари ўзгартирилган бўлса самарали бўлиши мумкин. Акс ҳолда истеъдодли болаларни тарбиялаш анъанавий таълим дастурининг тезлиги билан фарқ қилади, бу болаларнинг ҳақиқий ривожланиши, уларнинг шахсий билим эҳтиёжлари учун етарли бўлмагани учун иқтидорли талабаларни алоҳида гуруҳга ажратиш ижобий бўлганидан кўра кўпроқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда ахборот технологиялари йўналишидаги талабаларнинг иқтидорини аниқлашда бир неча соҳага оид параметрларига этибор қаратилади.

Энг аввало ахборот технологиялари йўналишидаги иқтидорли талаба математика, физика ва схематехникага оид фанларни яхши ўзлаштирган бўлиши талаб этилади. Чунки бу фанлар дастурлаш тилларида код ёзиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тарихдан бизга маълумки жуда кўп файласуф олимлар математиклар бўлишган.

Ахборот технологиялари йўналишидаги иқтидорли талабаларни аниқлар эканмиз, уларни фақатгина компьютердаги амалий дастурларда ишлашни билиши эмас, балки мустақил бирон-бир дастурлаш тилларида жамиятга фойдаси тегадиган дастур кодини тиралиши керак. Бундан ташқари мустақил ўзлари инновацион ғояларни таклиф эта олиши ва бу орқали қолган курсдошларига ўрнатқ бўлиши талаб этилади. Зеро 2018 йил мухтарам президентимиз томонидан "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб - қувватлаш йили" деб элон қилинди [1]. Бунинг учун ишлаб чиқилган давлат дастури ижросини таъминлашнинг асосий иштирокчилари албатта АКТ йўналишидаги техника олий ўқув юртлари иқтидорли талабалари ва профессор-ўқитувчилари зиммасига юклатилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши., 2017-йил 28-декабр.
2. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 20.04.2017.
3. Ухтомский А.А. Доминанта, Цикл/серия: © Психология-классика. – Питер: 2002. –С. 328.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада танланган йўналишлар бўйича иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳияти ва тарбияси, маънавий камолотида профессор-ўқитувчиларнинг масъул экани, уларнинг ёш авлодга дўстона муносабатда бўлиши ёшларнинг юксак чўққиларни забт этишига замин яратиши ёритилган. Шунингдек, халқаро тажрибалардан унумли фойдалана олиш ижобий натижаларни тез ва осон қўлга кириштиришга асос экани таъкидланган. АКТ йўналишидаги иқтидорли талабаларни аниқлашнинг долзарб муаммолари ҳақида айтиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается интеллектуальный потенциал талантливых студентов в выбранных областях, ответственность профессоров и учителей за их духовное совершенствование и их дружеские отношения с подрастающим поколением, что создаёт основу для достижения молодыми людьми высших пиков. Также подчеркивается, что передовой международной опыт является основой для быстрого и лёгкого доступа к положительным результатам. Упоминаются текущие проблемы определения талантливых студентов в области ИКТ.

SUMMARY

The article describes the intellectual potential of talented students in selected areas, the responsibility of professors and teachers for their spiritual development and their friendly relations with the younger generation, which creates the basis for reaching the high-

er peaks by young people. It is also stressed that the innovative international experience is the basis for quick and easy access to positive results. The current problems of identifying talented students in the field of ICT are also mentioned by the author.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЙЎНАЛИШЛАРГА БОҒЛАБ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

К.Д.Джакаева - ўқитувчи
ҚДУ академик лицейи

Таянч сўзлар: ихтисослик йўналиши, касбий маҳорат, касбий кўникма, фанга кизиқиш, мустақил фикрлаш.

Ключевые слова: направление специализации, профессиональное мастерство, профессиональные навыки, интерес к науке, независимое мышление.

Key words: specialization direction, professional experience, professional skills, interest in science, independent thinking.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андазаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашлари, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларимиз қалбида она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини камол топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2829-сон қарорининг [1] чиқарилишини алоҳида таъкидлаш лозим.


Ушбу қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида академик лицейларда ўқитиш сифати ва самардорлигини янада ошириш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мақсадли таълимга йўналтириш, фарзандларимизнинг танланган мутахассисликларни пухта эгаллашлари учун зарур шароитларни яратишга кенг имкониятлар очилади. Бу, ўз навбатида, таълим жараёнига ўқитилган давлат талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш тизимини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Шундай экан, академик лицейларда асосан фанлараро боғлиқлик, яъни бир фан иккинчиси билан доимий алоқада бўлиши керак. Бир фандаги кўникма, малакалар, иккинчи фанда мукаммаллаштирилиб, тўлдирилиб ўргатилиши зарур. Ҳар қандай фанда кетма-кетлик сақланмаса, яъни олинган билимлар дастлабки билимларни тўлдирмаса, фанлар билан ўзаро узвий боғлиқлик бўлмаса, у ўқувчида муайян бир тушунча ҳосил қилинмайди ва ўқитишнинг самараси паст бўлади. Қатор йиллар давомида математика фани умумтаълим фанлари сифатида академик лицей ва касб-хунар таълимининг барча йўналишларида деярли бир хил дастурга асосланиб, ўқув режа бўйича академик лицейларда 180 соат, касб-хунар коллежларда 190 соат ажратилган ва бир хил мавзулар ўқилади.

Математика фанини йўналишлардаги тегишли, яъни чуқурлаштирилиб ўқилмаган фанларга боғлаб ўтилиши лозим бўлиб, шундагина ўқувчиларда математика фанига бўлган кизиқиш, интилиш ортади ва шу билан бирга касбий кўникмалари шаклланади.

Натижада, маълум ихтисослик йўналишини, ўқувчининг чуқур ўрганишида математик билимларнинг қай даражада аҳамияти борлигини, математика фанини ўз ихтисослиги билан алоқадорлигини тушунишга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг математика фанига иккинчи даражали фан сифатида қарамаслигига имкон яратади ва аста-секинлик билан математика фанининг мавқеи ошиб боради. Мисол учун, агар математика фани ўқитувчиси тақвимий режа тузаётган вақтда мавзулар кетма-кетлиги, ва соатлар ҳажмини ҳар бир касб йўналишига мослаб, баъзилар тузишса касбий йўналишига доир амалий машғулотлар ўтказиш имкониятини беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий-услубий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли. Ҳар бир ўқитувчи янги педагогик технологиялар ҳақида назарий билимларини ошириб, уларни дарс жараёнида қўллаш усуллариини ишлаб чиқиши ва ҳар бир мавзу учун дарс лойиҳасини ишлаб чиқишда энг самарали педагогик технология элементларини танлаши ва уларни дарс жараёнида қўллаши зарур [3].



Академик лицейларда «Аниқ фанлар йўналиши»нинг чуқурлаштирилган фанлари математика, физика, она тили ва адабиёти фанлари бўлиб, бу ерда математика фанининг айрим мавзуларни физика фани мавзуларига боғлаб ўқитиш, яъни «Тенгламалар» мавзусини ўрганиш жараёнида физик микдорлар орасидаги боғланишларни акс эттирадиган тенгламалар билан, яъни ҳаракатланаётган жисмнинг тезлигин топиш тенгламаси, иссиқликдан чиққан кенгайиш тенгламаси кабилардан фойдаланган ҳолда мисол-масалаларни ечиш ва «Ҳосила ва унинг тадбиқлари» мавзусини ўқишда масофа, тезлик ва тезланишларни топиш бўйича ҳосиланинг боғлиқлигини кўрсатиш ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу бўйича анланган билимларни эгаллашларига олиб келади.

«Хорижий тиллар филологияси» ва «Ижтимоий гуманитар фанлар йўналиши»ларида математика фанини «Ўзбек тили ва адабиёти», «Қорақалпоқ тили ва адабиёти», «Чет тили» ва «Тарих» фанлари билан боғлаб ўқитиш методикасига мисол келтирадиган бўлсак, «Натурал сонлар» мавзусини ўқитишда, тарбиявий характерга эга нақл-мақолларнинг сонлар билан боғлаб айтиладиган мақолларини келтириш, яъни «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни», «Бир йигитга қирқ хунар оз», «Ўрганиш – бир хунар, ўргатиш-икки хунар», «Юзга кирсанг, юз йил ўқи», «Илм – тубсиз қудук» мақоллар ҳам ўқувчиларда фанга деган кизиқишини уйғотади. Математика фанига тегишли терминларнинг чет тилида айтилиши ва унга мисоллар келтириш, шу билан бирга Ўзбекистон тарихига мисоллар, яъни Ўзбекистон халқининг сони, яшайдиган ер майдони, вилоятлар сони ва олий таълим ўқув юртларини мисол қилиб келтириш мумкин.

«Тўпламлар ва улар устида амаллар» мавзусини тушуниришда ҳар бир йўналишнинг чуқурлаштирилган фанлари бўйича Венн диаграммаларни чизиш, тўпламларининг кесишмаси, бирикмаси ва айирмаси бўйича ўқувчиларнинг диққатини тортади.

Академик лицейнинг «Табиий фанлар йўналиши»нинг чуқурлаштирилган фанлари химия, биология, она тили ва адабиёти фанлари бўлиб, бу йўналишга юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда математика фанидан бир мавзу бўйича, бир жуфтлик вақтга мўлжалланган дарсни мисол тариқасида келтирамиз.

Математика фанидан ўқув машғулотининг мавзуси: Тўплам ва тўпламлар устида амаллар.

Ўқув машғулотининг шакли ва тури: Назарий - ўқувчиларнинг назарий билимларини тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича машғулоти.

Ўқув машғулотининг режаси:

1. Тўпламлар ҳақида тушунча
2. Чекли ва чексиз тўпламлар
3. Бўш ва қисм тўпламлар
4. Тўпламлар устида амаллар
5. Йўналишларига боғлиқ мисол ва масалалар келтириш.

Ўқув машғулотининг мақсади: Тўплам ва тўпламлар устида амаллар ҳақида билимлар бериш ва мустаҳкамлаш.

Ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар:

- тўпламлар ҳақида тушунчаларга эга бўлади;
- чекли ва чексиз тўпламларни ажрата олади;
- бўш ва қисм тўпламларнинг фарқини билади;
- тўпламлар устида амалларни мустақил бажаради.

Ўқувчиларга мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказилади. Мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қисқа тавсиф беради, фан миқёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради.

Дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг билим даражасига қараб мавзу бўйича амалий машғулоти берилади. Амалий машғулотида гуруҳнинг йўналишига боғлиқ бўлган вазифа берилса, машғулоти бажаришга бўлган қизиқиш ортади. Масалан, табиий фанлар

йўналишидаги гуруҳларга биология ёки химияга доир масалаларни ечиш берилади. Мисол учун:

1. Биология фанида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари бўйича А-ҳайвонотлар тўплами, В-ўсимликлар тўплами деб олиб;

1) $A \cup B = \{\text{Инсонларнинг ҳар хил эҳтиёжи учун зарур бўлган манбалар}\}$

2) $A \cap B = \{\text{Ҳайвонлар ва ўсимликлар: ўсади, яшайди, озикланади}\}$

3) $A \setminus B = \{\text{Ҳайвонларга хос хусусиятлар: сезади, ҳаракатланади ва яшаш учун курашади}\}$

II. Кимё фанидан оксидлар тўғрисида мисол келтирамиз: углерод оксиди – А тўплами, натрий оксиди – В тўплами бўлса

1) $A \cup B = \{\text{оксидлар синфига киради}\}$

2) $A \cap B = \{\text{иккаласининг таркибида ҳам кислород атоми мавжуд}\}$

3) $A \setminus B = \{\text{Ўта ҳавфли ёнувчан газ}\}$

Кейин шунга ўхшаш бажариладиган амаллар берилади [2:11].

Дарс охирида ўқувчиларнинг бу амалларни бажарилиши алоҳида баҳоланилади. Бу баҳоларнинг ўртачаси ўқувчининг бугунги дарс бўйича баҳоси бўлади.

Баҳолаш варақаси

Топши- риклар	Ўқувчилар										
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
№1	78										
№2	79										
№3	83										
№4	85										
№5	85										
№6	88										
Жами	83										

Баҳолаш мезонлари

Мавзунинг чуқур ва тўла эгаллаб, вазифаларни тўлиқ бажариб, қўшимча саволларга аниқ, мустақил жавоб бера олма, «5» баҳоси қўйилади.	85-100 балл
Мавзунинг чуқур ва тўла ўзлаштириб, вазифаларни тўлиқ бажариб, қўшимча саволларга жавоб беришда хатоларга йўл қўйилса, «4» баҳоси қўйилади.	70-84 балл
Мавзунинг етарли даражада эгаллаб олмаган, вазифаларни тўлиқ бажармаган ва қўшимча саволларга жавоб беришда хатоларга йўл қўйилса, «3» баҳоси қўйилади.	55-69 балл
Мавзунинг етарли даражада эгаллаб олмаган, вазифаларни бажармаган ва қўшимча саволларга жавоб беришда кўп хатоларга йўл қўйилса, «2» баҳоси қўйилади.	54 баллдан паст

Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганлигини аниқлашчи кўрсаткич бўлиб, баҳолаш натижасида нафақат ўқувчи, балки ўқитувчининг кучли ва кучсиз томонлари, ўқув жараёнидаги камчиликларни аниқланади.

Бугунги кунда ҳар томонлама етук, дунё қараши кенг, қисил инсонларни тарбиялаш таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири. Шундай экан, академик лицейларда нафақат ўз йўналишлари бўйича чуқур билимларга эга бўлиш, балки умумтаълим фанлари бўйича ҳам билимларга эга бўлишни талаб қилади. Шу сабабли, олий таълим муассасала-

рига кириш учун ҳужжат топширган абитуриентлар эндиликда учта эмас, балки тўртта фан бўйича тест синовларидан ўтиши, табиий ва ижтимоий-гуманитар йўналишларига қўшимча математика фани киритилиши, олий маълумотли мутахассис ҳар соҳада етук бўлишига олиб келади.

Математика фанини йўналишларга боғлаб ўқитиш, янги педагогик технологиялар асосида ўқув машғулотида ташкил этиш ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга, математик тафаккурининг ўсишига, мустақил фикрлашга ҳамда математика фанига қизиқишининг кучайишига олиб келади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунари таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2829-сон қарори.
2. Abduhamidov A.U. va boshqalar. Algebra va matematika analiz asoslari, 1-qism, -Toshkent: «O'qituvchi», 2012.
3. Тожиев М., Хуррамов А. Таълим жараёнида педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган замонавий таълим усуллари. –Тошкент: 2014.

РЕЗЮМЕ

Академик лицейларда математика фанини аниқ фанлар, табиий фанлар, хорижий тиллар филологияси ва ижтимоий гуманитар фанлар йўналишлари чуқурлаштирилиб ўқитилган фанларга боғлаб ўқитиш методикаси келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о методике преподавания в академических лицеях математики как точной науки и программах естественных наук, филологии и иностранных языков и социально-гуманитарных дисциплин.

The article deals with the issues of methods of teaching Mathematics as an applied science, at the academic lyceums and also about syllabus in natural sciences, philology and foreign languages, and social-humanitarian disciplines.

КОМПЛЕКС КОЭФФИЦИЕНТЛИ КВАДРАТ ТЕŇЛЕМЕЛЕРДИ ШЕШИŲ УСЫЛЛАРЫ

Н.Джумабаев – педагогика илимлериниң кандидаты

Б.Мамбеткаримов - ассистент оқытыушы

Б.Нукусбаев - математиканы оқытыу методикасы тәлим бағдарының студенти

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: комплекс сонлар, тенгламалар, Виет теоремаси.

Ключевые слова: комплексное число, уравнения, теорема Виета.

Key words: complex number, equations, Vieta's theoreme.

$$az^2 + bz + c = 0 \quad (1)$$

түриндеги теңleme комплекс коэффициентли квадрат теңleme деп аталады, бунда $a \neq 0$ хэм a, b, c - комплекс (соның менен бирге ҳақыйкый) санлар.

(1)- теңlemениң кореньлері төмендеги формула менен табылады

$$z_{1,2} = \frac{-b + \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$$

(1) теңlemени шешиўде теңlemениң дискриминантын есаплаў ушын комплекс саннан квадрат корень шығарыўға туўра келеди. Сонлықтан алдын-ала комплекс саннан квадрат корень шығарыў мәселесин карап өтемиз.

Мейли $z = a + bi$ комплекс санының квадрат корени $x + yi$ түриндеги комплекс сан болсын, яғный

$$\sqrt{a + bi} = x + yi.$$

$$x^4 - 2x^2y^2 + y^4 + 4x^2y^2 = a^2 + b^2 \Rightarrow x^4 + 2x^2y^2 + y^4 = a^2 + b^2 \Rightarrow$$

Бул теңlemениң еки жағын квадратка көтеремиз:

Еки комплекс санның тең болыў шәртинен пайдаланып x хэм y ти табамыз, оның ушын төмендеги теңlemелер системасын шешемиз:

$$\begin{cases} x^2 - y^2 = a \\ 2xy = b \end{cases} \quad (2)$$

(2) теңlemелер системасындағы хәр бир теңlemени квадратка көтеремиз:

$$\begin{cases} x^4 - 2x^2y^2 + y^4 = a^2 \\ 4x^2y^2 = b^2 \end{cases}$$

Бул теңlemелер системасының еки теңlemесин қосамыз хэм төмендеги теңlemени пайда етемиз:

Бул табылған теңleme хэм (2) теңlemениң биринши теңlemесинен төмендеги теңlemелер системасын пайда етемиз хэм оны шешемиз:

$$\begin{cases} x^2 - y^2 = a \\ x^2 + y^2 = \sqrt{a^2 + b^2} \end{cases}$$

Бул системадағы теңlemелерди қосамыз хэм аламыз, сонда төмендеги теңlemелер пайда болады:

$$x^2 = \frac{\sqrt{a^2 + b^2} + a}{2} \Rightarrow x = \pm \sqrt{\frac{\sqrt{a^2 + b^2} + a}{2}};$$

$$y^2 = \frac{\sqrt{a^2 + b^2} - a}{2} \Rightarrow y = \pm \sqrt{\frac{\sqrt{a^2 + b^2} - a}{2}};$$

(2) теңlemелер системасының екнши теңlemесинен: егер $b > 0$ болса x хэм y тиң белгилери бирдей, ал $b < 0$ болса x хэм y тиң белгилери хәр қыйлы болады. Олай болса:

$$b > 0 \text{ болса, } \sqrt{a + bi} = \pm \left(\frac{\sqrt{a^2 + b^2} + a}{2} + i \frac{\sqrt{a^2 + b^2} - a}{2} \right) \quad (3)$$

$$b < 0 \text{ болса, } \sqrt{a + bi} = \pm \left(\frac{\sqrt{a^2 + b^2} + a}{2} - i \frac{\sqrt{a^2 + b^2} - a}{2} \right) \quad (4)$$

Демек, қәлеген комплекс саннан квадрат корень шығарыў ушын (3) хэм (4) формулалардан пайдаланса болады.

Енди комплекс коэффициентли квадрат теңlemелерди шешиўди карап өтемиз:

1-мысал.

теңlemесин шешиң [3].

Шешиў. Квадрат теңlemениң кореньлерин табыў формуласынан пайдаланамыз:

(4) формуладан пайдаланып квадрат теңлемениң дискриминантын табамыз:

Буннан

$$z_1 = \frac{3+2i+3-2i}{2} = \frac{6}{2} = 3, \quad z_2 = \frac{3+2i-3+2i}{2} = \frac{4i}{2} = 2i.$$

2-мысал. $z^2 - (8+3i)z + 13(1+i) = 0$ теңлемесин шешиң

Шешиў. Квадрат теңлемениң кореньлерин табыў формуласынан пайдаланамыз:

(4) формуладан пайдаланып квадрат теңлемениң дискриминантын табамыз:

Буннан

$$z_1 = \frac{8+3i+2-i}{2} = \frac{10+2i}{2} = 5+i, \quad z_2 = \frac{8+3i-2+i}{2} = \frac{6+4i}{2} = 3+2i.$$

3-мысал. Егер $\alpha + \beta i$ саны $x^2 - 3x + 3+i = 0$ теңлемесиниң корени болса, α хэм β ны табың [2].

Шешиў. Квадрат теңлемениң кореньлерин табыў формуласынан пайдаланамыз:

$$x_{1,2} = \frac{3 + \sqrt{9-12-4i}}{2} = \frac{3 + \sqrt{-3-4i}}{2}$$

(4) формуладан пайдаланып квадрат теңлемениң дискриминантын табамыз:

Буннан

$$z_1 = \frac{3+1-2i}{2} = \frac{4-2i}{2} = 2-i, \quad z_2 = \frac{3-1+2i}{2} = \frac{2+2i}{2} = 1+i.$$

Демек, $\alpha = 2$, $\beta = -1$ хэм $\alpha = 1$, $\beta = 1$.

Виет теоремасы комплекс коэффициентли квадрат теңлемелер ушында орынлы болады. Олай болса (1) теңлеме ушын Виет теоремасы төмендеги түрде жазылады:

$$z_1 + z_2 = -\frac{b}{a}, \quad z_1 \cdot z_2 = \frac{c}{a}$$

$D = b^2 - 4ac < 0$ болғанда хақыйкый коэффициентли квадрат теңлемениң кореньлері бири-бирине түйинлес санлар болатуғыны белгили. $z = a + bi$ комплекс саны қандайда бир квадрат теңлемениң корени болса, онда $z = a - bi$ комплекс саны да сол теңлемениң корени болады. Егер квадрат теңлемениң бир комплекс корени берилген болып, бул квадрат теңлемениң өзін табыў талап етилсе, онда берилген кореньге түйинлес санда бул теңлемениң корениола-

туғынан хэм Виет теоремасынан пайдаланып бул изленген теңлемени дүзиўге болады.

Мысалы. Бир корени $\sqrt{6} + i\sqrt{5}$ комплекс саны болған квадрат теңлемени дүзиң [3].

Шешиў. $z_1 = \sqrt{6} + i\sqrt{5}$ коренине түйинлес болған корень $z_2 = \sqrt{6} - i\sqrt{5}$ болады. Олай болса, Виет теоремасынан пайдаланып бул кореньлерди төмендегише жазамыз:

Изленген квадрат теңлеме төмендегише болады:

$$z^2 - 2\sqrt{6}z + 11 = 0$$

Әдебиятлар

1. Вавилов В.В., Мельников И.И., Олехник С.Н., Посиченко П.И. Задачи по математике. -М.: «Наука» 1987, -С. 432.
2. Литвиненко В.Н., Мордкович А.Г. Практикум по элементарной математике. -М.: «Просвещение», 1991.-С. 352.
3. Шувалова Э.Э., Агафонов Б.Г., Богатырев Г.И.. Повторим математику. -Москва: «Высшая школа» 1969, -С. 465.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада комплекс коэффициентли квадрат тенгламаларни ечиш усуллари бир неча мисоллар оркали кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся примеры на методы решения квадратных уравнений с комплексными коэффициентами.

SUMMARY

The article gives examples of methods for solving quadratic equations with complex coefficients.

TALABA YOSHLARDA DEVIANT XULQ TO'G'IRISIDAGI TASAVVURLARNI O'RGANISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

M.X.Djumaniyazova – katta o'qituvchi

S.B.Kabulova – o'qituvchi

Urganch davlat universiteti

Tayanch so'zlar : ijtimoiy psixologik tashxis , anketa, xulq og'ishganlik, deviant xulq.

Ключевые слова: социальная психологическая диагностика, анкета, отклонения в поведении, девиантное поведение.

Key words: social psychological diagnosis, questionnaire, behavioral disorder, deviant behavior.

O'zbekiston Respublikasida ta'lim-tarbiya sohasidagi amalga oshirilayotgan tub islohotlarning samarasi, avvalambor zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali, mustaqil fikrlaydigan, yuksak madaniyatli mutaxassislarni tayyorlashdan iborat.

XXI asr bo'sag'asida juda ko'plab davlatlarda bo'lgani kabi dunyo xaritasida munosib o'rin olgan mustaqil O'zbekistonda ham barcha sohalarida tub islohotlar boshlandi. Ayniqsa, 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustivor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasida bu islohotlarning barchasi inson omilini har qachongidan ham yuqori saviyaga ko'tarib, inson va uning mukammalligi, o'z ustida ishlashi, o'z mukammalligi hususida qayg'urish muammosi har qachongidan ham dolzarb masalaga aylandi.

Hozirgi kunda oliygohimizning pedagoglari jamoasi va rahbariyati ham bu borada qator tadbirlarni izchil ravishda amalga oshirib kelmoqdalar.

Oliy o'quv yurti hayotida hozir yuz berayotgan voqealiklar ta'lim sohasida tarbiya masalalari yangicha mazmun kasb etayotganligidan dalolat beradi. Bunday vaziyatlarda tarbiyaviy jarayonlar asosan pedagoglar, ustoz - murabbiylarning xohish - irodasi va mahoratiga, muayyan o'quv yurti ma'muriyatining tashabbuskorligiga xamda muassasadagi an'analarga bog'liq. O'quv guruhida mo'tadil ma'naviy-psixologik muhitning yaratilishi - talabalarning o'qishga, ilmiy ishga, ijtimoiy foydali faoliyatga yondashuviga, ularning jipsligi va jamoachilik xususiyatlariga, shuningdek, talabalarning ma'naviy yetukligiga chambarchas bog'liq.

Talabalarining ma'naviy qiyofasi, uni o'rganish va shakllantirish masalalari mamlakatimiz yetakchi psixolog olimlari tomonidan tahlil qilingan. Jumladan, M.G.Davletshin, E.G.G'oziev, N.S.Safaev, V.M.Karimova, F.A.Akramova, B.Yu.Xodiev, M.R.Boltabaev va boshqalar mazkur masala yuzasidan qimmatli fikrlarni bildirganlar.

Yuqorida keltirilgan mutaxassislar talaba yoshlarning ma'naviy tarbiyasi muammosini o'ziga xos yechimlarini taklif etar ekanlar, barchasi tarbiyaviy jarayonni muhim tarkibiy qismi sifatida ijtimoiy psixologik tashxis jarayonini ko'rsatganlar. Tashxis talabalarni hozirgi davrdagi holatini aniqlash va baxolash imkoniyatini beradi [1].

Ijtimoiy psixologik tashxis – bu maxsus diagnostik vositalar yordamida o'rganilayotgan masala yuzasidan birlamchi ma'lumotlarni to'plash.

Anketa-so'rovlar tashxis usullaridan biri bo'lib, tadqiqotning asosiy vazifasi bilan mantiqan bog'liq bo'lgan savollar to'plamidan iboratdir [2].

Har bir inson dunyoga kelar ekan, ehtiyojlarni qondirishning insoniyat tomonidan ungacha o'zlashtirilgan ijtimoiy-tarixiy me'yoriga duch keladi. Muayyan rivojlanish davriga xos tarzda sub'ektning o'z ehtiyojlarini qondirish uchun ma'lum usul, vosita va mezonlarni o'zlashtirishi esa uning tarbiyasini belgilaydi. Xulq og'ish holati esa ijtimoiy normalarga mos bo'lmagan xatti xarakatlarni namoyon bo'lishi xisoblanadi [3]. Bunday xulqning ham o'ziga xos shakllari mavjud.

Delinkvent axloq - shaxs deviant axloqining shakli

sifatida qator xususiyatlarga ega. Birinchidan, bu shaxs og'ishgan xulqining kamroq ma'lum bo'lgan turlaridan biri. Masalan, jinoiy deb tan olingan harakatlar doirasi turli davlatlar, turli vaqt uchun turlichadir. Qonunlarning o'zi bir xil emas, ularning takomillashishi kuchida katta yoshdagi aholining katta qismi "jinoiyatchilar" kategoriyasiga kiritish mumkin bo'lib qoladi. Masalan, soliq to'lashdan qochish yoki kimgadir jismoniy og'riq yetkazish. Shunga o'xshash yana bir misol, hammaga ma'lumki, aldash mumkin emas. Biroq haqiqatni hech bir sharoitga qaramay har doim va hamma joyda gapiradigan odam joyida yolg'on gapiradiganlarga qaraganda ancha noadekvat bo'lib ko'rinadi.

Xulqi-og'ish shakllari sifatida deviant va delinkvent xulq shakllarini ko'rsatish mumkin. Adabiy ma'lumotlarni yig'ib, delinkventlikni chaqiruvchi quyidagi mikroijtimoiy omillarni sanab o'tish mumkin:

- bolalarning g'amxo'rlik va ota-onalari tomonidan mehribonligiga ehtiyoji frustratsiyasi (masalan, o'ta qattiqqo'l ota yoki yetarlicha g'amxo'r bo'lmagan ona), o'z navbatida, bolada erta jarohatli kechinmalarni uyg'otadi;

- oilada jismoniy yoki psixologik shafqatsizlik yoki kuch kult (masalan, jazoning haddan tashqari yoki doimiy qo'llanilishi);

- ma'naviy ongning me'yoriy rivojlanishini qiyinlashtiruvchi ota ta'sirining yetishmasligi (masalan, uning yo'qligi); jarohatli sharoitlarni qayd qilish bilan ruxiy travma olish (kasallik, ota-onaning o'limi, zo'ravonlik, ajrashish);

- bolani uning xohishlarini bajarish, erkalatish;

- bolani o'ta rag'batlantirish; ota-onalar tomonidan bolaga nisbatan talablarning muvofiqlashmaganligi oqibatida unda axloqning aniq tushunchasi paydo bo'lmaydi;

- ota-onalar (vasiylar) ning almashinuvi; ota-onalar o'rtasidagi surunkali aniq ko'zga ko'ringan nizolar;

- ota-onalarning istalmagan shaxsiy xislatlari (masalan, talabchan bo'lmagan ota va erkalatuvchi onaning uyg'unligi);

- bolaning o'rganish orqali oilada yoki guruhda delinkvent qadriyatlarni (ochiq yoki yashirin) o'zlashtirishi [4].

Nazariy ma'lumotlar bilan cheklanib qolmagan xolatda biz ham oliygohda so'rovlar o'tkazdik. So'rovlar Urganch davlat universiteti talabalari o'rtasida olib borildi, so'rovlarda 1-2-3-4 kurs talabalari qatnashdilar.

1. Siz qanday xulq-atvor shakllarini me'yordan og'ish deb hisoblaysiz degan savolga aksariyati 74 % - talabalar o'quv muassasidagi xulq-atvor qoidalarini buzish (darslarni qoldirish, darslardan qochish, topshiriqlarni bajarishdan bo'yin tovlash), Universitet «Odob-axloq» qoidalarini, ichki tartib-intizom qoidalariga bo'ysunmaslik, "jalb etuvchi" kiyimlar kiyish, soch turmashlash, taqinchoqlar taqish kabi xulq-atvor shakllarini me'yordan og'ish sifatida hisoblashi ijobiy holat bo'lib, talabalar dunyoqarashiga ta'lim muassasasi ichki xulq-atvor normalariga qisman bo'lsada kirib borganligini bildiradi.

Xulqi o'g'ishganlikni alkogol ichimlik iste'mol qilish, betartib, pala-partish jinsiy hayot, narkotik iste'mol qilish, tanni jarohatlovchi janjal qilish kabi qo'pol ko'rinishlarni - 90 % talaba belgilagan. Bu holat talabalarda bitta muassasa chegaralari bilan cheklanib qolmay, jamiyatda belgilangan ijtimoiy me'yor va talablarni anglashini bildiradi.

Chekish, bezorilik, qo'pollik kabi xolatlarni talabalarni 32 % odatiy xol sifatida qabul qilishi kuzatildi. Bularda shunday xulq-atvor ko'rinishlari kuzatilishi ehtimoldan xoli emas.

Demak, talabalarining mazkur qismi qo'shimcha tushuntirish ishlariga muxtoj.

2. So'rovnomadagi Ushbu xulq-atvor shakllaridan

qaysilari Sizning tengdoshlaringizda mavjud, degan savolga respondentlarning - 94 % tengdoshlarida o'quv muassasidagi xulq-atvor qoidalarini buzish (darslarni qoldirish, darslardan qochish, topshiriqlarni bajarishdan bo'yin tovlash)ni va Universitet «Odob-axloq» qoidalarini, ichki tartib-intizom qoidalariga bo'ysunmaslikni ko'rsatganlar. Bu holat talabalarda axloqiy "rasmioyatchilik" kabi belgining kuzatilishining belgisidir.

Talabalarining 65 % i tengdoshlarida - "Jalb etuvchi" kiyimlar kiyish, soch turmashlash, taqinchoqlar taqish, tungi klublarga borish, chekish holatlarini kuzatilishini ta'kidlagan. Bu holat talabalarda tanqidiy tafakkur xususiyatlari etarli darajada shakllanganligini ko'rsatadi.

3. Xulqi og'ishganlik shakllarini aniqlash va namoyon bo'lish holatlari to'g'risidagi talabalarining tasavvur va fikrlari nimaga ko'proq asoslangan holatda shakllanganligini aniqlashtirganimizda - 99 % talaba shaxsiy kuzatishlarga tayanganligini ko'rsatgan.

Bu ijobiy holat bo'lib, barcha respondentlar ko'rgan kechirgan voqealarni mustaqil tahlil qila olish va fikrlay bilishi imkoniyati shakllanganligini bildiradi.

Ommaviy axborot vositalari ma'lumotlari, ota-onalarning fikrlariga asoslangan holatda shakllanganligini 22 % talaba belgilagan. Bu holat talabalarni ma'naviy-axloqiy tushunchalarini shakllantirishda OAV ta'siri ancha kattaligini bildiradi.

O'qituvchilarning fikrlariga, do'stlaringizga asoslangan holatda shakllanganligini 8 % talaba belgilagan. Bu holat talabalarda yoshiga xos bo'lgan mustaqillik, vaziyatlarni tahlil qila olish va yetarli darajada mas'uliyatni zimmasiga ola bilish sifatini shakllanganligini bildiradi.

4. Salbiy xulq ko'rinishlariga munosabatingiz degan savolga ko'rsatilgan javoblar :

- Bunday xulq-atvor shakllarini qabul qilish va oqlash mumkin degan javob 44 % talaba tomonidan tanlangan, bu salbiy holat bo'lib, talabalarni bu qismi aniq pozitsiyaga ega emasligini bildiradi. Yani bunday munosabat yoshlarning voqelikka to'g'ri baho berolmasliklarining belgisidir.

- 8 % talaba hech qanday fikr bildirmagan, albatta, bu tashvishli holdir. Chunki talabalarni yoshi va mavqei bu borada aniq fikrga ega bo'lishlarini talab qiladi.

- 48% talabalar xulqi og'ish holatlarini qoralashlarini bildirganlar, bir tomondan bu ijobiy holat bo'lsa, ikkinchi tomondan mazkur guruh talabalarida salbiy xulq-atvor ko'rsatgan odamlarni faqat qoralash emas, balki to'g'ri yo'lga tushishlariga ko'mak berish kerakligini uqtirish lozim. Bunday munosabat oliygohning jahon tillari va tabiatshunoslik fakulteti talabalari tomonidan ko'p tanlangan. Bu savol bo'yicha quyidagini tavsiya qildik:

Talaba yoshlarda jamiyatdagi insonlarni o'zaro bog'liqligi va doimo bir - biriga ta'sir qilishi mumkinligi, insonparvarlik g'oyalarining boqiyiligi haqida mulohaza yuritishga undash kerak.

5. Og'ir vaziyatga tushgan talabalarga yordam ko'rsatish uchun qanday yo'l tutish kerak? degan savolga quyidagicha javoblar oldik:

- Psixologik huquqiy maslahatxona tashkil qilish javobini 78% talaba ko'rsatgan, bu talabalar huquqiy ongining oshganligini belgisidir. Bu javobni barcha fakultet talabalari tanlaganligini inobatga olib, oliygohning o'zida psixologik maslahatxona ochildi.

- Xotin qizlar ko'mitasiga murojaat qilish mumkin, degan javobni kamroq (11%) talaba tanlagan, vaholanki, bizning oliygoh talabalarining ko'pchiligi qizlar (55%), ammo talabalar aksariyat holda xotin-qizlar ko'mitasini faoliyatining talabalarga yordam berish kabi yo'nalishi bilan yaqindan tanish emasligini ko'rsatadi. Xotin - qizlar ko'mitasi juda faol bo'lib, asosan tashkiliy ishlar bilan band. Shu sababdan ko'mita faoliyatining bu qirrasini psixologik maslahatxona bilan hamkorlikda kuchaytirish

mumkin.

So'rovnoma yordamida olingan ma'lumotlar fakultetlar, kafedralar va guruhlar kesimida alohida o'rganildi, tahlil qilindi va murabbiylarga yetkazib berildi. Har bir murabbiy natijalar asosida o'z guruhi uchun individual tarbiyaviy tadbirlar rejasini tuzdi. Anketa anonim tarzda o'tkazilganligi natijalarning ob'ektivligi ta'minlaydi.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida tavsiflangan so'rovnoma qator vazifalarni yechish imkonini beradi:

- Mazkur so'rovnoma talabalarning ma'naviy

qiyofasini, xulqi og'ish holatlariga bo'lgan munosabati, talabalarning ijtimoiy psixologik muammolari yechimi haqidagi tasavvurlarini o'rganish vositasi sifatida xizmat qiladi.

- Guruh murabbiylari va rahbariyatga tarbiyaviy ishlar rejasini tuzishda, tadbirlarni saralashda maqsadli va asosli yondashish imkonini beradi.

- Universitetimizda Xotin-qizlar ko'mitasi, "Kamolot" YoIH, ijtimoiy-psixologik markaz va monitoring bo'limlarini hamkorlikda tizimli faoliyat yuritishida asos vazifasini bajaradi.

Adabiyotlar

1. Oliy o'quv yurtidagi tarbiyaviy ishlarga psixologik yondashuvlar. // Xodiev B.Yu., Boltaboev M.R., Xoshimova M.K., Akramova F.A., Ergasheva D.D. -Toshkent: 2008. 16-b

2. Xaydarov F.L., Xalilova N.L. Umumiy psixologiya. Darslik. - Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi. 2010, 56-b.

3. Королёв В.В. Психические отклонения в подростков-правонарушителей. – Москва: ВЛАДОС-ПРЕСС, 1992. -С. 69.

4. Komilova N.F. Xulqi og'ishgan bolalar psixologiyasi. O'quv qo'llanma. -Toshkent : RBIMM, 2008, 176-b.

REZYUME

Ushbu maqolada talaba yoshlarda deviant xulq to'g'risidagi tasavvurlarni o'rganishning o'ziga xos xususiyatlari ochib berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются частные особенности воображения в девиантном поведении у студентов.

SUMMARY

The article is devoted to the study of particular qualities in researching imagination in the deviant behavior of students.

БАСЛАҰЫШ КЛАССЛАРДА ОҚЫҰШЫЛАРДЫҢ СӨЙЛЕҰ ТИЛИН ӨСИРІҰДИҢ МЕТОД ХӘМ УСЫЛЛАРЫ

Г.Х.Жумашева – педагогика илимлериниң кандидаты

Әжинияз атындағы Нәкіс мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: болаларнинг муомаласини шаклантириш, иккинчи тил сифатида ўрганишнинг назарий ва услубий асоси, ўқитиш методи, илимий-техник прогресс.

Ключевые слова: формирование навыков общения детей, теоретические и методические основы обучения второму языку, учебный метод, научно-технический прогресс.

Key words: formation of children skills of communication, development of theoretical and methodical bases of teaching the second language, method, scientific-technical progress.

Тәлим-тәрбияның сапасы хәм нәтийжеси көбинше педагогикалық технологияны дурыс таңлаўға, оқытў методларын хәм усылларын шебер қолланыўға байланыслы болады.

Метод грек тилинен келип шыққан болып, ол жол, усыл, әдис деген мәнисти билдиреди. Солай етип, метод адамлардың билиў хәм әмелий хызметиниң жолы, әдиси, усылы деген мәнисти аңлатады. Адамлардың хызмет түри қандай болса соған сай методы болады.

Муғаллимлердиң билим бериўдеги хәм оқыўшылардың билим, еплилик, көнликпелерди ийелелдеги, олардың көзқарасларын қәлиплестириўге, уқыплықларын раўажландырыўға қаратылған биргеликтеги хызметлериниң усылларының жыйындысына оқытў методы деп аталады.

Оқытў методынан басқа оқытў усылы, әдиси деген түсиникте қолланылады. Оқытў методы кең түсиник, оқытў усылы тар түсиник. Хәр бир оқытў методы бир неше элементлерден қуралады. Оқытў методының усы элементлерин оқытў усыллары деп атайды.

Оқытў методының қурылысына киретуғын хәм оқыў материалын өзлестириўге жәрдем беретуғын, тәрбияшы менен баланың ис-хәрәкетине оқытў усылы деп айтылады.

Муғаллим оқыўшылардың ана тилинде сөйлеў еркин хәм анық раўажландырыўда оқытў методын қолланып қарақалпақ тилин балаларға жақсы түсиндиреди, көрсетпели қурааларды көрсетип, хәр қыйлы ойындардан пайдаланып билимди жеткереди. Оқыўшы оқытў методлары арқалы муғаллимнің түсиндиргенин тыңлайды, бақлайды хәм ойлайды, айтып береді. Муғаллимнің хызмети оқытў методларын қолланып қарақалпақ тилин үйретиў арқалы оқыўшылардың сөйлеў тилин раўажландырыў,

оқыўшының хызмети оқытў методлары арқалы билим алыў.

Оқытў методы илим методы менен тығыз байланыста алып барылады. Баслаўыш класста хәр бир илимнің тийкары сабақ түрлери (тил өсириў, математика, қоршаған орталық пенен таныстырыў хәм т.б.) үйрениледі. Илим хәм оқыў пәни өзлериниң айрықша методларына ийе. Мысалы, тил илиминде тил қубылыстарын бақлаў, салыстырыў, улыўмаластырыў, тәбият илимлеринде бақлаў, эксперимент, улыўмаластырыў методлары қолланылады. Айырым жағдайларда илимий метод оқыў предметиниң мазмунына хәм оны үйрениў методларына да бирдей байланыслы болады.

Илимий-техникалық прогресс хәм базар қатнасы тийкарында пайда болған мийнет базары, бәсекели орталық оқыўшылардың сөйлеў тилин раўажландырыўға, қарақалпақ тилинде сөйлеў көнликпелерин қәлиплестириўдиң метод хәм усылларын ислеп шығыў, балаларды қарақалпақ халқының руўхый байлықларына тартып, оның тарийхына, мәдениатына сүйиспеншилик сезимлерин оятыў талаптарын қоймақта. Бул әдиўли ұазыйпаларды жемисли турмысқа ендириў мәлим дәрежеде тәлим-тәрбия барысында қолланылатуғын педагогикалық технологиялар менен оқытў методларына байланыслы болады.

Усы көзқарастан хәзирги дәўирде оқытў методларына мына талаптар қойылады:

Оқытў методлары миллий тәрбия мақсетине муўапық билимди, жоқары адамгершиликли, өз халқының, ұатанының хакыйқый пидәйи перзенти болғыы тийис.

Мәмлекетлик билимлендириў талаптары хәм оқыў бағдарлама талаптары тийкарында оқыўшылардың билим, еплилик, көнликпелер жыйындысын өзлестириўин тәмийинлеўи керек.

Сабақ, оқыу хэм билим мазмуны арасындағы байланысты, муғаллим менен оқыушылардың биргеликтеги тең хуқыклы, еркин хэм дөретиушилик, демократиялық түрдеги қарым-қатнасын беккемлеуи лазым.

Оқыушыларды карақалпақ тилин үйрениуге, сөйлеу тилин рауажландыруға ғана емес, ал билимди өз бетинше ийелеуге үйретиуге, орынлаушы емес дөретиуши шахсты тәрбиялауға қаратылған болыуы зәрүр.

Оқыушылардың оқыту барысының бас субъекти хэм объекти болыуын тәмийинлеу дәркар.

Оқыушыларда өз бетиншеликте, жеделликте, өз бетинше еркин пикирлеуде, дөретиушилик ойлауды, дөретиушилик пенен мийнет ислеуде рауажландыруы тийис.

Рецептив босқич ўқитилаётган фанни купрок билиш билан тавсифланади. Методик компетентлик назарий билимга олиб келади, бу босқичда касбий фаолиятининг тажрибаси йўқ ёки етарли даражада эмас. Рецептив босқич методик фаолиятга барқарор баҳоли муносабатнинг тенденциясининг намоён бўлиши билан тавсифланади, методик билимнинг ўрни анча юқори баҳоланади ва тан олинади. Ушбу босқичда когнитив-аналитик компетенция шаклланади, у бўлажак ўқитувчида методик фаолият тўғрисидаги ўқув жараёнини методик таъминлаш ва олиб боришга, ўқув фанини ўқитиш методикаси тўғрисидаги билимнинг мавжудлиги ҳақида, методик фанга қўйилган талаблар тўғрисида, бир бутун тасаввурни ташкиллаштириш ҳақида гувоҳлик беради, бунда методик адабиётларга қизиқиш пайдо бўлади.

Рецептив босқичда методик тайёргарлик деб аталадиган - ўқитувчида мавжуд бўлган методик билимлари, қўникмалари ва қобилиятлари асосидаги методик фаолиятни бажариш учун шароитни таъминлаб берувчи мотивлар, шахсни ўрнатиш системаси.

Ўқитувчининг методик тайёргарлиги келаси структуравий компонентларни қўзғайди: мотивацион (методик фаолиятга баҳоли муносабат); когнитивли (ижтимоий методик билимлар); технологик (ҳар хил педагогик шароитларда ўқитиш жараёнини моделлаштириш).

Шундай қилиб, рецептив босқич моделлаштиришга, ундан кейин ҳар хил педагогик шароитларда ўқув фаолиятини конструкциялашга тайёрлайди.

Репродуктив босқич методик масалаларни ечишга методик билимнинг ва маҳоратнинг йўналтирилиши, шунингдек мавжуд бўлган чизмалар (схема), алгоритм кўрсатмалар асосидаги ҳаракатларни бажаришни тавсифлайди. Ушбу босқичда методик билимларни баҳолилигини англаш бўлиб ўтади, илмий методик фаолиятга ва унинг ўз-ўзини баҳолаш қобилиятининг мавжудлигига талаб ривожланади, махсус методик билимлар (шу билан бирга, ўқув материалларини танлаш принциплари), инновацион методлар ва ўқитишнинг технологияларини амалга ошириш натижаларини олдин ола қўриб ва баҳолаб билиш, ўқув дарсини анъанавий шакллари лойиҳалаштириш, ўқув фанини методик таъминлашни лойиҳалаш, ўқув курсини ва ўқитиш сифатини методик таъминлашнинг сифатини баҳолаш, шунингдек ўқувчиларнинг мустақил ва индивидуал ишини ва методик масалаларни ечишни ташкиллаштириш билиш шаклланади.

Келтирилган босқичда коррекцион-гностик компетенция амалга оширилади. **Коррекцион-гностик компетенция** – ўқув вазиятлар компонентларининг

таҳлили ёрдамида оператив методик масалаларни ечишга ва зарурлигида дарснинг ишлаб чиқилган режасини коррекциялашга қобилиятлиги ва тайёрлиги.

Мақсадли амалга ошириш деб ҳам номланувчи **продуктив даражада** лойиҳалаштирувчи, конструктив-технологик, коррекцион-ташқилий, ахборот-техник (айрим тадқиқотларда у ахборот-технологик, ахборот-педагогик ёки ахборот-коммуникацион деб аталади), коммуникатив-ташқилий креатив компетенция амалга оширилади.

Продуктив босқичда аниқ ўқув вазиятини, дарсликлар ва бошқа ўқитиш воситалари, уни ўзлаштиришда қийинчиликларини олдиндан айтиш, ўқувчилар томонидан тилни ўрганиш даражасини, масалаларни ечиш шароити ёки усуллариға тегишли гипотезани олдинга суриш, стратегияни танлаш мақсадида нутқ материалларини таҳлил қилиш бўлиб ўтади. Ўқув-тарбиявий жараёни, шу билан бирга замонавий ахборот-технологиялар ёрдамида конструкция қилинади. Бу босқичда методик компетентликнинг лойиҳавий компоненти амалга оширилади.

Лойиҳалаш компетенцияси – таълим муассасининг инновацион таълим муҳитини таҳлил қилиш асосида дарснинг технологик картасида, дарслар циклида, ўқитиш мақсадини аниқлаштириш, методик масалаларни ечиш борасида ўқувчиларнинг ўқув ҳаракатларини тузиш қобилиятлиги ва тайёрлиги.

Бўлажак физика ўқитувчисининг методик компетентлигини шакллантиришда коррекцион-ташқилий компетенцияни шакллантириш катта роль ўйнайди, у долзарблиги йўқотган аввалги ечимлардан ўз вақтида воз кечиш, шунингдек ўзгарган ўқитиш шароитлариға боғлиқ дарс боришини қайта ўзгартириш қобилияти борлигини қўзғайди.

Ахборот-технологик компетенция – ўз дастурий маҳсулотини яратиш йўли билан бирга, методик масалани ечиш учун ахборот технологияларни фойдаланишга қобилиятлиги ва тайёрлиги.

Инновацион таълим муҳити шароитида методик компетентликни шакллантириш замонавий ахборот технологияларни ҳисобга олмай туриб мумкин эмас, негаки ахборот педагогик технологиялар чекланмаган қўламда ахборот олишнинг, тўплашнинг, сақлашнинг, ишлашнинг ва зумлик билан етказиш электрон қўрилмалари билан таъминланувчи усуллари билан намоён қилинади. Замонавий ахборот технологиялар ўқиш мотивациясини ўсиради, ўқитувчининг таълим мумкинчиликларини кенгайтиради, ўқитилаётган ва ўқув фаолиятини жадаллаштиради таълим кенглиги чегараларини очади, қатнашувчиларнинг билим орттириш мумкинчиликларини ривожлантиради, электрон ресурслар билан педагогик жараённи бойитади, ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг вакиллариининг таълим имкониятларини тенглаштиради [7:145].

Креатив компетенция методик масалаларини ечишга, ўқитиш мазмунини танлашга, машқ ишлаб чиқишга, физикани ўқитиш жараёнида ишнинг специфик усул ва шакллариини фойдаланишга ижодий ёндашиш қобилияти қўзда тутилади.

Рефлексив босқичда ўқитувчи эришган натижаларини қўйилган масалаларға мослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилади.

Бунда ўқитувчи **рефлексив-гностик компетенция**ни амалга оширади – унинг такомиллаштириш стратегиясини аниқлаган ҳолда ўқувчиларнинг физикавий коммуникатив компетентлигини шакллантириш учун ўз фаолиятининг рефлексиясини амалга ошириш ёрдамида белгиланган дарс режаси, таҳлили, тушуниши ва баҳолашга стратегик ва тактик масалаларни ечишга қобилиятлиги ва тайёрлиги.

Методик компетентликнинг рефлексив компоненти шакллантириш янги ахборотларни қабул қилишга, ностандарт масалаларни ечиш йўллари топиш қобилиятлари - ўқитувчининг инновацион потенциални ривожлантиришга имконият туғдиради.

Рефлексиф – гностик компетенция: инновацион технологияларни жорий қилиш усулларида ўз ўзини баҳолашга қобилиятлилиги; олий ўқув муассасаси ўқитувчиларининг методик тажрибаларини таҳлил

қилиш қобилиятлилиги; методик тажрибасини ўз ўзини баҳолашга қобилиятлилиги тахмин қилинади.

Шундай қилиб, методик компетентликнинг структуравий компонентлари ва уларнинг белгиланган босқичлари билан ўзаро муносабатлари методик компетентликни шакллантиришнинг структуравий функционал моделини яққол тақдим қилишга йўл қуяди, унга эга бўлиш бўлажак физика ўқитувчисига профессионал масалаларни ечишга имконият беради.

Адабиётлар

1. Соловова Н.В. Методическая компетентность преподавателя вуза. -М.: АПКППРО. 2010. -С. 120.
2. Ангеловский К. Учитель и инновации. Книга для учителя. -Москва: «Просвещение», 1991. -С. 158.
3. Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1996. -С. 174.
4. Джораев М., Ахмедов А. Модернизация компетентности будущих учителей физики. // Физика в школе. – Москва: №7, 2005, - С. 20-23.
5. Муслимов Н.А., Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. 80-б.
6. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования. – Москва: 200. -С. 18-20.
7. Крысанова О. Инновационная активность как компетенция современного учителя. // Высшее образования в России. – Москва: 2008. №12, - С. 145-148.

Мақолада булажак физика ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик аспектлари кўриб чиқилди. Инновацион таълим муҳити шароитида компетентликни шакллантириш асосий йўналишлари ва ўзгачаликлари аниқланди.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются методические аспекты формирования профессиональной компетентности будущего учителя физики. Выявлены основные направления и особенности формирования компетентности в условиях инновационной образовательной среды.

SUMMARY

The article deals with methodical aspects of developing professional competence of future teachers in Physics. Basic directions and peculiarities of forming competence in condition of innovational educational environment are shown.

MUSIQA MASHG'ULOTLARIDA IJODIY FAOLLIKNI OSHIRISH YO'LLARI

Z.Nazarova - o'qituvchi

SamDU huzuridagi xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi

Tayanch so'zlar: intellektual, ijodiy faollik, emotsional, tizimlilik, izchillik.

Ключевые слова: интеллектуальность, творческая деятельность, эмоциональность, систематичность, последовательность.

Key words: intellectuality, creative activity, emotiveness, systematicity, succession.

O'zbekiston Respublikasi o'zining ma'naviy yangilanishi yo'lida ijodning barcha turlari rivojlanishiga sharoit yaratib berishga, o'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama kamol toptirish, millatidan va irqidan qat'iy nazar yoshlarning ijodi va qobiliyatlarini o'stirish ishiga katta etibor berish, bugungi kunning dolzarb muammolaridan hisoblanadi. Bu esa umumta'lim maktablarida o'quv-tarbiyaviy ishlarning yanada takomillashtirilishini, ta'lim va tarbiyaning mushtarakligiga erishishni taqozo etadi. Bugungi kunda jamiyatimiz oldida turgan eng dolzarb vazifalardan biri yangicha tafakkur, ijodiy fikrlash, intellektual salohiyatga ega bo'lgan barkamol avlodni tarbiyalashdir [1:4].

Musiqa madaniy hayotimizda keng o'rin tutgan va inson shaxsiyatining shakllanishida muhim rol o'ynaydigan san'at turidir. Eramizdan oldingi IV asrdanoq grek faylasufi Platon shunday degan edi: «Eng katta tarbiyaviy omil musiqiy san'atda emasmikan, zeroki, ritm va garmoniya hammadan ko'proq shu vaqtda qalbga chuqur yo'l topadi va salobat baxsh etib, uni ko'rkam qiladiki, agar tarbiya to'g'ri yo'lga qo'yilgan bo'lsa, aks holda uning teskarisi bo'lib chiqadi.

Uning shogirdi Aristotel (Aflotun) komil ishonch bilan mazkur fikrni quvvatlaydi. «Musiqa kishi ruhining axloqiy tomoniga ma'lum darajada ta'sir etadi, bas shunday ekan, u yoshlarning tarbiyasiga, ta'sir etadi.» Milliy madaniyatimiz bobokaloni Abu-Nasr Al-Forobiy esa musiqaning shaxs shakllanishiga aniq ta'sirini quyidagicha bayon etadi: «Bu fan shu ma'noda foydaliki, kimning fe'l atvori muvozanatni yo'qotgan bo'lsa, tartibga keltiradi, kamol topmaganlarni kamolotga yetkazadi va muvozanatda bo'lganlarning muvozanatini saqlaydi. Bu fan tanining sog'ligi uchun ham foydalidir» [2:16].

Musiqa madaniyati darslarida maktab yoshidagi o'quvchilarni ijodiy faoliyatini oshirish tamoyillarini ishlab chiqish va amalga oshirish ta'limning ustivor vazifalaridan biridir.

Bu esa musiqiy-ijodiy faollik orqali o'quvchi – yoshlarning musiqiy-madaniyati bilan chambarchas bog'liq bo'lgan holda, bir qator holatlar orqali belgilanadi.

Musiqiy o'quv tovushning baland va pastligi, ohanglar, usullar, musiqiy ifoda vositalari, yakka ovozlilik, jo'rovozlilik, musiqiy idrok, musiqiy tafakkur, musiqiy layoqat, tinglash va kuylash qobiliyati shular jumlasidandir.

Maqolaning amaliy ishini tashkil qilish yuzasidan o'tkazgan tajriba-tadqiqot-ishimizda boshlang'ich sinf o'quvchilarining musiqiy ijodiy layoqat tizimini ishlab chiqishga harakat qildik va uning asosiy ko'rsatgichlarini quyidagilar deb belgiladik:

- musiqaga va musiqiy faoliyatga qiziqtirish;
- musiqiy va musiqiy faoliyat jarayonida musiqiy ijodning namoyon bo'lishi;
- musiqiy asarlarni taqqoslash orqali fikrlar xilma-xilligini farqlash, baholash, xulosa chiqarish;
- o'zlashtirishdagi qiyinchiliklarni bartaraf etishga intilish, ijrochilik va musiqiy ijodini faolligini oshirish.

Musiqiylikning namoyon bo'lishini tajriba - kuzatuv ishlarimizda quyidagilar deb belgiladik:

- ohang, usul sur'at va ifodalilik; tovushning kuchi, cho'zilish jilolari, kuyning yo'nalishi va o'zgaruvchanligini aniqlash;
- ovozlarni to'g'ri idrok qilib milliy cholg'ular, vokal, yakkasoz, jo'rsos, ansambl va orkestr ijrochiligini bir-biridan farqlashni aniqlash;

- musiqiy asarni ravon va yoqimli qilib ijro qilish malakasini egallash, uning tuzilishi, mazmuni, kayfiyati, xarakteri, xushsoz va xushohang jihatlarini idrok qila bilishi musiqiylikning namoyon bo'lishida tajriba – kuzatuv ishimizni belgilab berdi.

Musiqiy layoqat va ularni aniqlash mezonlari:

- o'quvchilarning musiqiy asarlarni ongli idrok qilish layoqati;
- musiqiy asarlardagi sur'at va usul o'zgarishlarini farqlash layoqati;
- sof kuylash va diqqat bilan tinglash layoqati;
- musiqiy asarlarni tahlil qilish va ularga shaxsiy munosabat bildirish layoqati;
- musiqiy ong va tafakkur darajasi musiqiy layoqat va ularni aniqlash mezonlari qilib olindi.

Samarali uslubiyat va uzluksiz ta'lim natijasida bu sifatlarni tez orada rivojlantirish mumkinligi tajriba–kuzatuv ishlarida o'z ifodasini topdi.

O'quvchi yoshlarni ijodiy faolligini oshirish bevosita ikki holatga bog'liq deb hisoblaymiz.

Birinchidan, o'quvchining hayotiy tajribasi va musiqiy taasurotlari ko'lami qay tarzda rivojlanganligi bilan belgilanasa,

Ikkinchidan, musiqiy bilim berishning samarali yo'li va vositalarini qo'llash orqali sezilarli ijobiy natijalarga erishish mumkin. Musiqa darslarining samarali bo'lishi sinfda o'quvchilarning ijodiy faolligini oshirishga ham bevosita bog'liq. O'quvchilarning ijodiy faolligini oshirish o'qituvchining so'z mahoratiga, murojaat qilish san'atiga ega bo'lishni taqozo etadi. O'qituvchi qiziqarli hikoyasi va suhbat bilan bolalar diqqatini asar mazmuniga, musiqiy obrazlarga jalb etadi. Kompozitorlarning ijodiy biografiyasiga oid hikoyabop qiziqarli voqea va lavhalardan parchalar keltirishi bilan biron bir asarning yaratilishi tarixini bayon qilish bilan o'qituvchi o'quvchilarning bilish qobiliyatini tekshiradi, musiqa haqidagi bilim doirasini yangi ma'lumotlar bilan boyitadi.

O'quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olish darslarni qiziqarli tashkil etishda muhim o'rin tutadi. Ma'lumki, o'quvchilar dars materiallariga doimiy uzoq diqqat berib o'tira olmaydilar. Ular odatda harakat bilan bajariladigan ishlarga jon-dillari bilan kirishib ketadilar. O'qituvchi o'quvchilarni bu xususiyatlarini hisobga olgan holda o'z darsida harakat bilan bajariladigan ishlarga keng o'rin ajratadi. Umumman, musiqa darslarida o'quvchilarning ijodiy faolliklari o'ziga tashabbuslari zarur talablardan biridir. O'qituvchi o'z o'quvchilariga dars materiallarini bayon etar ekan, hamma narsani o'zi aytib berishga, tushuntirib berishga harakat qilmaydi, balki o'quvchilarni fikrlash, tafakkur qilish qobiliyatlarini ishga soladi. O'quvchilarni o'ylash, taqqoslash, xulosa chiqarish, baholash malakalarini o'stira boradi va bu bilan o'z darsini yanada jonli qiziqarli va ongli bo'lishini ta'minlaydi.

Musiqa darsi o'z tabiatiga ko'ra san'at darsidir. Uni rang-barang sermazmun va qiziqarli tashkil qilish har bir o'qituvchidan katta pedagogik va professional mahorat talab etadi. «Bolalarni san'atga o'rgatish nihoyatda murakkab, - deb ta'kidlaydi taniqli kompozitor D.B.Kabalevskiy, - hamma murakkablik shundaki, ularni emotsional tarzda qiziqitirmay turib chinakam san'atga o'rgatish mutlaqo mumkin emas».

Bu o'rinda musiqiy mashg'ulotlar jarayonida o'quvchilarning ijodiy faolligini ta'minlash alohida ahamiyatga molik. Musiqani tushunish, uning orombaxsh ta'siridan bahramand bo'lish, malaka va ko'nikmalar qatori emotsional his-tuyg'ularning ishtirokiga ham bog'liq. Asarni ijro va idrok etishda his-tuyg'ular qanchalik faol va chuqur bo'lsa, ularni tushunish va o'zlashtirish, to'yinish va zavq olish ham shunchalik ongli va chuqur bo'ladi. Bu holatlar esa o'z o'rnida ijodiy faollik natijasida sodir bo'ladigan jarayon. Zero, zerikarli va sokin-

lik holati sinfda jonli hissiyot holatini tashkil eta olmaydi.

Bo'lajak musiqa o'qituvchilari tajriba–kuzatuv ishlaridan kelib chiqib, musiqiy–ijodiy rivojlanish bilan musiqiy layoqat bir–biri bilan uzviy bog'liq va bir–birini taqozo etadigan jarayondir deb belgilaydi. Vaholanki, musiqiy layoqat musiqiy ijodni rivojlantirishning asosi bo'lib hisoblanadi. Shundan kelib chiqib, musiqiy faoliyatni ijodga qaratilganligi esa musiqiy layoqatning uzluksiz ta'lim tizimida o'quvchi–yoshlarning intellektual–ijodiy rivojlanishiga bevosita yordam beradi.

Darhaqiqat, musiqiy bilim va ijodiy jarayonlar ta'sirida o'quvchilarning musiqa savodxonligi qay tarzda o'sa borishiga qarab, o'quvchi–yoshlarning ijodiy faolligining hamma turlariga o'zining ijobiy ta'sirini o'tkazadi.

Maktab yoshidagi o'quvchi–yoshlarning ijodiy faolligini oshirishda qo'yidagi holatlar doimo o'qituvchi e'tiborida bo'lishi maqsadga muvofiqdir:

- o'quvchilarning ijodiy va musiqiy layoqatlarini doimo uzviy tarzda rivojlanib borishligini hisobga olish;
- musiqiy bilim, va ko'nikmalar rivojlanishini ijodiy faollikni o'sib, shakllanib borishining asosi deb qarash;
- o'quvchi – yoshlarni musiqiy–ijodiy faoliyatning turli – tuman forma va vositalarini tizimlash orqali ularni musiqiy ijodga faol jalb qilish natijasida ularda hissiyot olami va intellektual imkoniyatlarni o'sib borishini nazarda tutish talab etiladi.

Musiqiy bilimlarni o'zlashtirish jarayonining ilmiy nazariy, uslubiy jihatdan pishiq va mukammal bo'lishi muhimdir. Uning samarali, muvaffaqiyatli bo'lishini ta'minlovchi asosiy omil puxta ishlab chiqilgan dars tizimidir. Darslarni tizimli tarzda olib borish, bosqichlararo uzviylikni ta'minlashga ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi. 1-sinfda o'tilgan mavzular 2-sinfda takrorlash orqali esga olinadi va yangi mavzularni o'rgatishga zamin yaratiladi. Avval o'tilgan mavzularni qaytarmay, yangi mavzuni o'tish mumkin emas. Musiqa madaniyati darslarida musiqiy bilimlarning o'ylangan va asoslangan tizimda o'zlashtirilishi o'ta muhim ahamiyatga ega. Beriladigan bilimlar soddadan murakkabga qarab yo'naltirilgan bo'lmog'i darkor. Ushbu tamoyilning buzilishi o'quvchilarning o'quv materialini o'zlashtirishlariga salbiy ta'sir ko'rsatib qolmay, ularning musiqa madaniyati darslariga bo'lgan qiziqishlarini ham so'ndiradi. Musiqiy bilimlarni tushuntirishda o'qituvchi avval o'tilgan mavzularga tayanmog'i lozim. Musiqa bilimlarni o'zlashtirish jarayonida beriladigan bilimlar avval o'zlashtirilgan bilimlarga asoslangan bo'lishi bilan birga, asta-sekin kengaytirilib va chuqurlashtirilib boriladi.

Tizimlilikka asoslangan holda darslarni tashkil etish, musiqiy bilimlarni o'zlashtirish, ko'nikma, malakalarni shakllantirish jarayonida o'quvchilarda o'zlariga bo'lgan ishonchni uyg'otadi, ruhlari ko'tariladi va musiqa madaniyati darslariga bo'lgan qiziqishlari ortadi. Tizimlilik buzilsa, o'quvchilar tez charchab qoladilar, darsga nisbatan diqqat va qiziqishlari bo'shashib boradi, dars materialini o'zlashtirish pasayadi. Musiqiy ta'limda izchillikka rioya qilib o'qitish lozim, toki bugun o'rganilgan bilimlar kecha o'rganilganlarini mustahkamlasin, ertaga o'rganiladiganlariga zamin yaratsin. Darslarni tizimlashtirilgan holda olib borish, bosqichlararo uzviylikni ta'minlashga yordam beradi [3:3].

Fikrimizni muhtasar qilib aytadigan bo'lsak, o'quvchi – yoshlarga uzluksiz ta'lim tizimi jarayonida chuqur bilim berish, musiqiy madaniyat sirlarini yoshlik chog'idan qalbga singdirish, kuchli va kengaytirilgan darajada musiqiy bilim, ko'nikma, malaka va tarbiya berish, bu yo'lda ko'zlangan maqsadga erishishda o'quvchilarning ijodiy faolligini oshirish orqali ularning ijodini, nota savodxonligi, kasbga nisbatan ijodiy faolligi, musiqiy

madaniyat darslariga nisbatan ijobiy munosabati, oxir oqibat bilish, o'rganish va o'zlashtirishga nisbatan intilishi va musiqiy did hamda musiqiy ehtiyojlarini shakllantirish orqali ma'naviy tarbiyalanib borishi muhim omil bo'lib hisoblanadi. Bu esa bo'lajak musiqa o'qituvchilarining qanchalik musiqiy madaniyat darslarida ijodiy faolligiga bog'liqdir. O'qituvchining ijodiy faolligi ta'limiy yo'nalishda o'quvchilarning o'qituvchiga nisbatan ijobiy qabul qilishiga bog'liqdir. Yosh avlodni san'atning eng faol turlaridan biri

hisoblangan musiqaga qiziqish uyg'otib musiqa orqali o'quvchilarni har tomonlama yetuk, komil, barkamol qilib tarbiyalash hozirgi kun musiqa o'qituvchilarining oldiga qo'ygan eng maqsadli vazifalaridan biridir.

Xullas, musiqa mashg'ulotlarida ijodiy faollikning samarali yo'llaridan foydalanish ularning mashg'ulotlarni diqqat bilan tinglab o'quv materialini tahlil qilish, taqqoslash, xulosalar chiqarish kabi aqliy faoliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A.. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – Toshkent: 1997.
2. Omonullayev D. "Maktabda musiqa tarbiyasi metodikasidan leksiyalar kursi". -T.: 1990.
3. «O'zbekiston Respublikasi umumta'lim maktablarida musiqa ta'lim -tarbiya konsepsiyasi». -T.: (Musiqa 1995 yil 24 may).

REZYUME

Ushbu maqolada musiqa mashg'ulotlarini tashkil etishda ijodiy hamkorlik va faollikning samarali yo'llari haqida fikrlar bildirilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье описываются идеи творческого сотрудничества и эффективные способы организации музыки.

SUMMARY

The article is devoted to the description of the ideas of creative cooperation and effective ways of organizing music.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАЯНЧ ОМИЛИ СИФАТИДА

А.Одилов - катта ўқитувчи
Самарканд давлат университети

Таянч сўзлар: педагогик технология, концерт, викторина, конкурс, интервью дарслари.

Ключевые слова: педагогические технологии, концерты, викторины, конкурсы, интервью.

Key words: pedagogical technologies, concerts, quizzes, competitions, interview.

Мусиқа маданияти фанининг бошқа аниқ фанлардан фарқли томони шундаки, уни ўқитишни доимо замон билан ҳамоҳанг ҳолда олиб бориш ўқитувчидан эса узлуксиз ижодий фаолиятни талаб этади.

Ҳар бир фан (дарс) нинг ўзига хос хусусияти бўлиши табиийдир. Мусиқа ўқитишнинг ҳам ўзига хос томонлари кўп, албатта. Шунинг учун ҳам дарснинг ҳар бир фаолият турида илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мумкин. Дарсда олиб бориладиган ўқитувчининг турли фаолият шакллари маъруза, ҳикоя, тушунтириш, намойиш қилиш, кўрсатиш, тинглаш, суҳбат, савол – жавоб, жамоа бўлиб куйлаш, овозни созлаш машқларининг ҳар бирининг мазмун ва моҳияти мавжуд. Унда шарт – шароит, ўқитувчи ва ўқувчилар имкониятига мувофиқ тарзда янги технологияларни татбиқ этиш мумкин. Бунда мусиқа ўқитувчисининг ҳам ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Мусиқа санъатига муҳаббат, қизиқиш, дарсни эмоционал кўтаринки руҳда ўтказиш, ўзида артистлик, режиссёрлик, драматургик, маҳоратларини ривожлантириб бориш, болаларни севиш, улардаги музикаий қобилият ва қизиқишларни эътиборга олиш, уларни рўёбга чиқаришга интилиш, яхши хонандалик, чолғучилик маҳоратига эга бўлишлик шулар жумласидандир. Чунки, ўқитувчининг таъкидлаб ўтилган хусусиятларнинг ўзи ҳам дарсда ўқувчилар учун технологик ибрат сифатида хизмат қилиши мумкин [1:34].

Чунки ҳар қандай таълим шакли, модели, тури ўқитувчининг педагогик маҳорати, билими, малакаси ва артистлик иқтидорисиз қутилган натижани бермаслиги аниқ.

Маълумки, мусиқа ўқитувчиси ўқув тарбия ишларини бараварига олиб боради. Мусиқа ўқитувчиси булардан ташқари дарсларни кузатиб бориши лозим. Доимий кузатишлар сабабли ўқитувчи педагогик маҳоратини ошириб боради. У вазиятни баҳолашга, ўқувчиларни ички туйғу, қизиқиш ва қобилиятларини сезишга ўргатади. Кузатиш биринчи синфдан - еттинчи синфга қадар давом этади. Бунда қўлланилаётган усул, шакл ва педагогик

технологияларнинг ҳам самарадорлик, қулайлик, болалар учун қизиқарли ва ўнғайлик жиҳатлари аниқланиб борилади.

Мусиқа таълимининг ўзига хослиги ташкилий тузилиши, амалий ижрочилик фаолиятлари, шунингдек, ўқитиш усуллари, уларнинг самарадорлигини таъминловчи омиллар, воситалар таҳлили ва уларни умумий ижодий – ижобий жиҳатларини умумлаштириш мусиқа таълимини ўзигагина хос бўлган янги турларини ишлаб чиқиш имконини берди. Булар ҳам ўз мақсади ва бажарадиган вазифаси мазмун ва моҳиятига кўра педагогик технология бўлиб, уларни мусиқа машғулотларига татбиқ этиш яхши натижа бермоқда. Бундай дарслар ўқувчиларда яхши кайфият, жўшқинлик, кўтаринки руҳ ва интилишни кучайтирмоқда. Мактаб ўқувчиларининг мусиқа санъатига қизиқтириш ва таълим самарадорлигини таъминлашда бир қанча ўйин методлари ва таълим усуллари мавжуд. Улар қаторига ҳозирги кунда илғор, ташаббускор ўқитувчилар томонидан кенг қўлланилаётган қуйидаги янги технологик дарсларни алоҳида кўрсатишимиз мумкин:

- концерт дарслар, интервью дарслари, йўналтирувчи дарслари, доира стол атрофидаги дарслари, конкурс дарслари, куйни топ, ҳимоя дарслари;

- кувноқлар ва зукколар дарслари, баҳс – мунозара дарслари, мен дирижёр дарслари, мусобақа дарслари ва ҳ.к.

Бу дарсларнинг ҳар бири ўз тузилиши, вазифаси, мақсади ва методик асосларига эгадир. Мана шу айтиб ўтилганларнинг ўзига ҳам мусиқа дарсларини ўз табиатига кўра янги – янги ўзига хос ва замонавий интерфаол усуллардан фойдаланишида кенг имкониятларига эга эканлигини кўрсатади ва яна бир бор шу ўринда мусиқа ўқитувчисининг зукколиги, маҳорат, тажрибаси ва қандай технологиялардан, қандай фаолият мавзуларини ўтишда, педагогик шарт –шароит ва ўқувчиларнинг қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлаши ва қўллаши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Масалан, **концерт дарсларини** ўқувчиларда сахна маданиятини шаклланишига, ўзларини кўпчилик олдида кўрсатиш, яхши имкониятларини намойиш этиш, ўзини артистлардек тутиш хислатларини ўсишига, **викторина дарслари** ўқувчиларда топқирлик, изланувчанлик, тез фикрлаш, эслаб қолиш қобилият ва кўникмаларини ривожланишига, **баҳс – мунозара** дарслари ҳам ўқувчиларни мустақил фикрлаш, ҳозиржавоблик, мавзу ва масалаларга ижобий ёндошиш, нутқларини теранлашиб боришига ижобий таъсир этади.

Кўноқлар ва зукколар дарсида ўқувчилар ўзларининг топқирлик, зукколик, мақсад сари интилиш каби сифатларини намойиш этадилар.

Таҳлил дарсида мусика саводи, мусика тинглаш, кўшиқ куйлаш жараёнларида ўтилган асарларни таҳлил қилишга эътибор қаратилади, бунда ўқувчиларни назарий саводхонлик малакалари муҳим рол ўйнайди.

Ўйин дарслари жуда хилма – хил шаклларда ўтказилиши мумкин. Масалан, мусикий чолғулар мавзусини ўтганда ўқувчиларга турли хилдаги мусика чолғу асбоблари сурати солинган карточкалар берилди. Ўқитувчи магнитофон ёрдамида бирор бир миллий чолғу асбобида ижро этилган мусикани эшиттиради. Ўқувчилар ўз навбатида мусикий асар қандай чолғу асбобида ижро этилганлигини қўлларидаги карточкалар орқали кўрсатадилар. Энг фаол қатнашган ва топқир ўқувчилар баҳоланадилар ва рағбатлантириладилар. **Викторина, концерт, баҳс – мунозара, кўйини топ** каби дарслар ўқувчиларнинг назарий ва амалий ўзлаштирган билимларига асосланган ҳолда ўтказилади.

Таълимга технологик ёндашув педагогик жараёнга фаол таъсир этувчи ва унинг самарадорлиги, бир бутунлиги, муваффақиятини белгилаб берувчи

воситалардандир [2:42].

Ҳозирги вақтда янги илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш ҳақида турли – туман фикр, қараш, ёндашувлар мавжуд. Бу ҳам тасодифий эмас албатта. Замонавий, янги педагогик технология асосида ўқитишни йўлга қўйиш, таълим жараёнини ўқувчилар учун тушунарли ва қизиқарли яратиш учун тинимсиз изланиш ўқитувчининг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда [3:12].

Ўқитувчи бундай янги технологияларини қўллаши натижасида ўқувчиларнинг ушбу дарсларга қизиқиши янада ортади, уларнинг диққатини жалб қилади ва хотирасини мустаҳкамлайди. Дарс жараёнида ўқитувчи томонидан тўғри танланган янги педагогик технологиялар ўқувчиларга билим беришда, уларни маънавий тарбиялашда ўз самарасини кўрсатади [4:68]. Қайд этилган янги педагогик технологиялар ўқитувчи томонидан мусика маданияти дарслари жараёнида қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган мусика фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулотини бўйича тузилган юқоридаги каби янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, таълим методларидан самарали фойдаланиш, унга фан предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишига, яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасига кўра, таълим самарадорлигини оширишига ёрдам беради.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш умумтаълим мактабларида мусика маданияти дарслари жараёнида янги педагогик технологиялар билан ўқувчи – ёшларни ҳар томонлама чуқур таништириб бориш, уларда мусика санъатига ҳурмат, меҳр-муҳаббат, мусикани ўрганишга ва шу орқали уларни тарбиялаш ишларининг самарали кечишига имконият яратади.

Адабиётлар

1. Ахмедов Ш. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви. – Т.: 2005. (БМИ).
2. Гулбоек Т. Янги педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш. – Навои: 2001.
3. Саидхмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
4. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар тренинг материаллари. – Т.: 2002.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида “мусика маданияти” дарсларининг ўқитилиши билан боғлиқ айрим муаммолар ва уларнинг ечимларини таъминлаш йўллари баён қилинган. Мақолада “мусика маданияти” дарсларини ўқитишда педагогик технологияларни қўллашнинг методик жиҳатлари ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье описываются некоторые вопросы, связанные с преподаванием «музыкальной культуры» в общеобразовательных школах и способы их решения. В статье изложены методологические аспекты использования педагогических технологий в преподавании «музыкальной культуры».

SUMMARY

The article is devoted to the description of some issues related to teaching "musical culture" at general educational schools and the ways of their solution. The article contains the methodological aspects of using pedagogical technologies at the lessons in the teaching of "musical culture".

ОЛИЙ МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЛОЙИХАЛАБ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ УНИНГ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШДАГИ РОЛИ

Г.А.Опаева – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: замонавий концепция, ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш, инновацион педагогик технология, новатор.

Ключевые слова: современная концепция, проектирование деятельности учителя, инновационные педагогические технологии, новатор.

Key words: modern conception, designing the activity of a teacher, innovation pedagogical technologies, innovator.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрельдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-2909 сонли қарорининг қабул қилиниши таълим жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш жараёнини жадаллаштириш асосида таълим сифатини янада яхшилаш масаласини қўйди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар педагогик технология тамойиллари асосида фанларнинг ўқув машғулотларини босқичма-босқич лойиҳасини тузиб чиқишлари талаб этилади [1:3].

Педагогик технология тамойиллари асосида ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолиятини лойиҳалашда, албатта, ижодкор ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Илк бор ўқув жараёни лойиҳасини тузишнинг илмий-назарий асосларини яратган олимлар Б. Зиёмухаммедов, Л.В. Голиш, М. Тожиев, Д.М. Файзуллаева, Ҳ. Қаршибоев, Д.Юнусова ва бошқаларнинг ишларида, унинг амалиётга татбиғини А.Алимов, М.Кўчқаров, Э.Шарипов, И.Зулфуқаров, М.Ўралова, Г.К.Изетаева, К.Мамадалиев, А.Ж.Хуррамов ва бошқаларнинг ишларида кўриш мумкин [1:5].

Узлуксиз таълим тизимидаги фанларни ўқитишнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган учта тоифадаги педагогик усуллар, яъни биринчи тоифадаги усуллар «Анъанавий усуллар» деб аталиб, талаба ёшларга билимларни «етказиб бериш» тамойилига асосланган, иккинчи тоифадаги усуллар «Ноанъанавий» ёки «интерактив» усуллар деб номланиб, талабаларнинг билим эгаллашларида «фаоллаштириш» тамойилига суяналган ва учинчи тоифадаги усуллар «Илғор ёки замонавий инновацион» усуллар дейлиб, таълим-тарбия жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш тамойилидан келиб чиқадиган [2:35-36] замонавий усуллар ҳақида барча фан ўқитувчиларининг етарли даражада тушунчаларга эга бўлиши ва педагогик фаолияти жараёнида улардан тўғри ва ўринли фойдалана олишлари талаб этилади. Чунки: талабаларни билиш жараёнига қизиқтиришда;

- ижтимоий фойдали меҳнатга таёрлашда;
- англандан ҳолда билим олишга ва мустақил ўз билимларини ошириб боришга ўргатишда;
- фанга бўлган қизиқишларини ривожлантиришда;
- мантикий фикрлашга ўргатишда;
- таълим самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришда замонавий таълим технологиялари, унинг усулларисиз таълим мақсадларига эришиб бўлмади [3:9].

Олий математика фанини ўрганиш жараёнида талабалар турли формулаларни ўрганишади, масалаларни ечишади. Агар улар бу формулаларни онгли равишда тушуниб етмаса, мисол ва масалаларни мантикий фикрлаб ечмаса (онгли равишда тушуниладиган тушунча ёки формула тез ва узоқ вақт хотирада сақланади ва керакли вақтда тез эсча тушурилади), у ҳолда янги назарий билимларни эгаллашда қийинчиликларга дуч келади. Айниқса олий математика фанида бу талабаларнинг шу фанни ўрганишга бўлган қизиқишларини сўндиради. Бу камчиликларни бартараф этишда ҳам замонавий педагогик технологиянинг имкониятлари юқоридир.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз таълим тизимига инновацион-педагогик, ахборот коммуникация технологияларини ва замонавий таълим воситаларини таълим жараёнига кенг татбиқ этиш давр талаби бўлиб келмоқда. Бу ўз навбатида, таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришни амалга ошира оладиган, технологик билимлар тизимига эга бўлган замонавий ўқитувчиларга бўлган талабни оширади. Шунинг учун замонавий ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнида қуйидаги омилларга асосланиш талаб этилади:

- таълим мақсадларига эришишни Давлат таълим стандартлари ва малака талаблари даражасида қафолатлаш;
- ижодий ва илланувчан характердаги масалаларни мустақил еча олиш;
- ўқитувчининг маънавий ва ахлоқий салоҳиятини унинг касбий фаолиятидаги ўрни ҳамда аҳамиятини англаб етган ҳолда ўз устида мустақил ишлаш;
- замонавий таълим ва тарбиянинг илғор технологияларини, мамлакат ва хориж илғор тажрибаларини узлуксиз равишда эгаллаб бориш;
- фанлараро интеграцияни талаб этувчи янги мураккаб касбий-педагогик муаммоларни ҳал этишга ҳар тамонлама тайёр бўлиш;
- талаба шахсининг ҳар тамонлама ривожланишини етарли даражада ўрганиш ва педагогик, психологик ҳамда физиологик жиҳатдан таҳлил қила олиш;
- замонавий таълим тизимида комплекс (мажмуавий) ўзгаришлар қила олиш ва ундаги қарама-қаршиликларни енга олиш қабилар [3:10].

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишига ундовчи таълим технологияси дарснинг методик ишланмасидан фаркли ўларок, талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у уларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар томонидан ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Педагогик технологиянинг асосий моҳияти-талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Таълим технологиясининг **замонавий концепциясида:**

- ўқув фанининг мақсади, вазибалари ва долзарблиги, ўқув фани бўйича ўқув фани дастурига мос дарс соатларининг ҳажми ва фаолият турлари бўйича тақсимланиши;

- ўқув фанининг мазмуни: ўқув фанининг ўқув фани дастурига мос равишда ўқув фанининг мавзуй мазмуни изчил баёни ёритилади.

Ўқув машғулотида таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари сифатида ўқитиш, коммуникация, ахборот ва бошқарувнинг усул ва воситаларини танлаш ишини амалга ошириш асосида ётувчи **таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг концептуал ёндашуви** белгиланади.

Ўқув машғулоти таълим технологиясини **режалаштириш ва лойиҳалаштириш қоидалари** қўйидагиларни ўз ичига олади (Таълим технологиясини ишлаб чиқишда таълим технологиясининг кетма-кетлиги):

- таълим технологияси тамойиллари асосида ўқув жараёнини режалаштириш;
- таълим технологияси тамойиллари асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштириш;
- таълим жараёнида талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятини босқичма-босқич амалга оширишни аниқлаш;
- таълим жараёнининг ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

Таълим тизимида ўқитиладиган фанлар бўйича дарс машғулотларини лойиҳалаб ўқитишга педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий моделини асос қилиб олинди. Педагогик технология миллий модели ва унинг тамойиллари асосида ҳар бир машғулотларнинг лойиҳалари тузиб чиқилди. Том маънода фанларни лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепциясида инновация сифатида деб қарашга олиб келинди. Бундан эса, педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини лойиҳалари асосида ўқитиш ўқитувчидан талаб қилинадиган ва унинг методик тайёргарлиги, компетенциясини шакллантиришда инновацион компонент сифатида хизмат қилади.

Инновация ҳақида айтар эканмиз, педагогик инноватика тушунчасига кенг тўхтаб ўтсак. **Педагогик инноватика**(янгилик киритиш, инновация) – таълим муассасасининг фаолиятига нисбатан барқарор янгилик элементларини киритиб, унинг ривожланиши ва фаолият кўрсатишига самарали таъсир этувчи мақсадга йўналтирилган ўзгартиришдир. **Инновацион педагогик технологиялар** айнан таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабалар(тингловчилар)га муайян фан (мавзу) бўйича билим бериш ва шахсини шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг замонавий услублари ва техник воситалари мажмуидир. Инновацион технологияларни қабул қилиш бўйича педагоглар гуруҳлари (Э.М. Роджерс таснифи бўйича) қўйидагича бўлинади: [4:3]

Новаторлар – авантюрист (таваккалчилик) руҳиятидаги, ҳар қандай янги муносабатлардан янгилик изловчи, янгиликка мойил педагоглар-2,5%;

Янгиликни эрта татбиқ этувчилар – новаторлар изидан борувчи, янгиликни тезда татбиқ этувчи, маълумот ва маслаҳат берувчилар -13,5%;

Дастлабки татбиқ этувчилар – янги технологияни ўзлаштириш учун маълум вақт талаб этади, камдан-кам ҳолларда етакчи бўлади, олдинги гуруҳдагилар билан эркин мулоқот қилади.-34%;

Кеч татбиқ этувчилар – янгиликка шубҳа билан қаровчи, ўзларининг шахсий манфаатлари учун ёки ижтимоий муҳит босими остида, янгилик аниқ фойдали эканлиги тасдиқланганда татбиқ этувчилар – 34%;

Иккиланувчилар – анъанавий технологияларни маъқул кўришади, янгиликни жуда кеч қабул қилади, янгиликка иккиланиб қарайди, янгиликнинг оммала

шувига тўсқинлик қилади.-16%;

Бугунги технология асрида олий таълим муассасаларида «Олий математика» фанини барча йўналишларда ўқитиш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун бу фан бўйича ўқитишнинг инновацион, замонавий концепциясини ишлаб чиқиш жуда зарурдир. Табиий равишда, бунинг учун «Олий математика» фани ўқитувчиси новаторлар ёки янгиликни эрта татбиқ этувчилар гуруҳига мансуб бўлиши талаб қилинади. Олий математика фани бўйича янги авлод фан дастурлари яратилган ва шу фан дастурлари асосида ўзига хос методикага эга дарслик ва ўқув қўлланмалари бир қанча етиштирилган. Бу фаннинг ўқув машғулотларининг лойиҳалари ишлаб чиқилган [5:6].

Адабиётлар

1. Тожиёв М., Зиёмухамедов Б., Б.Усмонов Б., Хуррамов А. Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш. Монография. –Тошкент: 2017, 280-б.
2. Тожиёв М., Баракаев М., Хуррамов А. Математика ўқитиш методикаси.// Ўқув қўлланма.- Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 328-б.
3. Узлуксиз таълим тизимида ўқув фанларини модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти// Монография / М.Тожиёв, М.Баракаев, Г.Изетаева, Д.Турдибоев. -Т.: «Турон иқбол» нашриёти. 2017, 160-б.
4. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар. –Қарши: 2011, 38-б.
5. Олий математика М.Тожиёвнинг умумий таҳрири остида: ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. –Тошкент: «ТАФАККУР ВО’СТОНИ», 2011.Қ.1. Олий математика фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиқи) Қўчқоров М.У., Зулфқоров И.М., Изетаева Г.К., Опаева Г.А. /Ўқув ва илмий-услубий қўлланма. 240-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «Олий математика» фанини лойиҳалаб ўқитишнинг замонавий концепциясининг математика ўқитувчиси фаолиятидаги роли ёритилиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются современная концепция преподавания предмета «Высшая математика» путём проектирования и роль в проектировании деятельности преподавателя математики.

SUMMARY

The article is devoted to the study of the modern conception of teaching the subject «Higher Mathematics» by designing and the role and activity of Mathematics in this project work.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, РАДИОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА ФАНИНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МАЗМУНИ

Нурылла Орынбеков – Нукус давлат педагогика институти, Мехнат таълими кафедрасы катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мустақил иши, рейтинг тизими, электрон ўқув адабиётлар, мультимедияли электрон дарсликлар, ахборот манбалари, ахборот-қидирув, ахборот-маълумотнома, автоматлашган кутубхона тизимлари, электрон журнал, электрон почта, синхрон телеконференция.

Ключевые слова: самостоятельная работа, рейтинговая система, электронные учебники, мультимедийные электронные учебники, источники информации, поиск информации, информация и запрос, автоматизированные библиотечные системы, электронный журнал, электронная почта, синхронные телеконференции.

Key words: i

Талабанинг мустақил иши электротехника, радиотехника ва электроника фанининг ишчи ўқув дастурида ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб бажариш, рейтинг тизими талабалари асосида ўқитувчи томонидан назорат қилинади.

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларининг мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Талаба мустақил ишининг вазифаси – электротехника, радиотехника ва электроника фани бўйича янги назарий билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш куникмаларига эга бўлиш анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда электрон ўқув адабиётлар, мультимедияли электрон дарсликлар, ахборотлар манбалари билан ишлаш ва таҳлил қилиш, интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш, берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш, топшириқни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш, ишлаб чиқилган ечимини фан ўқитувчилари жамоасида ҳимоя қилиш деб белгиланган.

Талабалар мустақил равишда билимларни эгаллаши ва амалиётда учрайдиган турли муаммоларни ҳал қилиши, турли хил ахборотлар билан ишлаши, уларни таҳлил қилиши, умумлаштириши, турли маълумотлар билан ишлаши, мустақил танқидий фикрлаши, муаммоларни ҳал қилиши

учун яхши натижа берадиган йўللари излаши, муомила маданиятини эгаллаши, ўзгарувчан вазиятларга мослашиши каби бугунги кун талабаларига жавоб бера олиши керак.

Шулардан келиб чиқиб, ўқув жараёнида шахсни шакллантирувчи, интеллектуал қобилиятга эга мутахассисларни тайёрлаш учун назарий билим билан амалиётни яқинлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳозирги босқичнинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу йўналишда талабаларнинг сифатли тайёргарлигини амалга оширишдаги ўқув жараёнини таркибий қисмларидан бири профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг мустақил тайёргарлигидир.

Ўқув материаллари бўйича талабанинг мустақил тайёргарлиги ўқитувчининг назорати остида бу жараёнга масъуллик билан қарашни талаб

қилади. Бу ҳолат ўз навбатида талабада профессионаллик, ижодкорлик қобилиятларини шакллантиради. Бунда гап фақат талабалар учун дарс жараёнига ажратиладиган мустақил дарс соатлари миқдорини ошириш ҳақида кетаётгани йўқ, балки олийгоҳдаги ўқув-тарбия жараёнида талабаларнинг ўз устида ишлашларини, келгусида эгаллаган билимларин амалиётга жорий қилишда қўллашни бугунги кунда талабалар курсида ўтирган пайтида эгаллашлари тўғрисида кетмоқда. Мустақил ишга талабанинг ўқиш жараёнида фаоллигини оширувчи, ўз-ўзини тайёрловчи, мустақилликни таъминловчи, малака оширувчи восита сифатида қараш керак.

Хар бир профессор-ўқитувчи таълим жараёнида ўзига хос ёндошув ва ўз услубига эга бўлади. Фикримизча, педагогик олий таълим муассасаларининг хар бир профессор-ўқитувчиси ўзининг талабалар мустақил ишларни ташкил этиш бўйича ёндошуви ва шакллланган ижодий тизимига эга бўлиши муҳим. Мустақил ишларни ташкил этиш услуби профессор-ўқитувчи учун ўз талабаларининг имкониятларини, қобилиятларини аниқлаб, ҳисобга олишларига ва амалий фаолиятда ундан унумли фойдаланишга имкон яратади [3].

Бизнинг асосий мақсадимиз, талабаларни мустақил равишда билимларни эгаллашга ўргатиш ва шу асосда уларда мунтазам мустақил ишлай олиш кўникмаларини ривожлантиришдир. Шунинг учун машғулотлар давомида талабаларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга ва ривожланишига шарт-шароит яратиш муҳим. Асосий вазифамиз машғулот давомида талабаларнинг мунтазам, тинимсиз ўқув-билиш фаолияти билан банд бўлишларини таъминлашдан иборат. Машғулот давомида хар бир талабани тўлиқ равишда топшириқлар билан таъминлаш зарур.

Профессор-ўқитувчининг роли талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ишни ташкил этишда намоён бўлади.

Талабанинг роли профессор-ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал этишнинг оптимал йўлини излаб топишга қобилиятли ижодкор шахс бўлишда акс этади.

Мустақил иш куйидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга имкон бериши лозим:

1. Талабаларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;

2. Таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;

3. Талабаларда умумий ва касбий лаёқатларни ривожлантиришга имкон бериш;

4. Таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобиятликни шакллантириш учун шароит яратиш.

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

Аудиторияда амалга ошириладиган мустақил ишлар.

1. Маъруза машғулотларида бажариладиган мустақил ишлар;

2. Амалий машғулотларда бажариладиган мустақил ишлар.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар.

1. Конспектлаштириш.

2. Адабиётлардан реферат тузиш.

3. Китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш.

4. Доклад, реферат ва назорат иши [1].

Мустақил ишларни ташкил этишда янги ахборотлардан куйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

1) тармокдан ахборот излаш – web-браузер, маълумотлар базасидан фойдаланиш, ахборот-қидирув, ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлашган кутубхона тизимлари, электрон журналлардан фойдаланишда;

-реферат-шарҳлар ёзиш;

-мавзу билан боғлиқ сайтларга тақриз ёзиш;

-маълум мавзуга доир тармокдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш;

-маъруза режасига доир ўз вариантини ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш;

-фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш;

-амалий машғулотлардан лавҳа тайёрлаш;

-мавзуга доир доклад тайёрлаш;

-мавзуга доир мунозара ўтказиш.

2. Тармокда диалогни амалга ошириш – электрон почта, синхрон телеконференциялардан фойдаланишда;

-ўтказилган ёки ўтказилиши кўзда тутилган маърузаларни

муҳокама қилиш;

-мутахассис ёки талабалар билан синхрон телеконференция(чат)да мулоқотни амалга ошириш.

3. Тематик web-саҳифа, web-квест(топширик)лар яратиш – html-муҳаррири, web-браузер, график муҳаррирлардан фойдаланишда:

-сайтда талабалар томонидан бажарилган рефератлар ва рецензиялар, ишларни жойлаштириш;

-мавзуга доир адабиётлар рўйхатини чоп этиш;

-индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлашга доир мавзули web-саҳифаларни яратиш;

-мавзу бўйича ишлаш учун web-квестлар яратиш ва уларни курсга

доир сайтда жойлаштириш [2].

Мустақил иш топшириқлари муваффақиятли якунланиши учун куйидаги талаблар бажарилиши лозим:

-мақсад (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ҳ.к.), аниқ асосланиши;

-вазифа ва топшириқларнинг аниқ-равшан белгиланиши; топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан талабаларнинг етарли даражада хабардор бўлиши; маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунириш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, айрим муаммоли моментларни биргаликда ҳал қилиш ва ҳ.к.);

Талабалар мустақил фаолиятини ташкил қилинишини янги мавзунинг ўрганишга киришишнинг бошида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки янги мавзунинг ўрганишга киришиш олдидан талабаларда

уни ўрганишга мотив ўйғотиш, қизиқиш ўйғотиш имконияти кўпроқ бўлади. Бунда талабалар фаолиятини фронтал шаклда ташкил этиш фойдали. Чунки талабалар фаолиятини фронтал шаклда ташкил этиш ўқитувчини (талабалар

билан яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ишлашдан кўра) қатор машаққатли меҳнатдан ҳолис қилади. Бундай ёндошувдан янги мавзунинг ўрганишга киришиш босқичида фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бир неча топшириқни доскада ёки катта экранда бериш орқали ёки ўқув қўлланма ва дарсликдаги бобларни қайд этиш орқали беради.

Талабалар мустақил фаолиятини ташкил этишда ва эришишда интерфаол методлар, педагогик технологиялар ва АКТ имкониятларидан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш зарур. Ана шундай ҳолдагина биз талабалар мустақил фаолиятини ташкил қилиш, шакллантириш ва ривожлантириш асосида юқори натижаларга эришишимиз мумкин [3].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчи бўлишни хоҳловчи хар бир талаба ўзининг бўш вақтини юқорида кўрсатиб ўтилган мустақил ишлаш услублари орқали олиб бора, иложи борица мустақил ишларни бажаришга ҳаракат қилса, ўз касбининг моҳир устаси сифатида шаклланиши учун замин яратилиб, буюртмачи билан олий таълим ўртасидаги узвий боғлиқлик мустаҳкамланган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуқодилов А.А. Умумтаълим мактаблари учун электрон дарслик яратишнинг назарий асослари //Педагогик маҳорат. – Т., 2003, №2. 18-45 – бетлар.

2. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. T.: 2006, 20-22 - betlar

3. Адинаев Ш.Ш. “Информатика ва АТ” фанидан талабалар мустақил ишларини тизимли ташкил этиш. //Замонавий узлуксиз таълим муаммолари:

Инновация ва истиқболлар Халқаро илмий конференция-Т., 2018 йил 70-71 – бетлар.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мустақил ишларни ташкил қилишнинг тизимини яратиш орқали, талабаларга маълум натижаларга мустақил эришиш йўллари ва имкониятларини тақдир этидик. Машқларни бажариш натижасида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти ривожлантирилади. Шу билан бирга уларнинг кўпроқ мустақил фикрлашига эришилади, билиш фаолиятида кўпроқ ижодкорлик ривожлантирилади.

РЕЗЮМЕ

В статье создавая систему самопомощи, мы предложили способы, с помощью которых студенты могут самостоятельно достичь определенных результатов. В результате упражнения мышление учащихся будет улучшено. В то же время они имеют больше самостоятельного мышления, больше творчества в учебной деятельности.

Creating a self-help system in the article, we proposed ways in which students can independently achieve certain results. As a result, students' thinking will be improved. At the same time, they have more independent thinking, more creativity in learning activity.

O'QITUVCHINING PEDAGOGIK FAOLIYATIDA INNOVATSIYALARNING O'RNI

M.Pazilova – *katta o'qituvchi*

Z.Haytboyeva - *3 kurs talabasi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: Innovatsion faoliyat, ta'lim tizimi, yangilik, texnologiya, axborot

Ключевые слова: инновационная деятельность, система образования, инновация, технология, информация

Key words: innovative activity, education system, innovation, technology, information

Innovatsiya – ma'lum bir faoliyat maydonidagi yoki ishlab chiqarishdagi texnologiya, shakl va metodlar, muammoni echish uchun yangicha yondashuv yoki yangi texnologik jarayonni qo'llash, oldingidan ancha muvaffaqiyatga erishishga olib kelishi ma'lum bo'lgan oxirgi natijadir.

Bugun ta'lim tizimidagi pedagogik innovatsiya – pedagogik yangiliklar, ularni baholash va pedagogik jamoa tomonidan o'zlashtirish, nihoyat uni amaliyotda qo'llash haqidagi ta'limot sifatida qaraladi.

Innovatsiyaning amaliyotda kiritilishi innovatsion jarayonlarda amalga oshiriladi. **Innovatsion jarayon** deb – innovatsion o'zgarishlarga tayyorgarlik ko'rish va uni amalga oshirish jarayoniga aytiladi.

Ta'lim jarayonidagi innovatsion o'zgarishlar, ta'lim tizimiga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o'qituvchi faoliyatini yangilash va o'zgartirish orqali amalga oshiriladi.

Ta'lim tizimidagi innovatsiyalar, ularni amaliyotga kiritish, innovatsion jarayonlarni boshqarishni tahlil qilish orqali innovatsion faoliyat tushunchasini ta'riflash imkoniyati paydo bo'ldi. Innovatsion faoliyat – bu amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo'lib, ijtimoiy-madaniy ob'ekt sifatlarini yaxshilashga qaratilgan ijtimoiy sub'ektlarning harakat tizimi bo'lib, u ma'lum doiradagi muammolarni echish qobiliyatigina emas, balki har qanday vaziyatdagi muammolarni echish uchun motivatsion tayyorgarlikka ega bo'lishdir. O'qituvchi innovatsion faoliyatining markaziy masalasi o'quv jarayonini samarali tashkil etishdan iborat.

O'qituvchilarni innovatsion faoliyatga tayyorlash muammosiga murojaat etish jamiyatda innovatsion jarayonlar dinamikasining o'sib borayotganligini tushunish natijasida vujudga keldi. Uning taxlili faqat fan va texnika erishgan zamonaviy yutuqlardan foydalanishni o'z ichiga olmasdan, balki yangiliklarni izlash, yaratish, moslashtirish, tatbiq, etish va olingan natijalarni qayta tekshirish kabi jarayonlarni ham qamrab oladi.

Innovatsion faoliyatning tuzilishini o'rganib chiqqan olimlardan biri V.Slastenin uni quyidagicha tuzilishga ega deb ko'rsatib o'tadi: "Innovatsion faoliyatning tuzilishi - ijodiy yondashuv, ijodiy faollik yangilikni kiritishga texnologik va metodologik tayyorgarlik, yangicha madaniyati. Innovatsion faoliyatning darajalari: reproduktiv, evristik, kreativ bo'lishi mumkin".

Innovatsion faoliyatga tayyorlashdan maqsad - o'qituvchining yangilikka intiluvchanligini, mustaqil o'z ustida ishlash ko'nikmasi va malakasini shakllantirish, yangi pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlardan foydalanib, dars va darsdan tashqari mashg'ulotlarni o'tkazish malakasini takomillashtirishdan iborat.

Innovatsion faoliyat - bu ilmiy izlanishlar, ishlanmalar yaratish, tajriba-sinov ishlari olib borish yoki boshqa fan-texnika yutuqlaridan foydalangan holda yangi texnologik jarayon yoki yangi takomillashtirilgan maxsulot yaratish bo'lib, uning progmatik xususiyati shundaki, u g'oyalar maydonida ham va alohida bir sub'yektning xarakat maydonida ham amalga oshirilmaydi, balki bu faoliyatni amalga oshirish tajribasi kishilar hayotida hammabop bo'ladigan holdagina xaqiqiy innovatsion hisoblanadi.

Innovatsion faoliyatning asl mazmuni amalda yangi texnologiyaning shakllanishi bo'lib, uning natijasi innovatsiya sifatida yuzaga kelgan ixtironi-loyihaga, loyihani-texnologiyaga aylantirishga yo'naltirilgan faoliyatdir. Innovatsion faoliyatda ilmiy tasavvurlar akademik ilm mantiqi bo'yicha tug'ilmaydi, balki rivojlanish jarayonining modifikatsiyalari qullab-quvvatlanishi natijasida rivojlanayotgan amaliyot mulohazasidan paydo bo'ladi.

Innovatsion faoliyat o'qituvchining o'z faoliyatidan ko'nikmasligidan kelib chiqadi. U o'qituvchi tomonidan u yoki bu pedagogik vazifani hal qilishda qandaydir to'siqqa duch kelinib, uni muvaffaqiyatli hal etishga intilish asosida yuzaga keladi. Innovatsion faoliyat yangi g'oyani izlashdan boshlanadi. Pedagogik innovatsiya ta'lim-tarbiya jarayonidagi muhim va murakkab masala echimiga yunaltirilganligi sababli o'qituvchidan yangicha yondashuvni talab qiladi.

Zamon shiddat bilan o'zgarib borar ekan, ta'lim sohasi ham u bilan barobar o'zgaradi va o'qituvchidan o'z faoliyatini o'zgartirishni talab etadi. Bugun o'qituvchining asosiy vazifasi faqat ta'lim berishgina emas, balki boshqaruvchilikdan iborat bo'lib, u ta'lim jarayonini to'g'ri tashkil qilishi va boshqarishi talab etilmoqda.

Innovatsion faoliyat o'qituvchining hamma muvaffaqiyatini belgilovchi asosiy faoliyat bo'lib, u shaxsning kasbiy, metodik mahoratini sifatli qayta qurish demakdir.

Ma'lumki, shaxsning xislat va fazilatlarini faoliyat ko'rsatish jarayonida shakllanadi va faoliyatning natijasi hisoblanadi. Shu sababli o'qituvchilarda yangilikka intiluvchanlik va mustaqil mutolaa qilishga doimo zaruriyat sezish psixologiyasini singdirish lozim. Chunki yangilik - insonga ulug'vorlikdan ko'ra ko'proq zavq bag'ishlaydi.

Agar o'qituvchilarni innovatsion faoliyatga tayyorlash vazifalari malaka oshirish jarayonida amalga oshirilsa, amaliyotda ta'lim-tarbiya jarayoniga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini tatbiq etish ishlari ancha samarali bo'ladi hamda masofadan o'qitish tizimi kutilgan natijalarga olib keladi.

Ta'lim tizimini mazmunan islox qilish jarayonida pedagog kadrlar obru-e'tibori, mas'uliyati va kasb ko'nikmasini oshirish yuzasidan sobitqadamlik bilan davlat siyosati olib borilmoqda. Bu borada o'qituvchi faoliyatini yangilash va innovatsiyalarni ta'lim jarayoniga kiritish asosiy vazifa hisoblanadi. Har qanday boshqa soha mutaxassislari kabi o'qituvchilarning ham kasbiy tayyorgarlik darajasi ularning bilim, kunikma va malakalarini, ijodiy salohiyatni hamda nostandart tafakkurlarida o'z aksini topuvchi kasbiy layoqati bilan baholalanadi.

Innovatsion faoliyat o'qituvchining o'z faoliyatidan qoniqmasligidan kelib chiqadi. O'qituvchining u yoki bu pedagogik vazifani hal qilishda tusiqlarga duch kelishi, uni muvaffaqiyatli hal etishga intilishi asosida yuzaga keladi.

Innovatsion jarayonning boshlanishiga birinchi turtki odatda tashqi tusiqlar: faoliyat natijalarining pastligi, ish

faoliyatidagi muvaffaqiyatsizlik va qiyinchilik, faoliyatni yangicha o'zgarib borayotgan talablarga mos kelmasligi va h.k. sabab bo'lishi mumkin. Ko'pchilik hollarda o'qituvchining yangicha ish boshlashining motiv o'quvchilarning o'qishga bo'lgan qiziqishlarini pastligi bilan bog'langan. Biroq, o'z faoliyatidan qoniqmaslik hamma vaqt ham innovatsion faoliyatni boshlanishiga asos bo'lavermaydi. Chunki, ko'pchilik o'quvchilar pedagogik faoliyatda yuzaga keladigan qiyinchiliklar oldida o'zlarini yuqotib qo'yadilar, zero duch kelgan muammolar ularga hal etib bulmaydigan darajada qiyin bo'lib ko'rinadi.

Muammoli fikrlash innovatsion faoliyatni keltirib chiqarishi uchun ishdagi qiyinchiliklar oqibatida yuzaga keladigan qoniqmaslik hissi, o'z faoliyatidan qoniqmaslik hissiga, ya'ni tashqi to'siq ichki to'siqqa aylanishi zarur. Bu borada qo'yilgan murakkab vazifalarni hal etish uchun pedagoglarning o'zlari ish faoliyatlaridan qoniqmaslik sabablarini ularga ularning o'zlaridan qidirishni o'rgatish o'ziga tanqidiy qarashni shakllantirishga alohida e'tibor qaratishi kerak.

Zarur axborotlarni qidirish. Faoliyatning ushbu davri

Adabiyotlar

1. Zufarov Sh. Ta'limda innovatsion jarayonlarni tizimli boshqarish: nazariya, tahlil va tasnif. Uslubiy qo'llanma. -T.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2010. 52-b.
2. Zufarov Sh.M. Pedagogik innovatika -T.: «Fan va texnologiya», 2012, 140-b.
3. Кларин М.В. Инновации в обучении: метафоры и модели: Анализ зарубежного опыта. -М.: «Наука», 1997.
4. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. -М.: «Арена», 1994.

PEZIOME

Bu maqolada innovatsiyaning o'qituvchi faoliyatida qay darajada o'rin egallashi, ta'lim tizimida yangiliklardan, texnologiyalardan foydalanishning samarasi yuqori bo'lishi, pedagogik dunyoqarashning kengayishiga sabab bo'lishi aks ettirilgan.

PEZIOME

В статье говорится о месте инновации в деятельности преподавателя. Автор статьи утверждает, что чем выше инновации в образовательной системе, тем эффективнее использование технологий, тем шире педагогическая перспектива.

SUMMARY

The article reflects the place of innovation in the work of the teacher. The author of the article states that the higher is the innovation in the educational system, the more efficient is the use of technologies, the broader is the pedagogical outlook.

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИДА ТАХСИЛ ОЛАЁТГАН ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ КРЕАТИВ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИ

Ш.Позилова – мустақил изланувчи

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти

Таянч сўзлар: креативлик, креатив таълим методлари, таълим модели, информатика ўқитувчилари, педагогик фаолият.

Ключевые слова: креативность, методы креативного обучения, модель креативного обучения, преподаватель информатики, педагогическая деятельность.

Key words: creativity, methods of creative teaching, model of creative teaching, a teacher in Informatics, pedagogical activity.

Дунёда инновацион ривожланишнинг глобал вазифаларидан бири сифатида инсонларда креативлик қобилиятни шакллантириш учун уларда янги тажрибалар яратиш, ноодатий муҳитларда ечим топа билиш, фаолиятга ижодий ёндашиш, оқилona таваккалчиликка бўлган қобилият ва тайёргарлик, профессионал ҳаракатчанлик ва доимий баркамоллик каби ҳаракатлардир. ЮНЕСКО томонидан 1998 йилда Гамбургда ўтказилган бутунжаҳон конференциясида катталар таълими XXI асрда “эшикларни очувчи калит”, деб эътироф этилди. Жаҳон миқёсида педагог кадрларнинг инновацион салоҳияти, акмеологик компетентлиги ва ижодкорлигини ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш долзарб аҳамият касб этмокда [1].

Ўзбекистон Республикаси Кадрларни тайёрлаш миллий дастурида “...Ўсиб келаётган янги авлод юқори профессионал маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил фаолият юритишни билишга, истиқболли режаларни тузиш ва уни амалга ошириш йўллари билиши керак” деб берилган [2].

Информатика ўқитувчисининг ижодий фикрлаш ва креативликка бўлган юқори талаблар- жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжи бўлиб, у мос келувчи ўқитиш методикаси ёрдамида таъминланади ва раҳбар – педагогик кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими доирасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти №4732 буйруғига асосан раҳбар ва педагогик кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими тузилиши, мақсад ва вазифалари белгиланган. Бунда соҳа олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими асосий вазифаларидан бири ҳар бир педагогнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш назарда тутилган [3]. Ҳозирги кунда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида (айниқса мутахассислик билимларини ривожлантириш ва шакллантиришга йўналтирилган таълим муассасалари) мавжуд ўқитиш методикаси ва информатика ўқитувчисига креатив таълимни шакллантириш ва амалда татбиқ этиш, яъни ижодий фикрлай олиш, юқори маъсулиятли жараёнларда тўғри қарор қабул қилишга қаратилган

инновацион ўқув методикасини ишлаб чиқиш зарурияти ўртасида қарама-қаршилиқлар келиб чиқмоқда.

Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамиятнинг таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Қўйилган вазифага фақатгина креатив таълим методикасини мақсадли адекват (мос, ўхшаш) ҳолда олиб боориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушуниш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга имкон беради.

Айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда креатив таълимни креатив ривожланиш шакли сифатида тадқиқотчи-педагоглар томонидан фаол ўрганилиб келинмоқда.

Турли диссертацион тадқиқотларда, Н.А.Степаненко креативлик тушунчасининг юздан ортиқ таърифи келтирилган. Барча таърифларни айтиб ўтиш ножониз деб ҳисоблаймиз. Креативликни унинг ривожланиш эҳтимоли нуқтаи назаридан ва профессионал педагогик фаолият нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган тушунчаларни таҳлил қиламиз [4], [5].

Психолог М.А.Холодная креативликни ижодий интеллектуал қобилият сифатида кўради, яъни олиб борилаётган тажрибаларга янгилик кирита олиш қобилияти, янги муаммони қўйишда ва ечимини топишда аслғоялар яратиш қобилияти, бўшлиқ ва келишмовчиликларни англаб олиш қобилияти, шунингдек, етишмаётган жараён элементларига қаратилган фаразларни шакллантириш, фикрларнинг стереотип усуллардан воз кечиш қобилияти қабилар киради [6].

Педагогик адабиётларда креатив таълимнинг бошқача талқинини ҳам кўришимиз мумкин.

А.И.Остроумов ва О.Ф.Остроумовалар креатив таълими остида шундай ижодий фаолиятни ташкиллаштиришни тушунадиларки, натижада таълим фаолияти субъектлари томонидан янги креатив маҳсулотларни таълим фаолияти учун яратиш мумкин бўлади, бу ечимнинг оригиналлиги билан ажралиб туради, яъни ўз-ўзини тарбиялашда ва ижодий сифатини намоён қилиш қобилиятини ифодалайди. Шу билан бирга креатив таълимнинг асосий мақсади яратувчи, фаол шахсни шакллантириш ва унинг ижодий потенциалини очиш, буни олий таълим мисолида кўрадиган бўлсак, талабаларнинг ижодий индивидуаллигини тақомиллаштириш. Бунинг учун талабаларда мустақил фикрлаш, ўзининг фикрига эгалик қилиш, мунозараларда ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ноодатий ечимларни келтириш, амалиётда креатив сифатларни қўллашга тайёрлик каби қобилиятларни шакллантириш лозим. Касбий компетентликни шакллантиришда талабанинг ижодий потенциал(имконият)ини шакллантириш, сифатли қўллаш, таълим жараёнини тўғри ташкил қилинганига боғлиқдир [7].

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчиларини ўқитишни креатив методлар асосида ривожлантиришни креатив таълимга адаптация қилиш(мослашиш) учун биз классификация принципи асосида компьютерда ва дастурлаш технологиясида масалаларни ечиш босқичини ривожлантирдик.

ЭХМ (Электрон ҳисоблаш машинаси)да масалаларни ечиш босқичларин кўриб чиқамиз.

Мақсадга эришиш йўлидаги дастлабки кадам - муаммони компьютер дастурлаш йўли билан ҳал этиш - муайян ишлов бериш, муаммони тайёрлаш,

уни диққат билан ўрганиб чиққандан сўнг, натижада у ерда пайдо бўлган субъектларнинг математик модели - математик муаммоларини ўрганиш.

Дастурлашдаги масалалар математикадаги масалалардан шуниси билан фаркланадики, математик масалалар реалликдан фаркли бўлган объектдан математик моделларни яратади, бошқа тарафдан эса у ресурслардаги чекловни билмайди. Дастурчи эса ЭХМ ресурсларидан чиқмаган ҳолда дастурлаш модулларини яратади, яъни вақт бўйича олганда масалани ечишга ва объектнинг адекватлик даражасини аниқлашга сарфланган вақт бундай моделлаштиришда анча юқори туради.

Маълум методни танлаш ёки янги методни шакллантириш, формаллаштирилган масалани ечиш кейинги босқичида берилади.

Кейинги босқич дастурни куриш бўлиб, дастурни тузиш методини алгоритмлаш, маълумотлар тузилмаларини танлаш, шунингдек тилни танлаш ва дастурий тилида алгоритмни кодлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Схемани ва дастурни сошлашни тест маълумотларини қўллаб ишлаб чиқиш зарур ва муҳим босқичи ҳисобланади.

Тест маълумотлари ечими натижалари таҳлили қўл меҳнати билан бажарилган натижа билан солиштирилиб, олдинги босқичларга қайтилиши - ЭХМ даги масала ечимини топишнинг охириги босқичи ҳисобланади.

1- жадвал

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчиларини ўқитишнинг креатив таълим босқичлари

№	ЭХМ да масалани ечиш босқичи	Информатика ўқитувчиларини ўқитишнинг креатив таълим босқичлари
1	Масалани аниқлаш, унинг шакллантирилиши	Ўз тажрибасини тушуниш ва муаммони ўздан ўтказиш
2	Масаланинг математик тавсифи	Заруратлигидан келиб чиққан ҳолда муаммоларни таҳлил қилиш
3	Алгоритмизация	Янги билимлар, ечим ва танқидий таҳлилларни излаш
4	Программалаштириш	Янгиликни яратиш ва ўзлаштириш
5	Тестлаш	Янгиликни муҳокамадан ўтказиш
6	Жорий қилиш	Янгиликни жорий қилиш

Бизнинг креатив таълимга қўйидагилар ҳосдир:

- креатив қобилиятдан педагогик амалиётда, унинг мақсад ва вазифалари, шакллари, услублари ва ўқитиш воситаларидан кенг фойдаланишда қўлланилади;

- креативлик нафакат индивидуал фаолиятда, балки гуруҳли фаолиятда ҳам қўлланилиши мумкин;

- креативлик амалиётга тадбиқ этилгандагина намоён бўлади, яъни ижодий фикрлаш жараёнларида: тажрибалар ўтказишда, янгиликлар яратишда ва ҳ.к;

- янги технологияларнинг ишлаб чиқиши креатив фикрлашни ривожлантиришга янги имкониятлар беради, шунингдек, янги ғояларга, маълумотларга ва инсонларга эшик очади;

- креатив таълим ўқув дастуридаги фан сифатида қаралмайди, у таълимнинг умумий функцияси ҳисобланади.

Юқорида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчилари учун кўрсатилган креатив таълим А.Осборн ва К.Россманларнинг креатив таълим моделига ҳам мос тушади.

Информатика ўқитувчилари креатив таълим методикасининг А.Осборн ва К.Россманларнинг креатив таълим модели билан қиёсий таҳлили

Информатика ўқитувчилари учун креатив таълим методикасининг ишлаб чиқиши	А.Осборн модели	К.Россман модели
Ўз тажрибасини тушуниш ва муаммони ўздан ўтказиш	Мослаш(ориентирлаш), (муаммони аниқлаш)	Заруриятни ва муаммони аниқлаш
Заруратлигидан келиб чиққан ҳолда муаммоларни таҳлил қилиш	Тайёргарлик (тегишли маълумотларни тўплаш)	Заруриятни ва муаммони таҳлил қилиш
Янги билимлар, ечим ва танқидий таҳлиллари излаш	Таҳлил (тегишли маълумотларни таъкидлаш)	Мавжуд масала юзасидан ахборотларни умумлаштириш
Янгиликни яратиш ва ўзлаштириш	Фикрларни тўплаш алтернатив	Барча мумкин бўлган ечимларни шакллантириш
Янгиликни муҳокамадан ўтказиш	инкубация (тушуниш учун муаммодан чалғиш)	Салбий ва кучли томонлари юзасидан критик таҳлил
Янгиликни жорий қилиш	синтез (интеграция)	Янги ғояларни кашф қилиш, яратиш
Ўз тажрибасини тушуниш ва муаммони ўздан ўтказиш	Пайдо бўлган ғояларни баҳолаш	Оптимал ечимни, якуний танловни ва якунийликни аниқлаш учун тажриба ўтказиш

Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги “Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курс” ларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчиларида “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича амалий машғулотлар креатив методлардан фойдаланиб ўтилади. Креатив фикрлаш методлари асосан тингловчиларда муаммоларни чуқур ўрганиш, кўп қиррали қарашларни таҳлил қилиш, фикрларни уйғунлаштириш ва янги ечимларга эришиш учун турли ёндашувлардан фойдаланишга ундайди.

Креатив фикрлаш методларига KWHL(Know?, What?, How?, Learn?), Кублаштириш, креатив муаммоларни ечиш ёки KME, RAFT (Role, Audience, Format, Topic (Роли, Тингловчи, Шакли, Мавзу)), SWOT (Strentheness, Weaknesses, Opportunities, Threats (Кучли, Салбий, Афзаллик, Тўсиқлари)) таҳлил, MindMap (Ақл харитаси) ва х.к.лар қиради.

KWHL методи қўлланилишини куйидаги намунада кўриб чиқамиз:

Тавсифи: KWHL (биласизми?, билишни хоҳлайсизми?, қандай билиб олсам бўлади?, нимани ўрганиб олдим?) – мавзудан аввал талабаларнинг билим ва қизиқишлари даражасини билиб олиш учун ўқитувчилар қўллаш мумкин бўлган ва талабаларнинг ўқиш якунида баҳолаш орқали ёрдам берувчи восита.

Қандай қўлланилиши:

- Синф ёки гуруҳни фикрини жамлаш жараёни сифатида;

- Мавзугача ёки мавзунинг бошида талабаларнинг мавзу ҳақидаги билимларини билиб олиш учун;

- Талабалар нимани билишни хоҳлашларини билиб олиш учун;

- Талабалар нимани билишни хоҳлашларини билиб олиш учун ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ва аниқ тузиб чиқиш;

- Вазифадан сўнг акслантириш учун.

Нима учун қўлланилиши:

- Бу структураланган жараён бўлиб, у ўқитувчиларга ўқувчилар нималарни билиши ва уларнинг саволлари ва қизиқишлари қаерда эканлиги ҳақида маълумот беради;

- Бу талабаларнинг ўзларини ўқитишига имкон беради;

- У юқори фикрлашга ёрдам беради;

- У ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ўқитувчи ва талабаларга ёрдам беради;

- У ўқитувчига ва ўз-ўзини баҳолашга ёрдам беради.

Қачон қўлланилиши:

- “Биласизми?”, “Билишни хоҳлайсизми?” ва “Қандай қилиб саволларни билиб оламан?” саволларини беришда энг бошида ёки янги мавзу ёки бобнинг бошида;

- Ҳар бир талаба нимани билиб олганлигини билиб олишда мавзу ёки бобни охирида;

Қандай қўлланилиши:

- Икки қисмга бўлинган катта қоғоз бўлагини талабаларга беринг. Мавзу ёки боб қоғоз тепасига ёзилади;

- Тепа қисмда “Нималарни биламан” саволи ёзилади. Пастги қисмда “Нимани билишни хоҳлайман” саволи ёзилади;

- Бу саволларга жавоб топиш учун талабалар ёлғиз ўзи, жуфт бўлиб ёки кичкина гуруҳларга бўлиниши мумкин;

- Жавоблар синфдагиларнинг билимлар ва қизиқишлари базаси нима эканлигини билиб олиш учун муҳокама қилиш мумкин. Ўқитувчи саволларни кўриб чиқиши ва жавобларни эълон қилиши ҳам мумкин. Талабаларнинг жавоблари мавзу ёки бобни ўқитиш ва уни ишлаб чиқишга йўналтирилган;

- Иккинчи қоғоз мавзу ёки бобни ўқитиш режасини ишлаб чиқиш учун керак бўлади. Буни индивидуал ёки кичкина гуруҳларда ёки бутун гуруҳ билан ўқитувчи билан маслаҳатлашиб амалга ошириш мумкин;

- Мавзу ёки бобнинг охирида талабалар “Нималарни билиб олдим” саволига жавоб беришади. Улар жавобларини аввалги саволларга беришади ва бу орқали улар билимлари қанчалик даражада ортганини ва ўзлари билишни хоҳлаган маълумотга эга бўлишганлигини аниқлашади.

Курс тингловчилари кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга “Таълимда виртуал муҳитнинг аҳамияти” мавзусидаги кейс курс тингловчиларига тақдим этилади.

“Виртуал муҳит нима? Виртуал муҳитни таърифлаш учун унинг хусусиятларига тўхталамиз:

Қамраб олинган муҳит: Виртуал муҳит дунёни тасвирловчи жисмоний маконга ёки жойга эга. Бу битта ёки бир нечта жой бўлиши мумкин.

Аватарлар: Сизнинг виртуал муҳитдаги жисмоний тасвирингиз “аватар” дейилади. Аватар сизни виртуал муҳитдек рақамли муҳитда ўзингизни қандай бошқаришингиз ва қандай таъсир кўрсата олишингизни тасвирлайди.

Бошқа фойдаланувчилар билан ўзаро таъсир ва муносабат: Виртуал муҳитнинг яна бир хусусияти бу унинг кўп фойдаланувчили эканлигидир. Бунда кўпгина фойдаланувчиларга бир вақтда битта маконга киришга ва бошқалар билан муносабатга киришишга рухсат этилади. Алоқа матнли хабар, овозли хабар ва баъзи ҳолларда видео орқали амалга оширилади.

Муҳит билан муносабат: Виртуал муҳитнинг танқидий фарқи инсонларни қандайдир йўл билан муҳитнинг ўзи билан муносабатга кириша олишидир. Виртуал муҳитда муҳит ва муҳитнинг турли кўрини-

шлари билан муносабатдан ташқари инсонларга бирор бир нарсалар қилишга рухсат беради.

Вазият: Бу виртуал муҳитни аниқлаш учун қулай қўриниш бўлиши мумкин. Виртуал муҳитда қолгани бўлаётган ҳодисалар реал ҳаётда бўлаётган ҳодисаларнинг кўзгусидир: Одамларни ўраб турган ҳодисаларга улар таъсир кўрсатадилар ва уларнинг муносабатлари жамият ёки муҳитга қурилган.

Давомийлиги: Сиз дунёда бормисиз ёки йўқми виртуал муҳит мавжудликда давом этмоқда, эҳтимол ўзгараётгандир. Шунинга қарамай виртуал муҳит бирор

бир жойга ўхшайди; у бошқа бир жойга кетиб қолмайди. Сиз виртуал муҳитни тарқатишингиз мумкин, лекин у қилишни хоҳловчилар учун давомли мавжуд бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, виртуал муҳит одамлар аватарларда тасвирланадиган, умумий мақсадда бошқалар ва муҳитнинг ўзи билан ҳам муносабатга кириша оладиган давомли рақамли муҳитдир”.

Юқорида тақдим этилган кейс “KWHL” креатив усули ёрдамида ечадилар.

KWHL креатив методи	
Нималарни биламан: - Виртуал муҳитдаги жисмоний тасвир “аватар” дейилади; - Виртуал муҳит реал ҳаётдаги каби қўринишга эга бўлиши мумкин; - Виртуал муҳит бирор бир мавзунини яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.	Нимани билишни хоҳлайман: - Виртуал муҳитнинг аниқ таърифи қандай; - Виртуал муҳитнинг қандай хусусиятлари бор; - Виртуал муҳитда инсонлар бир-бирига таъсир кўрсата оладими; - Виртуал муҳитдаги нарсаларга таъсир кўрсатса бўладими (масалан, синдириш, улоқтириш ва ҳоказо).
Қандай қилиб билиб оламан: - Гуруҳдаги бошқа талабаларнинг фикрларидан; - Интернет тармоғи орқали; - Ўқитувчи тақдим этган материаллардан; - Мавзуга оид адабиётлардан.	Нималарни билиб олдим: - виртуал муҳит одамлар аватарларда тасвирланадиган, умумий мақсадда бошқалар ва муҳитнинг ўзи билан ҳам муносабатга кириша оладиган давомли рақамли муҳитдир; - виртуал муҳитнинг хусусиятлари унинг таърифида намоён бўлади; - виртуал муҳитнинг 6 та хусусияти мавжуд; - бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчи виртуал муҳитда ўзаро алоқада бўлиши мумкин; - виртуал муҳитда нафақат фойдаланувчиларга балки муҳитнинг ўзига ҳам таъсир кўрсатиш мумкин; - виртуал муҳитнинг давомийлиги чексиздир.

Ҳозирги кунда таълимнинг асосий мақсади шахс ривожланиши учун оптимал шартларни амалга ошириш ҳисобланади. Бунда педагог нафақат ўзининг фанини билиши, балки таълим олувчилар фанини ўзлаштириши учун барча ҳаракатларни амалга ошириши зарур. Айнан шунинг учун ҳам креатив таълимга бўлган эҳтиёж кучайиб бормоқда. Креатив таълимнинг асосий мақсади малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчиларини креатив компетентлигини ва педагогик маҳоратини ривожлантириш, шунингдек тинчловчиларнинг креатив фикрлашини ижодий таълим методлари ёрдамида шакллантиришдир.

Олий таълим муассасаси информатика ўқитувчиларининг ижодкорлигини ривожлантиришнинг креатив методларини ривожлантириш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилди:

● Мамлакатнинг рақамли иктисодиётини ривожлантиришда таълимнинг инновацион сиёсатини ва информатика ўқитувчиси креативлиги ролини тушуниш қобилияти;

● Информатика бўйича ўқув дастурига креатив таълим усулларини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш қобилияти;

● Информатика ва АКТ бўйича талабаларнинг илмий ютуқларини мониторинг қилишда креатив усуллардан фойдаланиш имконияти (Ахборот ва коммуникация технологиялари);

● Креатив усуллардан фойдаланиб информатика бўйича ўқув жараёнини режалаштириш қобилияти;

● Креатив таълим усуллари асосида гуруҳда ўқиш ишларини ташкил этиш;

● Информатика дарсларида креатив усуллардан фойдаланиш қобилияти.

Адабиётлар

1. ЮНЕСКО томонидан 1998 йилда Гамбургда ўтказилган Бутунжаҳон конференцияси, URL:<http://ru.iite.unesco.org/publications/3214694>.
2. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш миллий дастури// Халқ таълими. –Тошкент: 1998. №1, -С. 41.
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг №4732-буйруғи “олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини кейинги такомиллаштириш меъёрлари” –Тошкент: 2016.
4. Шелестова Е.С. (Е.С.Шелестова) Технология формирования креативности студентов-дизайнеров в процессе профессиональной подготовки. Диссер. канд.пед.наук. -М.: 2014, -С. 231.
5. Развитие креативного потенциала студента педагогического направления подготовки. - Диссер. канд.пед.наук. – Орск: 2015, -С. 215.
6. Холодная М.А. Психология интеллекта: парадоксы исследования. 2-е изд., перераб. и доп. СПб., -Питер: 2002. –С. 272.
7. Остроумов А.И., Остроумова О.Ф. Креативность и креативное обучение как слагаемые модернизации образования в России. - Тамбов: Грамота, 2013. № 2 (28): в 2-х ч. Ч. I. -С.149-153.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчилари креатив салоҳиятини ошириш учун такомиллаштирилган креатив таълим босқичлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари информатика ўқитувчилари креатив таълим методикаси, А.Осборн ва К.Россманларнинг креатив таълим модели билан қиёсий таҳлили ва KWHL креатив методи намуна сифатида кўрсатилди.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся прогрессивные креативные этапы обучения для повышения креативной компетентности преподавателей информатики обучающихся на курсах переподготовки и повышения квалификации. Автор статьи приводит сравнительный анализ методики креативного обучения преподавателей информатики с моделью креативного обучения А.Осборна и К.Россмана. В качестве образца приводится креативный метод KWHL.

SUMMARY

The given article contains creative progressive stages of learning to enhance creative competence of teachers in Informatics who are taught in the courses of retraining and improving qualification. The article contains the information about progressive creative stages of learning for the increasing of creative competence of teachers in Informatics taught at the courses of training and improving qualification. The author also did the comparative analysis of methods of creative teaching computer science teachers with a model of creative teaching by A.Osborn and K. Rossman. As a sample the creative method of KWHL is presented in the article.

ФОРМЫ КОНТРОЛЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Ш.Б.Рахимова – старший преподаватель

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Таянч сўзлар: назорат, оғзаки, ёзув, индивидуаль, фронталь, кўникма, чет тили.

Ключевые слова: контроль, устный, письменный, индивидуальный, фронтальный, умения, иностранный язык.

Key words: control, oral, written, individual, frontal, skill, foreign language.

Поиск оптимальных форм контроля знаний, умений и навыков обучаемых одно из важных направлений методики преподавания, в том числе и иностранных языков.

В XX веке в нашей стране при обучении иностранным языкам преимущественно использовался устный контроль. С введением тестов тесты стали использоваться письменные формы контроля.

Контроль должен проходить в том же плане, что и обучение, поэтому для того чтобы проверить умения и навыки устной речи, следует применять устные приёмы проверки. Однако и понимание читаемого, хотя чтение является умением в области письменной речи, хорошо проверять устным путём. Это занимает меньше времени, чем письменная проверка.

Устная форма способствует выработке быстрой реакции на вопрос, развитию памяти учащихся.

Письменная форма контроля имеет некоторые преимущества. Во-первых, ею можно охватить одновременно всех учащихся; во-вторых, гораздо удобнее обрабатывать письменные работы, нежели устные ответы. Ошибки в письменных работах легче квалифицировать и анализировать, поскольку действия ученика точно зафиксированы, в то время как при устном ответе учащиеся часто говорят предложение, затем тут же его исправляют, не заканчивают одно предложение и начинают другое и т.д. На их речь влияет выражение лица учителя или товарищей; они часто начинают исправлять предложение, которое было с самого начала правильно построено, лишь по той причине, что кто-либо из товарищей покачал головой или учитель нахмурился, хотя эти действия относились не к отвечающему, а к кому-нибудь из класса и тому подобное.

Однако, несмотря на названные выше его достоинства письменный контроль не может быть использован для проверки всех умений. Невозможно проверить в письменной форме умение учащихся вести беседу или высказываться по теме; проконтролировать ни произношение, ни темп речи учащихся. Учитель не может судить о том, насколько автоматизировано использование учащимися речевых единиц, как свободно они заполняют их соответствующей лексикой.

Поэтому прибегать к письменной проверке рекомендуется с целью контроля умений и навыков письма, а также для контроля умений перевода. Для контроля правописания можно проводить короткие диктанты. Для проверки умения письменно излагать свои мысли можно давать учащимся на дом небольшие сочинения в связи с пройденной тематикой, например, «Опишите свой день», «Опишите свою семью», «Чем вы занимаетесь в школе», «Напишите письмо...» и т. д.

Письменный контроль эффективнее развивает логическое мышление, приучает к большей точности в ответах.

Фронтальная – одна из основных организационных форм контроля при обучении иностранным языкам. Она позволяет соблюдать основные правила контроля: регулярность и максимальный охват учащихся за единицу времени. Существенна при этом обращенность ко всему классу, активизирующая деятельность каждого ученика. Это «дежурная», регулярная форма контроля, которая может проводиться несколько раз в течение урока. Прежде всего, её целесообразно использовать для контроля усвоения языкового материала (т.е.

элементов речи). В этом случае обучаемым даётся открытая установка.

Открытый фронтальный контроль можно применить при выполнении упражнений в подготовленной форме речи, в частности, при составлении планов, подборе опор, а также при построении коллективного рассказа по принципу «снежного кома».

Фронтальный контроль может осуществляться как в устной, так и в письменной форме. Устная форма контроля преобладает. Однако, имея в виду большие обучающие возможности письма, необходимо периодически проводить и письменный фронтальный контроль. Фронтальные признаки слов, грамматические слова, лишённые конкретной семантики, слабо оседают в памяти, их легко спутать между собой при восприятии на слух. Именно регулярный письменный контроль прививает лингвистическую бдительность и точность.

Для того чтобы органично включить фронтальный контроль в урок и ограничить время на его проведение, рекомендуется пользоваться тестами, рассчитанными на 5-7 минут.

Обращённый одновременно ко всему классу, он предполагает только короткий, часто фрагментарный ответ каждого отдельного ученика.

Преимущество фронтального контроля в том, что он держит в напряжении весь коллектив, ученики знают, что в любую секунду они могут быть опрошены, их внимание сосредоточено, мысли сконцентрированы на той работе, которая ведётся. Поэтому фронтальный опрос является более совершенной формой проверки. Однако, и ему присущи недостатки, которые особенно сказываются в тех случаях, когда проверяются навыки учащихся в монологической и диалогической устной речи. Если учащиеся научились правильно и быстро, с хорошим произношением, составлять предложения по подстановочной таблице, задавать вопросы, отвечать на вопросы, отдавать распоряжения – это ещё не означает, что они могут составить связное сообщение по теме или вести между собой беседу на заданную ситуацию. Для того, чтобы проверить эти навыки, необходим индивидуальный контроль, при котором можно было бы вызвать одного (в случае проверки монологической устной речи) или двух учеников (в случае проверки умений диалогической речи) и прослушать их высказывания или беседу.

Обучение иностранному языку предполагает создание условий, мотивирующих выражение своих мыслей, и объективизацию индивидуального уровня понимания авторской мысли. Индивидуальный контроль должен быть направлен на выявление умения решать коммуникативные задачи, вытекающие из индивидуального постижения действительности.

Важно, чтобы индивидуальный контроль органично входил в созданную на уроке атмосферу общения, поэтому его следует осуществлять в скрытой для учащихся форме.

Недопустимо, чтобы несколько учащихся и произносили у доски один и тот же заученный, «безадресный» текст. Обучаемым должно быть известно, что «право на ответ» имеет только тот, кто скажет что-то своё, новое. Индивидуальный контроль при чтении и аудировании также следует включать в коммуникативную деятельность, когда понимание текста является лишь отправным моментом для решения задач более широкого плана: использовать информацию, содержа-

щуюся в тексте, в высказывании по теме, сделать иллюстрации к тексту, написать реферат, рецензию и т. д.

Индивидуальный контроль может носить и открытый характер, в частности, когда следует проконтролировать какой-то этап подготовленной речи каждого ученика (план или программу высказывания). В основном индивидуальный контроль в общеобразовательной школе осуществляется устно и сопровождается оценкой в виде балла с обязательным комментарием преподавателя, касающегося, в первую очередь, содержательной стороны речи. В процессе индивидуального контроля происходит общение «преподаватель – обучаемый». При этом роли партнеров фиксированы и неравны. Преподаватель управляет общением и деятельностью обучаемого. Подобное зависимое положение обучаемого и статусное неравенство не способствуют свободе общения, приводит к скованности, снижает мотивацию. При контроле это усугубляется ожиданием оценки и отрицательно сказывается на его результатах. Кроме того, контролировать должно не учебное общение, а естественное неофициальное, где роль преподавателя вообще отсутствует.

Ещё одним существенным недостатком индивидуального контроля является вынужденная пассивность класса в течение значительной части урока, когда ученики по 4-5 минут пересказывают текст, делают сообщения по теме, участвуют в диалогах и т. п.; даже в тех случаях, когда преподавателю удаётся опросить таким образом 10 и более, обучаемых, большая часть класса остается вне «работы». Те же, кто уже успел высказаться, также оказываются не вовлеченными в активную работу. Таким образом, получается, что даже небольшой по времени индивидуальный контроль приводит, с одной стороны, к относительной пассивности всего коллектива, с другой стороны, выступающий имеет возможность практиковаться на уроке в связной устной речи не более 3-4 минут.

В настоящее время на уроках широко используются **парная и групповая формы** работы – режим, увеличивающий время активной деятельности учащихся; он применяется для взаимной тренировки учащихся в усвоении языкового материала; особо эффективно его применение для развития диалогической речи. Отдельного понятия «контроль рабочей пары или группы» в методике преподавания не существует, но его можно рассматривать как одну из организационных форм контроля. Эта форма контроля может носить как скрытый, так и открытый характер. В первом случае учащимся даётся «откровенно» контрольная установка, например, ответить на вопросы партнёра или обсудить какую-либо тему, используя определённый языковой материал. Если работа проводится на материале достаточного объёма, оценка выставляется в баллах, в других случаях начисляются очки, как при фронтальном опросе. При парной и групповой работе решаются коммуникативные задачи (диалогическая речь, монологическая речь). В этом случае контроль приобретает скрытый характер. Студенты, получившие роли, репетируют их, затем выступают перед аудиторией. Преподаватель прислушивается к работе студентов (в технически оборудованных классах попеременно подключается к ним). Он наблюдает за ходом работы большинства пар, присоединяясь к ним как собеседник, одна – две пары или один из группы выступают затем перед классом. Общение «учащийся - учащийся» происходит намного более комфортно и естественно. Общающиеся, находясь в равном положении, чувствуют себя раскованно, каждый стремится реализовать своё коммуникативное намерение наилучшим образом. Часто возникает атмосфера соревнования, желание проявить себя с наилучшей стороны, что стимулирует речевую активность

общающихся. Следовательно, при контроле партнёром обучаемого должен быть другой обучаемый.

Как видим каждая из форм контроля имеет свои преимущества и недостатки, и поэтому наиболее целесообразным является **комбинированный контроль**, при котором не более 10 минут урока будет уделяться проверке умений монологической речи (при этом должны быть спрошены не менее трёх учащихся в случае монологического высказывания и не менее трёх пар студентов в случае диалогической речи), т.е. индивидуальному контролю, а остальная часть урока будет посвящена фронтальной работе. Причём преподаватель должен так организовать работу класса, чтобы, проверяя умения одного или пары, привлечь к активному участию в уроке всех остальных студентов.

Оценки должны точно отражать становление речевых умений учащихся и упрочение их языковой базы.

Важным подвидом контроля является проверка домашних заданий. Как правило, домашние задания целесообразнее всего давать в письменной форме. Такая точка зрения на домашние задания обусловлена рядом причин. Прежде всего, выполнение письменных упражнений в аудитории нецелесообразно из-за того, что на них тратится большое количество времени. Практика обучаемого неизмеримо больше, когда он выполняет устные упражнения, нежели выполняет те же задания письменно. Кроме того, нельзя не учитывать условия, в которых учащиеся выполняют домашние задания. Дома учащийся не имеет возможности (за очень редким исключением) получить практику в диалогической устной речи, ему не с кем разговаривать. Он не имеет возможности также практиковаться в не подготовленном высказывании по теме. В этом случае препятствием является не отсутствие собеседника, как в случае с диалогической речью, а скорее психологический фактор: обучаемым трудно заставить себя говорить вслух. Они, как правило, проговаривают всё про себя. При этом им кажется, что их речь построена правильно, что она льётся гладко, что всё сообщение подготовлено ими вполне хорошо. При этом они не учитывают того, что их артикуляционная база развита не настолько хорошо, что при произнесении вслух тех же самых предложений, что произносили дома про себя, результат оказывается иным. Учащиеся, как правило, не умеют самостоятельно готовить дома устные речевые задания, даже если они искренне стараются. Менее ответственные и несобранные ученики нередко полагают, что приготовить следует письменное задание, невыполнение которого преподаватель может легко заметить, а устно они смогут как-нибудь ответить на уроке без особой подготовки.

Перечисленное выше и позволяет прийти к выводу: более целесообразно задавать на дом письменные упражнения после того, как аналогичное упражнение было отработано в аудитории, а также тексты для чтения, знакомство с содержанием которых проверяется устно в аудитории. Письменные домашние задания могут проверяться преподавателем на уроке вместе с классом. В том случае, если обучаемым было задано вставить пропущенные предлоги, артикли, перевести предложения с родного языка, ответить на вопросы, то подобные упражнения, которые будут выполнены примерно одинаково всеми обучаемыми, хорошо проверить в аудитории фронтально и устно. Правписание же преподаватель может проверить вне урока.

Если же было задано составить предложения по таблице, вопросы к картинке, написать несколько предложений или небольшое сочинение по теме и т.д., то вряд ли целесообразно проверять все предложения, написанные отдельными обучаемыми, или просить их зачитать всё сочинение. Правильнее было бы дать од-

ному или двум обучаемым прочитать написанное, а проверить работы учащихся дома.

Основным в организации контроля является обеспечение органичного вхождения его во все сферы процесса обучения, т.е., придание контролю наблюдательного характера. Только в этом случае будут реализованы свойственные контролю коммуникативно-обучающие возможности.

Отсюда вытекают следующие **правила-требования**, которыми следует неукоснительно руководствоваться при проведении контроля:

1. Контроль должен носить регулярный характер.

2. Контроль должен охватывать максимальное количество учащихся за единицу времени. Поэтому в каждом отдельном случае он не должен занимать много

времени.

3. Объём контролируемого материала должен быть небольшим, но репрезентативным, чтобы по степени его усвоения, владения им учащимися можно было судить, приобрели ли они необходимые навыки и умения.

4. Так как обучение и контроль органично связаны, при проведении контроля следует отталкиваться от конкретных задач урока.

Проблема контроля постоянно привлекает к себе внимание учителей и методистов, так как в нём кроются разнообразные и далеко не исчерпанные возможности воспитывающего обучения. Проводя контроль, необходимо приучать обучаемых к мысли, что они выполняют задание потому, что таково условие успешного участия в общей работе на уроке.

Литература

4. Елухина Н.В., Тихомирова Е. В. Контроль устного неофициального общения на иностранном языке. // Иностранный язык в школе. –Москва: 1998. №2
2. Хамидов И.Э. Современная методика обучения иностранным языкам. Пособие для учителя. – Самарканд: СамГИИЯ. 2014.
1. Каримова О.М. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника. –Т.: «Ўқитувчи», 2016.
5. Клычникова З. И. Психологические основы обучения чтению на иностранном языке. –Москва: 1983.
6. Рахманова Р.К. Вопросы теории контроля в обучении иностранным языкам // Илм сарчашмалари. Ургенчский государственный университет. 2009. № 2.
3. Чариев К.У. Объекты, уровни и приёмы контроля. // УзМУ хабарлари, № 4 2000.

Мақолада муаллиф чет тилини ўқитишда қўлланиладиган назорат усуллари таҳлил қилинган, уларнинг камчиликлари кўрсатишга ҳаракат қилади ва аралаш назорат усули энг мақбул усул деган хулосага келади.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье автор предпринимает попытку анализа форм контроля навыков и умений обучаемых при преподавании иностранных языков, указывая на преимущества и недостатки тех или иных форм. Она приходит к выводу о целесообразности комбинирования форм контроля.

SUMMARY

The author attempts to analyze the forms of control of habits and skills in teaching foreign languages, pointing to the advantages and disadvantages of those forms. She concludes that the combination of the forms of control is feasible.

БОЛАЛАРДА ТОРТИНЧОҚЛИК ҲИССИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ВА УНИНГ ОИЛА МУҲИТИ ТАЪСИРИДА КОРРЕКЦИЯЛАШ

Р.С.Раззақова - катта ўқитувчи

М.Б.Сайдмуратова – ўқитувчи

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: тортинчоқлик, мақсад, вазият, усул, кичик мактаб ёши, индивидуал хусусиятлар, сабаб, коррекция, профилактика.

Ключевые слова: стеснительность, цель, ситуация, метод, начальный школьный возраст, индивидуальные способности, причина, коррекция, профилактика.

Key words: shyness, aim, situation, method, primary-school age, individual abilities, cause, correction, preventive maintenance.

Маълумки, оилада вояга етатган фарзандларнинг таълим тарбияси ва шахсини шакллантириш, ишларини тўғри йўлга қўйиш учун аввало, инсоннинг гўдақлик чоғиданок унинг ўсиб, улғайиб бориши жараёнидаги ўзига хос сир-асрорлари, ривожланишининг айрим умумий қонуниятларини ота-оналар билишлари керак. Дунёга келган гўдак, унинг атрофидаги одамлар ва олам учун тўлиқ тобе ва боғлиқ бўлади. Унинг ота-онаси учун хулқ-атвори оддий ва тушунарли бўлиб туюлса-да, вақт ўтиши ҳамда бола улғайиши билан унинг ички олами ўзга кўзлардан холи, хулқ-атвори эса ноаниқ ва тушунарсиз бўла бошлайди

Болаларда тортинчоқлик ҳисси намоён бўлишида оила муҳитининг бевосита таъсири мавжуд, айнан ота ва она дастлабки ижтимоий кўникмаларни бола онгига сингдирувчи, унинг иродасини чархловчи инсонлардир. Оиланинг тўлиқ бўлиши, яъни унда ҳам ота, ҳам онанинг тинч-тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, ақлли, кучли ирода соҳиби бўлиб етишига имкон беради.

Шунингдек, оилада бу даврда тортинчоқликнинг юзага келишида ота-она томонидан фарзандга ўта каттикқўллик билан муносабатда бўлиши,

беэтиборсизликлари, фарзанди билан тўғри муомаланинг ўрнатилмаганлиги ҳам сабаб бўлади. Биз биламизки, ота-она ва фарзанд ўртасидаги мулоқот аҳамиятли ҳисобланади, агар ота-она бола билан мулоқотга киришганда, ота-она қўполлик кўрсатса, улар орасидаги девор, тўсиқ пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари боланинг уятчанлиги фақатгина бир чеккада ўтиришда, ҳеч ким билан мулоқотга киришмасликда, итоаткор бўлишдагина эмас, балки хатоларга йўл қўйиш оқибатида қайсарлик, ўжарлик кучаяди.

Бу фақат улар ўртасида деворнинг ўсишига эмас, балки боланинг хатти-ҳаракати ота-онанинг ғашини келтириши мумкин. Боланинг мулоқот кўникмаларининг яхши ривожланмаслигининг айрим сабаблари мавжуд бўлиб, булар:

- Оилада болага мутлақо қарама-қарши талаблар қўйилиши;

- Эркалаш, рағбатлантириш ва юпатиш ҳолатлари камлиги ва бу ҳолатдан болани бирдан танкид қилишга ўтиш ҳолатлари;

- Болалар тез-тез танбех қилиб турилиши, бунда боланинг нотўғри хатти-ҳаракати эмас, балки шахси кўпроқ танкид қилинади;

- Фарзандининг саволлари жавобсиз қолдирилиши;

- Боланинг аввалги муваффақиятсизликлари кўп эса олиниши;

- Ота-она томонидан фарзандга кўпол ва қаттиқ оҳангда гапирилиши;

Фарзандга нисбатан ишончсизликнинг намоён қилиниши ва бошқа кўпгина сабаблар кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқликнинг келиб чиқишига олиб келади [1].

Болаларда турли хил ёш даврида тортинчоқлик вазият билан боғлиқ ва бирор юмш юзасидан бўладиган мулоқотда кўпроқ вазиятдан ташқаридаги ва билишга йўналтирилган мулоқотда эса камроқ даражада намоён бўлади. Бирок етти ёшга келиб мулоқотнинг барча шаклларида болалар тортинчоқлигининг намоён бўлиши даражаси деярли тенглашиб қолади. Умуман, мисол учун тўрт ёшда мулоқотнинг фақат маълум турларида тортинчоқликни намоён этган болалар тўрт-беш ёшдан кейин унинг барча шаклларида бундай хусусияти билан ажралиб туриши тасдиқланмоқда. Ўсмирлик даврида тортинчоқлик хусусияти кўпроқ намоён бўлади. Одатда у нохуш ташвишлар комплекси билан боғлиқ бўлиб ўсмир шахсининг тўлақонли шаклланишига ҳалақит беради. Кўпчилик тортинчоқ ўсмирлардаги бу хусусият яна кўп йиллар уни тарқ етмайди. Тортинчоқ инсон учун оила куриш, карьера режалаштириш жуда қийинчилик билан ҳал этиладиган масалалардир.

Тортинчоқ болалар таълим-тарбиясида уларнинг ана шу индивидуал хусусиятларига катта эътибор бериш керак. Тортинчоқлик баъзан бола катта бўлган сари ўтиб кетадиган ҳолат ҳисобланади.

Лекин бундай бахтли ҳодиса ҳамма вақт ҳам содир бўлавермайди. Кўпчилик болаларга тортинчоқликни йўқотиш учун катталар ёрдами жуда зарур бўлади [1].

Тортинчоқликни бартараф этишга йўналтирилган иш ўзаро келишилган, доимий чидам билан ва эҳтиёт бўлган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- болага ўзини ўзи ижобий тарбиялаш имконини яратиб бериш;

- боланинг ўзи ҳақида ёмон ўйлашига йўл қўймаслик;

- аввало ўзингиз фарзандингиз ҳақида ёмон гапирилишига йўл қўймаслигингиз;

- бола ҳаммага ўхшаган бўлиши керак эмас, балки у ўзига хос бўлиши керак принципига амал қилишингиз лозим.

Унутманг кишининг ўзига нисбатан нафрати унинг ҳаёти мазмунининг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. В.Леви россия психотерапевти ва психологи фикрига кўра, киши ўзини яхши кўриши, бошқалар билан таққосламаслиги, ўзини баҳоламаслиги кераклигини тавсия этади, чунки ҳар бир инсон ўзига хос тарзда индивидуалдир ва у ўзини инъом деб қабул қилиши керак.

Оилада бир неча фарзанд бўлса бир хил муҳитда уларнинг ҳаммаси ҳам тортинчоқ бўлавермайди. Кўп ҳолатларда тортинчоқлик асосан тўнғич фарзандларга хос бўлади. Ф.Зимбардо бу ҳолатни қуйидагича изоҳлайди. Ота-оналар фарзанд дунёга келиши ва уни катта қилиш жараёнида максимал даражадаги хавотирланишлари асосан тўнғич фарзанд билан боғлиқ бўлади. Иккинчи фарзанд туғилганида уларда бирмунча тинчланиш вужудга келган бўлиб, болага нисбатан чекловлар нисбатан камайдир. Шунингдек, кичик фарзанд куч ва ҳаракатда тўнғич фарзанддан ўта олмаслигини англаган ҳолда юзага келган турли вазиятлар ва муаммоларни ечиш ва мулоқотга киришишнинг соф психологик йўллари кидиради. У шунчаки мулоқотга киришиш, келишув, бирлашув, таъсир ўтказиш йўллари ўрганишга мажбур

бўлади. Тиббиёт психологияси бўйича мутахассис, доктор Люсиль Форернинг таъкидлашича, инсон нерв тизимининг пластиклиги тўнғич фарзандларнинг оиладаги шахслараро муносабатларнинг бола учун етарли бўлмаслиги ва бу муносабатлар орқали қондирилиш мумкин бўлган психологик эҳтиёжларнинг етарли даражада қондирилмаслиги билан боғлиқ бўлади. Тўнғич фарзандлар оиладаги. ундан кичик бўлган иккинчи ва учинчи ёки ягона фарзандларга нисбатан кўпроқ қўллаб-қувватланишга ва макталишига эҳтиёж сезади. Шу эҳтиёжнинг қондирилмаслиги тўнғич фарзандда тортинчоқлик, ўзига паст баҳо бериш каби хусусиятларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Бундай болалар тез ҳафа бўлиб қоладиган, ҳиссиётга берилувчан, аразчан бўладилар. Шунинг учун ҳам уларга нисбатан муносабатда юмшоқлик, илиқлик ва қўллаб-қувватлаш бўлиши зарур.

Айрим ота-оналарнинг фикрига кўра, тортинчоқлик бу ижобий сифат ҳисобланиб, ахлоқ нормаларига мос келадиган сифатдир. Улар тортинчоқлик хатти-ҳаракатлардаги оғишиш эканлигига жиддий эътибор қаратмайдилар. Хатто уларга боладаги тортинчоқликни бартараф этиш зарурлиги ҳақида фикр билдирилганида ҳам "Одобли камтар бола бўлиб ўсгани яхши" -деб жавоб қайтардилар. Баъзан ота-оналар камтарлик ва тортинчоқликни бир хил хусусият деб ҳисоблайдилар. Аслида бу икки хил хусусият мутлақо бир хил эмас. Тортинчоқлик шахсга ўзини тўла намоён этишида ва ўз шахс хусусиятларини тўла татбиқ этишларида ва турли фаолиятларда муваффақиятга эришишда ҳалақит беради. Бу ҳолда тортинчоқлик коррекция қилиниши лозим. Агар киши онгли равишда, ўзи хоҳлаб тортинчоқликни танласа ва бу унинг ҳаётий мақсадларига эришишига ҳалақит бермаса, бу ҳолатда тортинчоқлик камчилик эмас, балки минимал тарздаги ижтимоий контактлардан иборат бўлган оддий ҳаёт тарзи ҳисобланади.

Тортинчоқликнинг пойдевори албатта болаликда қўйилади. Ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ мактаб ўқувчилари орасида тарқалган бўлиб, лекин бу дегани унга фақат болалар йўлкадилар дегани эмас. Катта ёшдаги аҳолининг салмоқли қисмида "ҳам тортинчоқликни учратиш мумкин ва ўзларининг ҳаётлари давомида ҳам ундан кутула олмайдилар.

Ўсмир ёшда тортинчоқлик ўғил болаларга нисбатан кўпроқ киз болаларда кузатилади, чунки қизларда ўғил болаларга қараганда кўпроқ ташқи физиологик ўзгаришларнинг намоён бўлиши, ташқи ўзгаришларидан ноқулайликни ҳис этиши, тортиниши, уялиши, мактабда одобли, ҳаётда уятчан, андишали бўлиш, ижобий хулқи билан кўзга яқин бўлиш ҳамда қарама-қарши жинс вакиллари учун жозибабали бўлиб кўриниш истаги устунроқ.

Аввало киз болалардаги бу хусусиятларни ота-оналар оилада шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Лекин бу, ҳамма жамиятда ҳам албатта аёллар эркаклардан кўра кўпроқ тортинчоқ бўладилар дегани эмас, бу мутаносиблик мамлакат ҳамда жамиятнинг маданий қатламига қараб ўзгариши мумкин.

Кўпчилик болаларга тортинчоқликни йўқотиш учун катталар ёрдами жуда зарур бўлади. Тортинчоқликни бартараф этишга йўналтирилган иш ўзаро келишилган, доимий, чидам билан ва эҳтиёт бўлган ҳолда амалга оширилиши зарур. Айниқса, бу борада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқитувчи идеал деб ҳисоблангани учун уларнинг таъсир кучи баланд бўлади.

Тортинчоқ инсонлар доимий равишда ўзларини бошқалардан таққослайдилар ва кўпроқ ўз камчиликларига эътиборларини қаратадилар, улардан

азият чекадилар. Тортинчоқлар атрофдагилардан салбий баҳо олишдан доимо хавотир олади. Тортинчоқ инсонларда социофобия вужудга келиши эҳтимоли мавжуд.

Агар камтарлик баъзан ижобий сифат ҳисобланса, у жамиятда ўзини тута олмаслик, бошқара олмаслик, безбетликка қарама қарши равишда ўзига ишонмасликка асосланилади. Айнан бу икки фарқни ажрата олмаслик баъзан

боладаги тортинчоқликни коррекция қилиш зарурияти йўқ, деб ҳисобланишига сабаб бўлади. Чунки улар тортинчоқликни йўқотилиши манманликни юзага келишига сабаб бўлади деб ҳисоблайдилар. Тортинчоқликни камайтириш ёки ривожлантириш киз ва ўғил болалар орасида турлича аҳамиятга эга.

Тортинчоқликнинг юқори даражаси бола психик ривожланишидаги қуйидаги салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин:

- тортинчоқлик боланинг ижтимоий изоляциясига, яккаланишига олиб келади;
- бола яхши ривожланмаган ижтимоий таъсирлашув кўникмалари сабабли ўзаро муносабатлардаги стресс вазиятларида салбий кечинмаларга нисбатан таъсирчан бўлиб қолади;
- бола ўзаро ишончга асосланган мулоқот тажрибасини эгаллаши қийинлашади;
- бошқалар боланинг ижобий хусусиятларига юқори баҳо бериши учун имконият пасаяди;
- бола ўз фикрларини билдиришга ҳамда ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қийналади;

Тортинчоқлик билан одатда ёнма-ён. ривожланмаган ёлғизлик ҳисси, хавотирланиш, депрессия боланинг диққат эътибори ўз шахси ва ҳулқ-атворида янада каттиқроқ жамланишига ҳамда ички биқиклик даражаси ортиб кетишига олиб келади.

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшида етакчи фаолият бўлгани учун эса ундаги носозлик боланинг умумий психик ривожланишида жиддий салбий асорат қолдиради. Шунинг учун мактабга болаларни психологик тайёрлашда психологлар, ота-оналар ва тарбиячилар боланинг тортинчоқлик сифатини коррекциялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиши тавсия қилинади.

Болалар билан тўғри мулоқот кўникмаларини шакллантиришда, болаларда атрофдаги одамларга нисбатан қизиқишни уйғотиш, катталар, яъни ота-онаси билан биргаликда ўқитувчи ва тарбиячилари ҳам боланинг мулоқотга киришувчанлигини ривожлантириш учун ҳамкорликда ҳаракат қилишлари айтилган бўлади.

Катталар томонидан бола бажара олмайдиган вазифалар тез-тез юклатилишлари оқибатида, ҳеч қандай вазифани бажара олмаётганлиги туфайли болада кўрқув ҳисси пайдо бўлади ва бунинг эвазига жазоланиш ҳолатлари учрайди. Бу ҳолатлар эса, болада ўз кучига нисбатан ишончнинг йўқолишига

олиб келади. Агар сиз унга доимий равишда, дангасалигини, паст баҳолашга ўқишини, сизнинг ишончингизни оқлай олмаётганини, унинг у ёки бу фаолият билан шуғулланганда норозилик оҳангида гапириб борсангиз ва сиз томондан болага нисбатан ҳеч қандай қўллаб-қувватлашлар имкони бўлмаса, охир оқибатда бола ўзини керакмас инсондек ҳис қила бошлайди.

Турли хил вазиятларда болага ишонган ҳолда у ёки бу вазифани мустақил бажаришга имкон яратинг. Арзимаган ҳодисалардан жанжал кўтариб, яқин қариндош ёки атрофдаги дўстлари орасида болангизга кўп танбех берманг, масалан: тенгдошлари билан мулоқотга кириша олмаётганда, дўст танлаётганда ва билмаган ҳолда бирон бир иш қилиб қўйса ва бошқа ҳодисаларда

уялтирманг. Болага катталар томонидан ортиқча талабчан бўлиш ва ўз айтганини қайсарлик билан қилдириш, бу фақатгина боланинг ўз-ўзига ишончининг сусайишига ва мустақил бўлишига тўсқинлик қилади.

Тортинчоқ болалар албатта ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлишлари керак, бу унинг ўзига ишончини оширишга ёрдам беради, Ота-оналарнинг вазифаси - болани бирор бир иш билан ёки дарслари билан ўта банд бўлмасликларини ва дўстлари билан мулоқотда бўлиб туришини назорат қилишлари керак [2].

Шунингдек, боланинг катталар томонидан рағбатлантирилиб турилиши, боланинг қобилиятларини, имкониятларини яхши томондан кўра билишга асосланади. Баъзи бир ҳолларда боланинг ўзини тутиши катталарга ёқмайди. Худди шу вақтда катталар болалар «бу хатти-ҳаракатни қўллаб-қувватламасада, лекин уни шахс сифатида ҳурмат қилишини» кўрсата олиши керак. Агар бола инсонлар орасида ўзини тута билмаса, у ҳолда катталар болага ёрдам бериб, бу ҳолни тушунтириши керак. Мухими, катталар болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилишини ўрганмоғи, унинг ютуқ ва камчиликларини имо-ишораларини, товуш оҳангини ҳисобга олиши керак.

Хулоса қилсак, болани психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун катталар болани «мен» концепциясини ривожлантирувчи ва унинг ҳиссиётларига айнаган мос сўзларни ишлатиши керак. Кун мобайнида катталар болада ўзининг кераклигини ҳис қилиш туйғусини уйғотиш имконига жуда кўп эга бўлади. Бунинг биринчи йўли боланинг натижаларидан ва ҳаракатларидан сизда қониқтириш ҳиссини намоён этишдир. Иккинчи бир йўли эса - болани ҳар хил муаммоларни ўзи ҳал қилишга ўргатишдир.

Буларнинг ҳаммасига болага «мен сенга ишонаман», «буни сен қила оласан» каби фикрларни сингдириш орқали эришиш мумкин. Натижада болада аввало ўзига, сизга ва атрофдагиларга нисбатан ишончи пайдо бўлади.

Адабиётлар

1. Ғозиев Э. Психология муаммолари. -Т.: "Иқтисодиёт университети" 1999.
2. Я работаю психологом... Опыт, мышления, советы. /Под ред. И.В.Дубровиной. – М.: ТЦ «Сфера», 1999.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада болаларда учрайдиган тортинчоқлик турлари, мавжуд тортинчоқликнинг ижобий ва салбий томонлари ва уни бартараф этиш усуллари ҳамда коррекция қилиш йўллари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются виды стеснительности, позитивные и негативные стороны стеснительности у детей, а также методы её коррекции.

SUMMARY

The article is devoted to the study of kinds of shyness positive and negative features of children's shyness and methods of preventing them, their correction.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА УЛАРНИНГ ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

Э.С.Султбаева - катта ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги НДПИ ҳузуридаги ХТХКТМО минтақавий маркази

Таянч сўзлар: оила, ёшлар, этник хусусиятлар, психология, ижтимоий, миллий, ота-она, оилавий ҳаётга тайёрлик, тарбия.

Ключевые слова: семья, молодёжь, этнические особенности, психология, социальный, национальный, родитель, подготовка к семейной жизни, воспитание.

Key words: family, youth, ethnic characteristics, psychology, social, national, parent, preparation for family life, upbringing.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов: «Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди» - деб эътироф этганди [1]. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг комил инсон қиёфасида акс этишида зарур сифатларни шакллантириш, ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашда қорақалпоқ халқининг этник хусусиятларини ҳисобга олган ва таянган ҳолда жараёнга янгича ёндашувни талаб этади. Яъни, ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ҳар бир халқнинг ўзига хос педагогик ва психологик муаммоларини ҳал этиш ва асосларини яратиш зарур. Оиланинг туб моҳияти ҳақида гапириб: "Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етиштишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор", деган эдилар. Этнограф олимларнинг масалан Т.А.Жданко, В.С.Толстова, Т.Атамуратов, Х.Есбергенов, А.Бекмуратова, Р.Боллиеваларнинг қорақалпоқ этник хусусиятлари ҳақидаги тадқиқот ишлари билан танишиб чиқдик. Ушбу илмий манбаларда таъкидланишича, қорақалпоқ халқи бошқа халқлар сингари этник хусусиятларга эга, халқнинг яшаш тарзи, кундалик ҳаёти, географик, иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ўзига хос жиҳатларига эга эканлигини ўргандик. Ўзбекистонда ушбу муаммога оид изланишлар, тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса да, айнан қорақалпоқ халқининг этник хусусиятларидан келиб чиқиб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда педагогик-психологик ёндашувга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Бу ўз навбатида ўқувчи ёшларда қорақалпоқ оиласининг миллий маънавий қиёфасини шакллантиради, келажакда оила қуришга психологик жиҳатдан тайёр бўлишга; физиологик-гигиеник тайёргарлик, педагогик билим билан қуrollаниш, оилавий ҳаётга эстетик муносабатни шакллантириш муҳим бўлиб, бунда оиланинг маиший имкониятларини билиш, оилада маънавий-психологик муҳит ярата олиш, қурилажак оиланинг моделини лойиҳалаш малака ва кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир [4].

Дарҳақиқат, оила - ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланидиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган халқнинг қадриятлари ва маънавий мероси рағнағини таъминловчи тарбия масканидир. "Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган". Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи бўлиб ҳисобланади. "Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади... Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир". Ота-оналар

муносабатларида намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атиқаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирларининг асарларида шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқига хос оилавий шахсларо муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳаётий мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насихатлар кўринишида баён этилган [2]. Оилавий ҳаёт жамият таракқиётида ва фарзандларнинг камолотида шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди. 30 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлик диссертацияларида, ўзбек, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз оилаларининг ижтимоий- психологик аспектларини илмий тадқиқ этган.

"Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради". Кўриниб турибдики, оилавий ҳаёт масалалари ҳозирги давр фани тадқиқот йўналишининг устувор соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Республикамизда "Оила" илмий-амалий марказининг ташкил этилиши ҳамда ҳукумат томонидан "Оила кодекси" (1998) қабул қилиниши бугунги кунда оилаларнинг мустаҳкам ва барқарорлигини сақлаш учун қилинаётган муҳим амалий ишлардан ҳисобланади. Ўзбекистонда оиланинг ҳуқуқий асослари қайта кўрилиб, ишлаб чиқилган [3].

Бироқ, юқоридаги илмий изланишларда оила барқарорлигига шахсларо муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Аслида оилавий турмушда юзага келадиган муаммолар, ҳатто оиланинг бузилиши ва унинг салбий асоратлари, ҳамма-ҳаммаси ундаги шахсларо муносабатлар таъсирининг натижаси эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, оила

барқарорлиги, бахтли ва фаровон турмуш кечириш, албатта, шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари билан узвий

боғлиқ бўлганлиги туфайли, айнан, шу муаммо юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб бориш тақозо этилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган мажлисидаги табрик сўзи. / «Халқ сўзи». 1997. 8-б.

2. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.: 2006. 142-б.

3. Шоумаров Г.Б. Современное состояние и социально-психологические проблемы семьи в Узбекистане. «Здоровая семья - основа здорового общества» Международное научно-практической конференции. –Тошкент: 30 ноября 2012 г.

4. Утепбергенов М.А. Қорақалпоқ оиласининг этнопсихологик хусусиятлари. Халқ таълими № 3. 1996 й.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва муаммонинг психологик, этник хусусиятлари, оиладаги ўзаро қўникмалар ҳамда ҳар бир аъзоларининг ҳуқуқлари ва вазифалари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о подготовке учащихся к семейной жизни и психологических, этнических особенностях данной проблемы, о навыках взаимоотношения в семье, о правах и обязанностях каждого из членов семьи.

SUMMARY

The article deals with the training of learners for family life, psychological, ethnic features of the problem, skills of family relationship and the rights and duties of every family member.

О РОЛИ МИКРООРГАНИЗМОВ ИММОБИЛИЗОВАННЫХ НА РАЗЛИЧНЫХ НОСИТЕЛЯХ В ОЧИСТКЕ СТОЧНЫХ ВОД

А.К.Убайдуллаева - кандидат биологических наук

А.Ж.Еримова - старший преподаватель

Международный казахско-турецкий университет имени Х.А.Ясави, г.Туркестан

П.У.Калжанов – старший преподаватель

П.Ш.Мырзамбетов – старший преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажсинияза

Таянч сўзлар: табиат, бактериялар, маданият, микроорганизмлар, саломатлик.

Ключевые слова: природа, бактерии, культура, микроорганизмы, здоровье.

Key words: nature, bacteria, culture, microorganisms, health.

Перед нами стоит главная задача – сохранить природу, в том числе и водные ресурсы, для нормальной жизни будущего поколения. Очистка сточных вод как одно из мероприятий охраны окружающей среды приобретает значение проблемы государственной важности.

Среди применяемых методов очистки сточных вод биологическая очистка является наиболее дешёвой и самой доступной, а на практике нередко единственно возможной. Нависшая над человечеством угроза загрязнения всех водных бассейнов, а также дефицит пресной воды побуждает учёных сосредоточить внимание на биологической очистке сточных вод, в основе которой лежат микробиологические процессы.

В промышленных сточных водах обитает бесчисленное множество микроорганизмов, среди которых преобладают бактерии. При очистке сточных вод чистыми культурами бактерий или их комплексами возникает потребность в освобождении воды от микробных клеток, поскольку в чистых культурах они не оседают подобно активному илу.

Большинство бактерий, участвующие в процессах очистки сточных вод и бытовые стоки являются представителями родов *Pseudomonas*, *Achromobacter*, *Flavobacterium*, а также грамположительные бактерии рода *Bacillus*. Фотосинтезирующие серобактерии являются полезными для очистки сточных вод. Разрушая восстановленные соединения серы, они предотвращают отвратительный запах анаэробных лагунах. Важную роль в очистке сточных вод в лагунах играют метановые бактерии. Они используют для роста муравьиную кислоту, метанол и другие вещества, имеющиеся в лагунах [1; 2; 3; 4].

В роли недругов человека могут выступать представители всех перечисленных групп микроорганизмов, а также вирусы и риккетсии, принадлежащие к абсолютным паразитам и неспособные к сапрофитно-

му образу жизни – к жизни вне живых клеток высших организмов.

Отмечается, что качество воды в Туркестанском регионе резко ухудшилось, увеличилось её органическое загрязнение. Из компонентов азота в этих водах наибольшую часть составляет нитратный азот (NO_3) [5; 6].

Была предпринята попытка изучить возможность использования культур микроорганизмов для очистки питьевой воды от нитратов. Для этой цели была выбрана культура *P.stutzeri* 18, способная восстанавливать нитраты до газообразных продуктов. Была проведена работа по исследованию способности бактерии *P.stutzeri* 18 осуществлять процесс денитрификации в присутствии различных органических субстратов. Так наиболее дешёвым и экологически безвредным для применения в технологических целях является ацетат, который при его утилизации бактериями, разлагается на CO_2 и H_2O . Возможность *P.stutzeri* 18 использовать ацетат в процессе денитрификации исследовалась в сравнении с такими органическими субстратами, как лактат и этанол.

Результаты работы, представленные в таблице 1, свидетельствуют о том, что культура *P.stutzeri* 18 способна денитрифицировать и развиваться в присутствии 1 г/л ацетата. Полученные данные показали, что исследуемая культура может использоваться для очистки питьевой воды от нитратов в присутствии минимальных количеств ацетата [7].

Изучение возможности культуры *P.stutzeri* 18 денитрифицировать в иммобилизованном состоянии проводилось с использованием в качестве носителей стеклоткани, ершей, поролона и виев.

Культура предварительно выращивалась в аэробных условиях в течении суток и затем в колбы вносили соответствующие носители. Колбы с носителями помещались на стуки в термостат для иммобилизации бактерий, определялась оптическая плотность среды.

Таблица 1. Рост культуры *P.stutzeri* 18 на органических субстратах в процессе денитрификации

Органические субстраты	Продолжительность опыта, сутки (NO ₃ г/л)				
	1	2	3	4	5
Ацетат 5 г/л	0,31	0,31	0,31	0,19	0,18
Ацетат 1 г/л	0,46	0,43	0,34	0,01	0,01
Лактат 3,5 г/л	0,63	0,62	0,39	0,39	0
Лактат 1 г/л	0,27	0,05	0,01	0	0
Лактат 0,5 г/л	0,25	0,24	0,04	0,01	0
Этанол 10 г/л	0,55	0,41	0,42	0,26	0,16
Этанол 5 г/л	0,58	0,53	0,34	0,14	0,14
Этанол 2 г/л	0,73	0,55	0,54	0,05	0,05
Этанол 1 г/л	0,64	0,18	0,31	0,2	0

После этого культуральная жидкость сливалась, а колбы с иммобилизованными на носителе бактериями, заполнялись раствором, содержащим (г/л): ацетат – 1; KNO₃ – 2; KH₂PO₄ – 2; MgSO₄ · 7H₂O – 2; CaCl₂ – 0,2; железо хлорное – следы, pH – 7,0. Опыты проводили в течении 14 суток.

В колбах создавались факультативно-анаэробные условия. Через сутки эксперимента определялась скорость денитрификации бактерий *P.stutzeri* 18, иммобилизованных на различных носителях.

Результаты работы представлены в таблице 2 и свидетельствуют о том, что хотя наиболее подходящим носителем для *P.stutzeri* 18 оказалась стеклоткань и ерши, процесс денитрификации в этих вариантах практически не шел. В то же время бактерии, иммобилизованные на виах и поролоне, активно денитрифицировали.

Далее все исследуемые сорбенты с иммобилизованными на них бактериями *P.stutzeri* 18 были проведены в условиях непрерывного потока. Для опытов использовалась среда такого же состава, что и в предыдущих экспериментах (таблица 1.). Оказалось, что наиболее подходящим сорбентом в этих условиях являются вии и поролон, так как скорость денитрификации бактерий при использовании этих сорбентов была значительно выше.

Таблица 2. Скорость восстановления нитратов культурой *P.stutzeri* 18, иммобилизованной на различных носителях в условиях непрерывного потока

Сорбент	Продолжительность опыта, сутки				
	pH	1	7	10	14
Вии	7,4	0,02	0,045	0,075	0,1
Ерши	7,6	0,03	0,08	0,1	0,065
Стеклоткань	7,6	0,095	0,085	0,025	0,045
Поролон	8,4	0,065	0,075	0,075	0,07
Контроль (среда без бактерий)	7,5	0,85	0,85	0,85	0,85

Следующую серию экспериментов проводили с использованием в качестве носителей для *P.stutzeri* 18 виев и поролона. Для опытов была использована вода из источников питьевой воды г.Туркестан. Содержание нитратов в воде составляло 1 мг/л. Опыты ставили в условиях непрерывного потока при объеме колонки 500 мл и скорости потока 1 л/л в сутки.

Результаты работы, представленные в таблице 2 показали, что клетки бактерии *P.stutzeri* 18, иммобилизованные на виах и поролоне, способны очищать питьевую воду от нитратов и нитритов.

Следует отметить, что поролон оказался неподходящим сорбентом, так как в процессе испытаний в условиях непрерывного потока он забивался взвешенными частицами и приобретал твердость, что отрицательно сказывалось на его пористости и, как следствие этого, скорость процесса денитрификации со временем снижалась. В то же время при использовании виев, после небольшого периода стабилизации работы колонок, содержание нитритов не превышало предельно допустимые концентрации и составляло 0,05 мг/л NO₃. Нитриты в воде также не обнаруживались (таблица 2).

Полученные данные показали принципиальную возможность использовать культуру *P.stutzeri* 18 в иммобилизованном на виах состоянии для очистки питьевой воды г.Туркестан от нитратов и нитритов.

Таким образом, полученные данные свидетельствуют о возможности культуры *P.stutzeri* 18, иммобилизованных на виах осуществлять процесс истинной денитрификации, а также восстанавливать нитраты и нитриты в питьевой воде.

Литература

1. Научно-исследовательская работа «Формирование экологической компетентности будущих специалистов служб МТО при изучении экологии в военном вузе». –Вольск: 2014.
2. Комарова Л.Ф. Использование воды на предприятиях и очистка сточных вод в различных отраслях промышленности. Учебное пособие / Л.Ф.Комарова, М.А.Полетаева. – Барнаул: Изд. АлтГТУ, 2010.
3. Баешов Э.Б. Экология және таза су проблемалары. Оқулық. –Алматы: «Дәнекер», 2003.
4. Қуандықова Р.К. Түркістан аймағы ауыз су мен топырағының гигиеналық зерттеуі. – Түркістан: «Тұран», 2004.
5. Абдрашито́ва С.А., Айткельдиева С.А., Илялетдинов А.Н. Методика выделения микроорганизмов, способных развиваться в аэробных и анаэробных условиях в зависимости от конечного акцептора электронов. – Известия АН КазССР, сер. биологич. – Алма-Ата: 1987, №3, - С.92.
6. Илялетдинов А.Н., Абдрашито́ва С.А., Айткельдиева С.А., Убайдуллаева А.К. Полиредуктазная активность бактерий. –Известия АН СССР, сер. биологич. – Москва: 1989, №2, -С.260.
7. Илялетдинов А.Н., Абдрашито́ва С.А., Убайдуллаева А.К., Айткельдиева С.А. Восстановление некоторых перемановалентных элементов гетеротрофными микроорганизмами. Известия АН КазССР, сер. биологич. – Алма-Ата: 1990, №2, -С.60.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ичимлик сув мухитидаги ҳар хил микроорганизмлар ҳақида сўз боради ва унда тадқиқот натижаларидан олинган яқунлар ўз ифодасини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о различных микроорганизмах, обитающих в питьевой водной среде. А также указаны результаты полученных данных исследований.

SUMMARY

In the article it is told about various microorganisms living in the drinking water environment. The results of the received research works also are presented in the article.

ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДЫ ДУРЫС ТҮСИНІҮ ХӘМ ҚОЛЛАНЫҮ ХАҚЫНДА

А.Н.Урумбасова – педагогика илимлериниң кандидаты, доцент
Әжанияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: педагогик технологиялар, ўйинли технология, муаммоли ўкитиш технологияси, компьютерли ўкитиш технологияси, модулли ўкитиш технологияси, кейс-стади ўкитиш технологияси, креатив ўкитиш технологияси ва б.; умумий педагогик (макро) даража, хусусий-методик (мезо) даража, локал (микро) даража.

Ключевые слова: педагогические технологии, игровые технологии, обучающие проблемные технологии, компьютерные технологии, обучающие модульные технологии, кейс-стади технологии, обучающие креативные технологии, общепедагогический (макро) уровень, частно-методический (мезо) уровень, локальный (микро) уровень.

Key words: pedagogical technologies, game technologies, problem technologies, computer technologies, module technologies, case-study, creative technologies, general pedagogical (macro) level, private-methodical (meso) level, local (micro) level.

Мәлим болғанындай, Өзбекстанда тәлим-тәрбия тараўын реформалаўдың баслы факторларының бири «инсан мәшлери хәм тәлим үстемлиги» болып табылады. Бул фактор мәмлекетимиздин жәмийетлик сиясатын белгилеп бергенлиги себепли бүгинги күнде тәлимнің жаңа модели жаратылмақта, ал жәмийетимизди толығы менен педагогластырыў машқаласы болса социаллық буйыртпа сыпатында қаралып келмекте. Демек, жәмийетимиздин хәр бир пуқарасын тәлим-тәрбия тийкарлары менен таныстырыў, жас әўладты бәркамал инсан етип жетилистириў процессин жаңа педагогикалық «курал» хәм «усыллар» менен тәмийинлеў дәуир талабы болып табылмақта.

Алдыңғы педагогикалық тәжрийбе көбинесе оқытыўшының сабақты қалай шөлкемлестириўине байланысly болып, онда биринши гезекте оқытыўшының дәретиўшилиги көзге түседи. Әйне сол дәретиўшилик тәжрийбедеги сынақтан табыслы өтсе, «алдыңғы» деген атаманы, ал ғалабалық болып кетсе, «технология» атамасын алады. Яғный, тәлим системасындағы оқытыў процессиниң нәтийжелилигин асырыўда педагогикалық технологиялардың орны оғада әхмийетли саналады.

Педагогикалық технология тәлим процессин таярлаў, шөлкемлестириў, илимий-методикалық тәретпен тәмийинлеў, әмелге асырыў, тәлим нәтийжелериниң сыпатын бахалаўдан ибарат болған бир пүтин системада көринисин табады. Сол себепли миллий тәлим-тәрбия системасын модернизациялаў мақсетинде жаңа типтеги мәмлекетлик тәлим стандартлары, оқыў режелери хәм оқыў дәстүрлери, жаңа әўлад оқыў әдебиятлары жаратылып келгенлиги менен, бирақ оларды толық әмелге асырыў ушын тәлим мазмунына алдыңғы педагогикалық нәтийжелер, инновациялық технологияларды алып кириў, оларды енгизиўдин қолайлы шәрт – шараятлары дурыс жолға қойылмай атырғанлығы ҳеш кимге сыр емес.

Усыған байланысly бүгинги күнде педагогика илими хәм әмелиятында ең көп пайдаланатуғын хәм қолланатуғын түсиник, бул, әлбетте, «педагогикалық технологиялар» болып келмекте. Тилекке қарсы, бул түсиникти қолланып атырған педагоглардың көпшилиги бул сөздин ҳақыйқый мәнисин түсинбестен оны пайдаланбақта. «Бәрше машқалалар түсинбеўшиликтен пайда болады», - деген халық даналығындағы гәп бийкарға айтылмағанына гуўа болмақтамыз. Ал енди бул түсиникти орынлы яки орынсыз қолланылып атырғанлығының себеби, оқытыўшылардың заманға сай болыўды қәлеўинен, илим хәм тәлимдеги «мода»ға еркисиз еликлеўинен болмақта, деп ойлаймыз.

Ең таң қаларлығы соннан ибарат, бул түсиникти ислетип атырған педагоглардың хәммеси оны өзинше түсинеди хәмде түсиндиреди. Атап айтқанда, бүгинги күнде педагогикалық илимий әдебиятларда «педагогикалық технология» түсинигиниң хәр қыйлы тәрийплери берилген: ҳақыйқый илимийлеринен

басланып әжептәуир түсиниксиз атамаларына дейин. Мысал ушын, айырым оқытыўшылар педагогикалық технологиялар - бул тек ғана хабар технологиясы менен байланысly, хәмде оқытыў процессинде қолланыўы зәрүр болған ТОҚ, компьютер үскенеси, аралықтан оқытыў, яки хәр қыйлы техникалардан пайдаланыў, - деп хәм надурис түсинеди.

Соның менен бирге атап өтиў орынлы, көпшилик жағдайда «педагогикалық технология» түсиниги пүтинлей пәнлерди оқытыў методикасы менен алжастырылып келинбекте. Бул улыўма надурис көзқарас, әлбетте. Хәттеки, «алдыңғы педагогикалық технологиялар» дегенде, тек ғана шет ел методикасынан көширип алынған интерактив оқытыў методлары нәзерде тутылмақта. Бул жағдайға анықлық киритиў мақсетинде илимий анализ нәтийжелерин көрип шығыўды қарар еттик.

Солай етип, «педагогикалық технологиялар» дегенимиздин өзи не? Педагогикалық әдебиятлардың анализи соны көрсетпекте, хәзирги дәуирде «педагогикалық технология» түсиниги тәлим әмелияты хәм теориясы илиминен беккем орынды ийелегени менен, лекин педагогикалық сөзликлерде оның орны еле нәмәлим, ал мазмуны болса толық ашып берилмеген болып қалмақта.

«Технология» сөзи улыўма илимге 1872-жылы кирип келген. Ол грек тилинен алынған болып, «технос» - (өнер, шеберлик) хәм «логос» (тәлиймат, илим) деген сөзлердин бирикпесинен келип шығып, яғный «шеберлик ҳаққындағы пән» деген мәнисти аңлатады.

Педагогика илимине болса, мәлим болғанындай, «технология» түсиниги ХХ әсирдин 60-жылларында Америка хәм Батыс Европада тәлимди реформалаў менен байланысly рәуиште кирип келген. «Педагогикалық технология» түсинигин биринши ирет 1970-жылы япон алымы Т.Сакамото қолланған. Жәхәнге Б.Блум, Ж.Королл, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, Л.И.Занков, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова технологиялары белгили. Оқытыўды шөлкемлестириўге болған технологиялық көзқараслар В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткин, Г.С.Сухобская, Т.В.Кудрявцев, А.Н.Матюшкин, М.И.Махмутов, М.В.Кларин, Г.К.Селевко, Б.Т.Лихачев, И.П.Волков, В.М.Шепель, В.М.Монахов сыяқлы Россияның көплеген психолог хәм дидакт алымларға тийисли.

Жоқарыда айтып өткенимиздей, бүгинги күнде «педагогикалық технология» түсинигин педагог алымларымыз хәр қыйлы етип түсиндиреди хәм тәрийлейди. Изертлеўшилердин көпшилиги, педагогикалық технология - бул оқытыўшының тәлим-тәрбия кураллары жәрдемінде оқытыўшыларға белгили шараятта тәсир көрсетиў хәм бул хызмет өними сыпатында оларда алдын ала белгиленген шахсий сыпатларды қәлиплестириў процесси болып есапланады, - деп көрсетеди. Сондай-ақ, педагогикалық технология, бул - оқытыўшы хәм

талабалардың белгиленген мақсетке, кепилленген нәтижеге биргеликте ерисиўлері ушын таңланған технологиясы, - деп хәм түсиндиреди.

Япон алымы Т.Сакамото «педагогикалық технология - бул оқытыўдың сәйкеслигин тәмийинлеўши жол-жобалар тизими менен байланыслы билимлер тараўы», - деп атап өтсе, белгили рус педагог-алымы Н.Ф.Талызина болса педагогикалық технологияны «белгиленген оқыў мақсетке ерисиўдин ақыллы усылларын анықлаўдан ибарат», - деп түсиндиреди. Және бир рус алымы И.Я.Лернер «педагогикалық технология - бул оқыўшылар хәрекетлеринде сәўлеленген оқытыў нәтижелери арқалы исенимли, аңлап алынатугын хәм анықланатугын мақсет», - деп көрсетеди [2,6].

Келтирилген тәриплерден көринип турғанындай, педагогикалық технология белгилеп алынған басланғыш мақсет хәм мазмун тийкарында оқыў процессин режелестириў сыпатында түсинилген. Бул бир тәрептен дурыс болғаны менен, бирақ тереңрек алып қарағанда, оның бир жақламалылығы анық көзге тасланбақта, себеби бундай қатнаста оқыўшы шахсы бийкар етилмекте. Бул кемшиликти бириншилерден болып академик В.П.Беспалько байқаған хәм өзиниң изертлеўлеринде «педагогикалық технология – бул оқытыўшы шеберлигине байланыслы болмаған халда педагогикалық жетискенликти кепиллик етип билдире алатугын оқыўшы шахсын қәлиплестириў дәстүри болады», – деп өз пикирин билдиреди [1].

«Педагогикалық технология» түсинигин анықластырыўға қаратылған тәриплердин хәр қыйлы етип берилгенлиги, бир тәрептен, раўажланған мәмлекетлерде бул мәселениң мәлим дәрежеде шешилип атырғанлығын көрсетсе, екінши тәрептен, педагогикалық технология педагогикалық әмелиятқа енгизиў болған урыныўлардың белгили нәтижесин көрсетпекте.

Узақ жыллар даўамында педагогикалық технология теориясы хәм әмелиятты бир–бирине байланыслы болмаған халда үйренилип келген. Нәтижеде, оқытыў процессин қәлиплестириўге ямаса оқыўшылардың билиў хызметин раўажландырыўға қаратылған хәр қандай алдыңғы методикалар технология дәрежесинде көтерилмей, әсте – ақырынлығы пенен өз дәрежесин жоғалтып, педагогика пәнинен узақласа баслаған. Педагогикалық технологиялардың элементлерин ҳәзирги заман оқыў әмелиятты процессинде қолланылыўы хәм қәлиплесип атырғанлығы бойынша шет ел педагоглары менен бир қатарда Өзбекстанның белгили алымлары да бир қанша илимий мийнетлерин жәриялап келмекте (Н.Азизходжаева, Ү.Толипов, М.Усмонбоева, М.Очилов, Х.Т.Омонов, Б.Х.Ходжаев, Н.Х.Авлиякулов, Ж.Ғ.Йўлдашев, М.Тожиев, Х.Абдукаримов, Н.Н.Мусаева, Б.Фарберман, Б.Зиёмухаммедов, Н.Х.Хўжаев, Б.Ю.Ходиев, Н.Сайдахмедов, У.Нишаналиев, Р.Ж.Ишмухамедов, П.З. Давронов х.б.).

Педагогикалық технологиялар әҳмийети жағынан басқа технологиялар (өндирис, сиясий, биологиялық, хабар х.б.) менен бир қатарда турады, себеби олар да басқалар қатары өзиниң жеке тараўына, методлары хәм куралларына ийе белгили «материал» менен ис жүритеди. Бирақ, педагогикалық технологиялар инсан санасы менен байланыслы билимлер тараўы сыпатында курамалы хәм хәммеге де түсиникли болмаған педагогикалық процессти түсиндириўи менен бирге өндирис, сиясий, биологиялық, хәттеки, хабар технологиялардан хәм ажыралып турады. Оның өзине тән тәреплери бар болып, ол тәлим-

тәрбия компонентлериниң жәмлескенгенлигинде сәўлеленеди.

Демек, «педагогикалық технология» түсинигиниң қәлиплесиўи хәм раўажланыўы тарийхында хәр қыйлы көзқараслар болған: ол техникалық кураллар хақындағы тәлиймат деп хәм, сондай-ақ, оқытыў процессин жойбарластырылған халда изшил хәм турақлы шөлкемлестириў деп хәм талықланған. Хәзирги күнде хәм педагогикалық технологиялардың бир қанша тәриплери бар, атап айтқанда:

1 - тәрип: Педагогикалық технологиялар – алдын ала жойбарластырылған педагогикалық процессти әмелиятта режели хәм бир нормада енгизиў яки педагогикалық мәселелерди шешиўге қаратылған педагогтың үзликсиз өз ара байланысқан хәрекетлериниң тизими;

2 - тәрип: Педагогикалық технологиялар – педагогтың нәтижесине кепиллик беретугын, анық ислеп шығылған хәм қатаң илимий жойбарластырылған, тәкирарлана алыўшы педагогикалық хәрекетлер тизими;

3 - тәрип: Педагогикалық технологиялар, бул – тәлим процессин оптималластырыўға қаратылған, техника хәмде инсан факторлары, олардың өзара биргеликтеги хызмети тийкарындағы оқытыў процесси хәм билимлерди ийелеў, жаратыў, қоллаў хәм де белгилеўдеги системалы методы (ЮНЕСКО).

Солай етип, бәрше тәриплерди улыўмаластырып алғанда төмендеги түсиникти берсек болады: «**Педагогикалық технология**, бул – анық, илимий жойбарластырылған, оқыўшы шахсына бағдарланған, өнимли нәтижеге кепиллик берийўши, тәкирарланыў қәсийетине ийе болған педагогикалық хәрекетлер тизими» [3,4].

Бүгинги күнде **педагогикалық технологиялар** – тәлим-тәрбия нәтижелелигин асырыўға қаратылған болып, оның жаңа сыпат дәрежесине өтиў мүмкиншилигин береді. Алдыңғы педагогикалық технологиялар ҳәзирги дәўир ушын инсан хәм техниканың раўажланыў дәрежесине сәйкес келиўи хәм де инсан хәм техника ресурсларынан үнемли хәм уйғын пайдаланыўды тәмийинлеўи лазым. Солай етип, биз төменде оқытыў процессинде қолланылыўы мүмкин болған кең тарқалған педагогикалық технологиялардың айырымлары менен таныстырып өтиўди макул деп таптық [2, 5].

Ойынлы технологиялар – оқыў процессиндеги студентлер билиў хызметиниң искерлигин тәмийинлеўши технологиялар. Бунда тийкарынан педагогикалық ойынлар қолланылып, олар бир неше түрге бөлинеди: ролли ойынлар, имитациялық ойынлар, интеллектуал ойынлар, исбилермен ойынлар, тренинг (психодрама, социодрама) ойынлары х.б. Бул ойынлар студентлердин билимин кеңейтиреди, оларда еркинлик, коммуникатив хәм ерк қәсийетлерин тәрбиялайды, олардың сөйлеўин, есте сақлаўын, ойлаўын, уқыпшылықларын раўажландырады.

Машқалалы оқытыў технологиялары – бул раўажландырыўшы оқытыў технологиясы болып, оның мәниси оқытыўшы тәрепинен машқалалы жағдайларды шөлкемлестириў хәм турмыстық мәселелер, машқалаларды сораўлар хәм тапсырмалар шешиў жолы менен жаңа билимлерди өзлестириў хызметин басқарыўдан ибарат. Бул усыл талабалардың билимге қызығыўшылығын асырып ғана қалмай, оларда пикирлеў қәбилетин хәм раўажландырады.

Дифференциаластырылған оқытыў технологиясы – арнаўлы шөлкемлестирилген талабалардың гомоген (бир жыныстағы) топарла-

рында оқыу процессиниң өзгешелигин тәмийинлейди.

Индивидуалластырылған оқыту технологиясы – бунда педагог хэм талаба жеке-жеке бир бирине өзара тәсир көрсетеди, талаба оқыу кураллары (китап, компьютер) жәрдемінде үзликсиз рәуиште өз бетинше тәлим алады. Бундай технологияның тийкарында жеке қатнас хэм оқытудың индивидуал мүнәсибети жатады. Буған, мысалы, ең жайылған репетиторлық оқыту түри киреди.

Программаластырылған оқыту технологиясы – педагог хэм талабаға зәрүр болған қыстаулы ишки хэм сыртқы кери байланыс формасында әмелге асырылады. Бундай оқытудың тийкаргы абзаллықларының бири – талабаның мұдамы өзін-өзі қадағалауынан ибарат. Сол себепли бул технологияда студентлер жүдә актив ислеиди, ал оқытушы ушын үлкен имканиятлар бериледи.

Компьютерли оқыту технологиясы – тийкарынан электрон тәлим ресурслары арқалы әмелге асырылады. Бул технологияның нәтийжели шөлкемлестирлиуи оқыу максетлерине ерисиуде кепилликти тәмийинлейди.

Модулли оқыту технологиясының абзаллығы соннан ибарат: модулли үйрениуде өзлестиріу процессиниң тийкарын өз бетинше орынланатуғын ис-хәрекетлер қурайды, бул ис-хәрекетлер талабалар тәрәпинен еркин рәуиште режелестириледи, әмелге асырылады, тексериледи хэм баҳаланады.

Кейс-стади оқыту технологиясы («кейс-стади» түсиниги англис тилинен «машқалалар тийкарында оқыту» деген мәнисти билдиреди) – бул технологияның мәниси соннан ибарат, онда қатнасыушыларға ҳақыйкый реал турмыслық машқала бойынша пикир жүритіу усыныс етилип, бул жағдай баянында тек ғана әмелий мәселе айтылып қоймастан, ондағы машқаланы шешиу процессинде өзлестирлиуи зәрүр болған оқыу материалы хэм үйрениледи. Бунда талабалар өз бетинше анализ етиуди, еркин пикир жүритіуди, диагноз қойиуды, жеке хэм киши топарларда ислесиуди үйренеди.

Креатив оқыту технологиясы – талабаның дәретиушилик пикирлеуин үзликсиз рәуиште қәлиплестирип барыушы хэм қәбилетин раўажландыруға бағдарланған. Оның максети – инсанда дәретиушиликти ояту хэм оның өзінде бар болған дәретиушилик потенциалды раўажландыруи.

Раўажландырушы оқыту технологиясы – студентлердиң өз бетинше хэм дәретиушилик хызметлерин раўажландыруға бағдарланған шынығуларды нәтийжели шөлкемлестиріу оқыу

процессиниң әхмийетли факторларының бири болып есапланады. Студентте еркин пикирлеу қәбилетиниң раўажланыуы нәтийжесинде процесслер, хәдийселер хэм объектлер ҳаққында билимлерди системаластыруи, оларды терең үйрениу хэм де тийисли қарарлар қабыл етиуи, теориялық билимлерди әмелде қолланыу көнликпелери қәлиплеседи.

Изертлеушилердиң пикиринше, бүгинги күнде тәлим әмелиятында «педагогикалық технология» түсиниги 3 дәрежеде қолланылады, яғный:

Улымапедагогикалық (макро) дәреже. Бул дәрежеге муўапық келетуғын технологиялар бир пүтин педагогикалық процесске тийисли болып, билимлендириу системасының бәрше түрлеринде қолланыу мүмкиншилигин береді;

Жеке-методикалық (мезо) дәреже. Бул дәреже өзінде белгили бир оқыу пәнди, арнаулы тәлим алыушылар топарын, белгили қәнигеликке тийисли педагогикалық бағдарланғанлықты сәўлелендиреди.

Локал (микро) дәреже. Бул дәрежеге тийисли технологиялар тәлим-тәрбия процесси курамындағы айрықша бөлеги болып, жеке шахс сыпатларын қәлиплестиріудеги оның арнаулы оқыу көнликпелери хэм уқыпларын раўажландыруға хызмет етеди [2, 5].

Солай етип, жоқарыда айтылғанлардан келип шығып жуўмақ жасасақ болады: хәр бир оқытушы педагогика илиминиң соңғы жетискенликлеринен хабардар болыуы, педагогикалық шеберликке ийе болыуы, талабалардың билим, көнликпе хэм уқыпларын асыруда хызмет ететуғын педагогикалық технологияларды жақсы ийелеуи хэм де оларды әмелде қоллана билиуи керек. Бул болса хәр бир педагогтың сабақларының қызықлы хэм нәтийжели болыуын, өз алдына қойған максетлерине ерисиуин тәмийинлейди.

Инсанның дүньяға келиуи, тек ғана туўылыудан ибарат болған тәбийий-биологиялық хәдийсе емес әлбетте, бәлки туўылғанынан кейин өз заманының раўажланыу дәрежесине көтерилиуи, бар жәмийетлик-тарийхый тәжрийбени ийелеуи, жәмийетте өз орнын белгилеп алыуы, тарийхый процесстиң актив қанасыушысына айланыуы, яғный тәрбия алыуы керек. Сонда ғана биз хәр тәрәплеме жетик, бәркамал шахсты, бәсекеге шыдамлы кадрларды таярлай аламыз, хэм биз баска раўажланған демократиялық мәмлекетлердеги педагог кадрлар менен биймәлел бәсекелесеуимиз мүмкин. Бүгинги күнде мәмлекетимиздиң өз алдына қойған тийкаргы ұазыйпаларының бири хэм усы мәселе.

Әдебиятлар

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. -М.: 1989.
2. Давронов П.З. Янги педагогик технологиялар. Услубий қўлланма, -Самарканд: 2008
3. Мухина С.А., Соловьева А.А. Современные инновационные технологии обучения. -М.: ГЭОТАР. Медиа, 2008.
4. Селевко Г.К. Педагогические технологии на основе активизации, интенсификации и эффективного управления УВП. - М.: 2005.
5. Хўжаев Н.Х., Ходиев Б.Ю., Баубекова Г.Д., Тилабова Н.Т. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма -Т.: «Фан», 2003

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик технологияларни тўғри тушуниш ва уларни қўллаш ҳақида таҳлилий маълумот келтирилган. Шунингдек, педагогик технологияларнинг турлари ҳамда уларни қўллаш даражалари тўғрисида тушунчалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается аналитический обзор о правильном понимании и применении педагогических технологий в образовательном процессе. Также даются объяснения понятиям о видах педагогических технологий и уровнях их применения.

SUMMARY

The article is devoted to the analytical review about correct understanding and use of pedagogical technologies in the educational process. The author gives information about the types of pedagogical technologies and levels of their usage.

БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАЯНЧ ВА БИОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ

Г.У.Утенова - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: интеллектуал, компетенция, фан, тажриба, технология, методик, экспериментатор, коммуникатив.

Ключевые слова: интеллектуал, компетенция, наука, эксперт, технология, методика, экспериментатор, коммуникатив.

Key words: intellectual, competence, science, expert, technology, methods, experimentalist, communicative.

Бугунги кунда бўлажак педогог кадрларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш, касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, илмий дунёқарашни, юксак ахлоқий-сиёсий, жанговар ва рухий сифатларни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этишдан иборат бўлган, касбий компетентлигини шакллантириш даражасини аниқловчи мезонларни асослаш каби муаммолар мавжуд.

«Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш» бош ғоя экан, шу ғоянинг етакчи тарғиботчиси, шу ғоянинг педагогик тарбиячиси ўқитувчи ҳисобланади. Ҳуқуқий демократик жамият қуришда таълим-тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундай экан, бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини тарбиялаш замида ёш авлод тарбияси, комил инсон тақдири турибди [1].

Техника ва технологиянинг кун сайин ўзгариб бориши ахборотларнинг шиддат билан янгилашиши ва тарқалиши замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш ва янги билимларга интилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мустақил фикрловчи эркин шахс концепциясини амалга ошириш бош вазифа бўлиб, бунда талабаларнинг касбий компетентлигининг шакллантириш муҳим омили ҳисобланади. Бу эса мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўқувчиларда бу хусусиятларни тарбиялашда фанга оид билим, кўникма ва малакаларнинг дарс жараёнида сингдириш билан биргаликда уларда компетенцияларни ҳам шакллантирилиши лозим [2].

Компетенция – мазкур фан бўйича ўқувчи эгаллаган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида дуч келадиган вазиятларда амалий ва назарий фойдаланиб, амалиётда қўллай олишидир.

Компетентлилик- латинча: компетенс- “лаёқатли, қобилияти бор” деган маънони билдириб, шахснинг билим, кўникма ва тажрибаларини унинг ижтимоий-профессионал мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал қилишга етарлиги ҳамда ҳақиқий мослик даражаси ҳисобланади. Компетентлилик таркибига соф касбий билим, кўникма ва малакалардан ташқари, ташаббускорлик, ҳамкорлик, гуруҳда ишлаш лаёқати, коммуникатив қобилиятини реал баҳолай олиш, мантикий фикрлаш, ахборотни саралаш ва фойдалана олиш хусусиятлари ҳам қиради.

Демак, ҳар бир ўқитувчи биология фанидан таълим бериш жараёнида ўқувчиларда компетентлилик ёндашувини шакллантириши лозим бўлади.

Таълимда компетенциявий ёндашув дейилганда, ўқувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги малакаларини самарали равишда қўллашга ўргатиш тушунилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2014 йил 15 августдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга

йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида” ги 41-ҚҚ, 249-ҚБ, УС-53/ҚБ –сонли қўшма буйруғи асосида тажриба-синов асосида йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг лойиҳалари Республика миқёсидаги 39 та умумий ўрта таълим муассасаларида ҳамда 28 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларида тажриба-синовдан ўтказилди [3].

Тажриба-тадқиқот ўтказиш учун қуйидаги меъёрий ва методик ҳужжатлар етказилди

➤ Ҳар бир фандан ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш юзасидан йўриқномалар;

➤ ўқувчиларда дастлабки компетенциялар мавжудлигини аниқловчи кириш тестлари;

➤ ҳар бир фандан синфлар кесимида мавзунинг ўрганиш жараёнида шакллантириладиган компетенциялар, педагогик технология усуллари кўрсатилган йиллик таквим-мавзу режалар;

➤ ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини аниқлайдиган назорат ишлари;

➤ ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган дарс ишланмалари;

➤ Ўқувчиларда компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган дарсларни методик-психологик, илмий-педагогик жиҳатдан кузатиш бўйича дарсни таҳлил қилиш шакли ва ўқувчиларда зўриқишни аниқлаш юзасидан методик тавсиялар.

Ҳар бир умумтаълим мактабида, касб-хунар коллежи ва академик лицейда битта ўқув фанидан тажриба-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ўқув йили давомида тажриба-тадқиқот майдонларидан, экспериментатор ўқитувчиларнинг ҳисоботлари олиниб, берилган тақлифларга асосан фанларга оид хусусий компетенцияларга тузатишлар киритилиб борилди.

Шу даврда инсон жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, мавжуд муаммоларнинг ечимини ҳал этиши учун қуйидаги таянч компетенцияларни ҳам шакллантириш кўзда тутилди.



Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фanning ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, фанларга оид хусусий компетенциялар тажриба-синов ҳулосаларига ва ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларини инобатга олиб, қайта ишланди.

Биология ўқув фани бўйича хусусий компетенциялар:

1. Биологик жараён, ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш.

Табиат ва унга хос бўлган биологик жараёнлар-ўсимликларнинг ўсишини кузатиш, уларни парвариш қилиш, ўғитлаш, тирик организмларнинг тузилиши, фаолияти ва ташқи муҳитдаги ролини тушуниш, биологик жараёнлар тўғрисида аниқ тасаввур қилиш ва англаш лаёқатини ҳосил қилиш. Биологик жараён, ҳодисаларни кузатиш ва тушунтириш.

2. Экологик маданият. Табиат қонунларини яхши билиш, амалда татбиқ этиш, ёшларни экологик маданият руҳида тарбиялаш, саломатлик, сув, биологик хилма-хиллик, атроф-муҳит тозаллигини, саломатликни мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини, табиий ва антропоген офатлар, чиқинди муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этишда ўз хиссасини қўшишга ўргатиш асосида экологик маданиятни шакллантириш. Табиатни кадрлаш ва унга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, ўз соғлиги ва бошқа инсонларнинг соғлигини кадрлаш, табиатда ўзини тутиш, ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилишга ўргатиш.

3. Тажрибаларни ўтказиш учун зарур жиҳозлар билан ишлаш олиш. Биологиянинг асосий тушунча ва қонуниятларини тушунтиришда ҳавфсизлик қоидалари, кимёвий моддалар, жиҳозлардан фойдаланиш ҳамда улар ёрдамида мавзуларга оид бўлган оддий тажрибалар ўтказиш лаёқатини ҳосил қилиш.

4. Биологиядан олган билимларини амалиётда қўллаш.

Ўрганилган билим ва кўникмаларни кундалик амалий ҳаётда қўллаш олиш. Назарий билимларни мустаҳкамлаш учун ўсимликларни парваришлаш, ўғитлаш, шакл бериш, ўсимликларни муҳофаза қилиш, тест топшириқларини бажариш, соғлом турмуш тарзига оид машғулотларни билиш, кундалик истеъмол маҳсулотларнинг фойдали ва зарарли томонларини фарқлаш.

Шундай қилиб биология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда қуйидаги компетенциялар шакллантирилади:

1. Коммуникатив компетенцияни шакллантиришда - биологияга оид атама ва тушунчаларнинг мазмуни билан таништириб бориш. Масалан, ўсимликларни фарқлаш.

2. Ахборот билан ишлаш компетенцияси – дарсларда ахборотларни мустақил равишда излаш, улардан фойдаланиш бўйича компетенцияларни шакллантиришда дарсликдан, турли газета, журнал, қўшимча адабиётлар, луғатлар, интернет ресурсларидан фойдаланишни ўргатиш лозим.

3. Билимларни ўзлаштириш компетенцияси - бутун оламни замонавий табиий – илмий кўринишнинг шакллантиришда биологик фанларнинг ўрни; тирик оламни билиб олиш усулларини; тирик табиат ва унга хос бўлган қонуниятларни; тирик организмларнинг тузилиши, фаолияти ва ташқи муҳитни ҳосил қилувчи

ролини; инсон биосоциал зот эканлиги ҳақидаги билимларни ўзлаштириш.

4. Биологик билимларни қўллаш кўникмаларини эгаллаш компетенцияси - тирик табиатдаги жараёнлар ва ҳодисаларни, ўз организмнинг фаолиятини тушунишда биология ва экология соҳасидаги замонавий ютуқлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдалана олиш; соғлиқ ва қалтислик омиллари, биологик асбоб ва маълумотлар билан ишлаш; ўз организмнинг ҳолати ва бошқа биологик объектлар устида кузатишлар олиб бориш; биологик тажрибалар ўтказиш.

5. Билимга оид интеллектуал ва ижодий қизиқишларини ривожлантириш компетенцияси - тирик организмлар устида кузатишлар, биологик тажрибалар ўтказиш; турли маълумот манбаалари устида ишлаш.

6. Тирик табиатни кадрлаш ва унга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш компетенцияси - тирик табиатни кадрлаш ва ижобий муносабатда бўлиш, ўз соғлиги ва бошқа инсонларнинг соғлигини кадрлаш, табиатда ўзини тутиш, экологик маданиятни тарбиялаш.

7. Қобилиятдан ва олган билим ҳамда кўникмалардан кундалик ҳаётда фойдаланиш компетенцияси - ўсимлик ва уй ҳайвонларини парвариш қилишда, ўз соғлигини сақлашда ўзига ва ўзгаларга биринчи ёрдам кўрсатиш; ўзининг фаолияти оқибатларини атроф - муҳит, ўз организми, ўзгаларнинг соғлигига таъсирини баҳолаш; табиатда ўзини тутиш қоидаларига амал қилиш; соғлом турмуш тарзи нормалари; касаллик жароҳатлар ва стрессларни, зарарли одатлар, ОИВ/ОИТС–инфексиянинг олдини олиш.

Мазкур компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириш учун дарс жараёнида илғор педагогик технологияларидан, воситалардан унумли фойдаланган ҳолда муаммолар, мунозаралар вазиятлар ташкил этиш технологиялари турларида фойдаланиш тавсия этилади. Биология назарий ҳамда экспериментал фан бўлганлиги сабабли билимларни назарий олгандан кейинги жараён ва ҳодисаларни кузатиш ва тушуниш; ўлчаш ва аниқлаш сўнгра кузатган жараён ва ҳодисаларни тушунтириши ҳамда ўзи мустақил равишда тажрибаларни ўтказиши ва ҳулосалар чиқариши керак. Ўқувчилар тажрибаларни ўтказиш даврида лаборатория машғулотларига тегишли бўлган баъзи бир лаборатория асбоб - анжомларини таниши, билиши ва ундан фойдалана олиши лозим бўлади. Ушбу жараёнда ўқувчиларда биологик билимларни қўллаш кўникмалари ҳосил бўлади. Энг муҳими, мазкур ўрганилган билим ва кўникмаларни ҳаётий эҳтиёжларида фойдалана билишларига муҳим аҳамият қаратилади. Бу бирмунча мураккаб бўлиб, экспериментатор ўқитувчидан муттасил шуғулланишни талаб этади [3].

Адабиётлар

1. Каримов И. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқорарлик тўғрисида. – Т.: «Ўзбекистон» 2005 й.

2. Муслимов Н.А., Каримова Н. Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. –Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012.

3. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. 2014.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бугунги кунда бўлажак педогог кадрларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масалалари қараб чиқилган. Ўқувчиларда бу хусусиятларни тарбиялашда фанга оид билим, кўникма ва малакаларнинг дарс жараёнида сингдирилиши билан бирга уларда компетенцияларни ҳам шакллантириш лозимлиги таъкидланади, бу йўналишда ҳар бир умумтаълим мактабида, касб-хунар коллежи ва академик лицейида ўқув фанидан тажриба-тадқиқот ишлари олиб борилди.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о новых формах формирования компетенции по специальности в подготовке будущих педагогических кадров. Автор статьи отмечает, что вместе с воспитанием и внедрением ученикам навыков связанных с предметами, необходимо формировать компетенцию у детей во время занятий. С этой целью были проведены экспериментальные исследования по учебным предметам в общеобразовательных школах, колледжах и академических лицеях.

The article presents the new forms of the development of competence in the specialty in training future pedagogical staff. The author of the article emphasizes that together with upbringing and development of skills in subjects, it's necessary to form the competence in children during the lessons. With the purpose of performing it there were held experimental research works in academic subjects at the general educational schools, colleges and academic lyceums.

АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

Д.А.Зарипова – катта ўқитувчи

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Таянч сўзлар: инновация, инновацион фаолият, инновацион жараён, ахборотлаштириш, таълимнинг анъанавий тизими, таълимнинг инновацион тизими.

Ключевые слова: инновация, инновационная деятельность, инновационный процесс, информатизация, не-традиционная система обучения, инновационная система обучения.

Key words: innovation, innovative activity, innovative process, informatization, nontraditional learning system, innovative learning system.

Бугунги кунда ривожланиш сезиларли даражада кузатилмоқда. Замонавий инсон ўз ҳаётини илмий-техник тараққиётнинг натижаларисиз, хусусан жамият учун оддий ҳол бўлиб қолган инновациясиз тасаввур қила олмайди. Кўпгина олимлар, инновация иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий ҳаракатланувчи кучи бўлади деб ҳисоблашади. «Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг миқёсдаги илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, фан ва техника ютуқларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас» [1].

Инновацион фаолият жаҳон ҳамжамиятини инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига, шу жумладан таълимга сезиларли даражада таъсир этган ҳолда, ривожланишнинг янги ҳамда юқори босқичларга олиб келди. «Инновация» атамаси «inovatio» латинчадан олинган бўлиб, янгилик киритиш маъносини билдиради. Фалсафа атамаларининг луғатида ушбу атамга қуйидагича таъриф берилган: «Инновация – бу маданиятнинг ҳодисаси ҳисобланади, ҳодисалар ривожланишнинг дастлабки босқичлари амалга ошмас эди, лекин дастлабки босқичда юзага келган ва унда тан олинади («жамият мулкига айланади»); белгили шаклда ва (ёки) фаолиятда усуллар, механизмлар, натижалар, фаолиятнинг мазмунини ўзгартириш воситалари билан мустаҳкамланади» [3].

XX асрнинг ўрталарида замонавий жамият ахборот жамияти сифатида тавсифланади. Бу инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборот жараёнларнинг ўрни ўсишини билдиради, ахборотни ишлаб чиқиш, ишлов бериш, саклаш ва ундан фойдаланиш учун ахборотга ва ахборот воситаларига бўлган эҳтиёж ошиб боради.

Таълим инноватикадаги асосий түшүнча бўлиб фаолиятнинг ушбу соҳасида амалга ошириладиган инновацион жараён ҳисобланади. Инновацион жараён – бу шароитлар учун долзарб ва мослашган ҳамда мўайян мезоналаг мос келадиган замонавий (ёки замон талабига мос келадиган) ғоялар (назариялар, методикалар, технологиялар ва шў қабила)ни яратиш, ўзлаштириш, фойдаланиш, тарқатиш бўйича мотивацияланган, мақсадга йўналтирилган ва англаган жараён ҳисобланади. Таълимнинг замонавий тизимида педагоглар томонидан ўз касбий вазифаларини бажариш, агар ўз касбий фаолиятида фақат аввал ўзлаштирилган методлардан фойдланилган ва ўз касбий даражасини оширмаган ҳолатда етарлича самарали эмас деб тан олинади. Иноят У., Бегимкулов У., Закирова Ф., Скиннер Б., Ершов А. ва бошқа олимларнинг бир қатор тадқиқот ишлари педагог фаолияти ва

таълим оловчилар учун имкониятларни очган ҳолда таълим тизими ва парадигмасини ўзгартириш учу насос бўлган таълимни ахборотлаштиришга бағишланган

Педагогнинг инновацион фаолиятини белгилайдиган таълим шакллари ва методларининг турларини ўрганган ҳолда 5350400 – АКТ соҳасида касб таълими йўналишининг талабалари учун «Таълимда ахборот технологиялари» фани доирасида инновацион дидактик модель ишлаб чиқилган. Ушбу моделни ўқув жараёнига қўллаш усули билан экспериментал гуруҳда баҳоланди. Натижада қуйидаги натижаларга эришилди. Натижалар диаграмма кўринишда келтирилган (1-диаграмма).

1 Диаграмма



даволат машғулотга қизиқиш машғулотга қатнашиш ўзлаштириш (71%дан ортиқ) назорат гуруҳи экспериментал гуруҳ

Диаграммдан кўриниб турибдики, назорат ва экспериментал гуруҳларда таълим оловчиларнинг сони бир хил -13 нафар. Ўқув жараёнида инновацион дидактик моделини қўллаш таълим оловчиларнинг машғулотларга қизиқиши, машғулотга қатнашиши каби кўрсаткичларга таъсир этди, шунингдек ўзлаштириш ижобий томонга ўзгарди.

Адабиётларнинг назарий таҳлили ва ишлаб чиқилган инновацион дидактик моделларнинг амалий қўлланилиши таълимнинг анъанавий ва инновацион тизимидаги фарқларни аниқлаштирган ҳолда, таққослашни амалга ошириш имконини берди (1-жадвал).

1-жадвал. Таълимни ахборотлаштириш шароитида анъанавий ва инновацион ўқитишни қиёсий тавсифи

Анъанавий таълим тизими	Таълимни ахборотлаштириш шароитида ўқитиш
Педагог фаолияти	Педагог фаолияти
	Инновацион фаолият мазмуни
Етакчи манба билимларни беради	Маслаҳатчи (бошқарувчи, режиссёр, техника билан бошқарувчи)
	Педагогик вазифаси
Ўқитиш	Урганиш, бошқариш, ташкиллаштириш, мустақил ишлаш фаолиятини кенгайтиради
	Ўқитиш мақсади
Билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш	Компетенция, компетентлик ва креативлиликни ривожланиши.
	Ўқитиш шакли
Фронтал	✓ Интерфаол, гуруҳларга бўлиб ишлаш, ✓ Шартли пассив боғланиш шакли ✓ Актив боғланиш ✓ Фаолиятли шакл ✓ Тадқиқотли шакл
	Ўқитиш методи
Маъруза, ҳикоя, тушунтириш, йўл-йўрик бериш, кўрсатиш, видеоусул Оғзаки, савол-жавоб, матнли, кўргазмалар	Интерфаол, видеомъруза, мультимедияли лойиҳа, MOODLE тизимида ишлаш, интернет тармоғи, эл.почта, лойиҳалар ишлаб чиқиш, замонавий электрон АКТ восиларидан фойдаланиб, турли ахборот тизимлари ва интеллектуал ўқитиш методлари (ПДВ) ва воситалари
	Ўқув воситалари
Дарслик, ўқув қўлланма, таркатма материал, асбоб –ускуналар, кодоскоп, макет, схема	Компьютер, мультимедия проектор, электрон доска, планшет, электрон дарслик, интернет, булутли технологиялар, moodle SMART хона, виртуал лаборатория, электрон кутубхона, аудиовизуал
	Мустақил таълим
Кам даражада	Электрон шаклда баҳоланиш жорий этилганлиги, кафолатланган натижага эришиш, режалаштириш ва лойиҳалаштиришни ташкиллаштириш, ҳамкорликда ишлашнинг баҳоланиши
	Баҳолаш
Езма, оғзаки, тест	Электрон тест (ностандарт тестлар), электрон портфолио, ассисмент, ўқув маҳсулотининг оптимал технологик сифати, фактографик хатолар, ахлоқсиз, нозтик компонентлар йўқлиги, ўзлаштирилган билимлар назорати (ўз-ўзини баҳолаш)
	Кутилаётган натижалар
Аниқ натижа мавжуд эмас	✓ Ўқув фаолиятни педагогик психологик ва дидактик принциплар асосида куришга имкон беради; ✓ Ўқув фаолиятини бошқариш турли усуллари амалга ошириш имконияти; ✓ Ўқув материаллари мазмунида ўзлаштирилган билим, кўникма ва мадакаларни эътиборга олиш; ✓ Ўқитишни индивидуаллаштиришга имкон бериш; ✓ Маълумотни тақдим этишнинг барча усуллари ўринли ишлатиши (матн, графика, тасвир, товуш, ранг) маълумот тақдим этиш тезлигини мажбурламаслик ✓ Фақат компьютерни бошқарувчи мулоқатни эмас, балки таълим олувчиларни ҳамбошқарувчи мулоқатни олиб бориш. Бунда таълим олувчилар ҳам саволлар бериши керак. ✓ Дастурга исталган вақтда кириш ёки ундан чиқиш имконияти. Аввал ўзлаштирилган ўқув материаллига қайтиш имконияти; ✓ Ўқув фаолиятига ўзгартишлар киритиш имконияти.

Жадвалдан келиб чиқиб, ахборотлаштириш шароитларда инновацион фаолият педагог ва таълим олувчиларнинг таққослаш бўйича сифатли ўзгаришларнинг шарти бўлиб ҳисобланади, хусусан:

Педагогга:

1) Ўз имкониятларини намоён қилиш, ўзининг ижодий потенциалини ривожлантириш ва касбий салоҳиятини ошириш.

2) Машғулотларни инновацияларни ҳисобга олган ҳолда машғулотларни ўтказиш сценарияларини ўзгартириш ва бойитиш.

3) Таълим олувчиларнинг ўқув мотивациясини ва ўқитилаётган фанларга қизиқишни ошириш.

4) Электрон таълим ресурсларини яратиш таълим олувчилар томонидан билимлар яхши ўзлаштирилиши ва ўқув жараёнини ижодийлаштиришга, ва имкон қадар уни машаққатли ва зерикарли фазаларини қисқартириш имконияти

юзага келади.

Таълим олувчилар:

1) Таълим тизимининг объект позициясидан субъект позициясига ўтади.

2) Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг хусусияти ва натижаси ўзгаради, чунки унда нафақат билим ва малакалар ривожланади, балки кўникмалар ва компетенциялар шаклланади.

3) Таълим олувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари ривожланади: амалларни мотивациялаш малакасини ривожлантириш, ўзлаштирилган ахборотни мустақил қўллай олиш, ижодий шаблонсиз тафаккурни шакллантириш, уларни табиий имкониятларни максимал тарзда очиб бериш ҳисоби-га ривожланиш.

4) Иқтидорли ва ўзлаштириши паст бўлган таълим олувчилар умумий ривожланишида имкон қадар энг юқори натижаларга эришишларида

кўмаклашди.

Шундай қилиб, ахборотлаштириш шароитида педагогнинг инновацион фаолиятига асосланган инновацион жараён таълим жараёни ва жамият фаолиятининг бошқа соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган. Янги инновацион технологияларни

ўзлаштирган ва уларни кундалик педагогик фаолиятига фаол жорий этган педагогларга таълим муассасаларида ҳар доим эҳтиёж катта бўлганлигини ва таълим олувчиларни ўқитишда олий таълим тизимида катта аҳамиятга эга бўлишини алоҳида белгилаб ўтиш керак.

Адабиётлар

1. Мирзиев Ш.М. 2016 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлиги ташкилотининг ташки ишлар Вазирлар маҳкамасининг 43-сессияси очилиш маросимидаги нутқи.

2. Azizxojayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogic mahorat. O'quv qo'llanma. -T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamgarmasi nashriyoti. 2006, 160 - б.

3. Словарь философских терминов. 2-е изд., доп. и испр. – Кемерово: 2011, -С. 255.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола ахборотлаштириш шароитларида олий таълим муассасалари педагогининг инновацион фаолияти бўйичаги масалага бағишланган. Мақола муаллифи икки тизимнинг мазмуни, методлар, шакллар, ўқитиш воситаларини таққослаган ҳолда, ўқитишнинг анъанавий ва инновацион тизимларини жадвал кўринишида қиёсий таҳлилининг натижаларини келтирган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросу инновационной деятельности педагога высшего учебного заведения в условиях информатизации. Автор статьи приводит в виде таблицы сравнительный анализ двух систем обучения: традиционной и инновационной, сопоставляя методы, формы, содержание и средства обучения.

SUMMARY

The article is devoted to the issues of the innovative activity of a teacher of a higher educational institution in the conditions of informatization. The author of the article gives a comparative analysis of the two learning systems in the form of a table: traditional and innovative, comparing methods, forms, content, and teaching aids.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МОТИВЛАШТИРИШ

Ш.С.Шодмонова - профессор

Тошкент давлат педагогика университети

Х.Х.Ҳамзаев - катта илмий ходим-изланувчи

ЎзПФТИ

Таянч сўзлар: таълим-тарбия, ижтимоий фаоллик, таълим жараёни, креатив, фаолият.

Ключевые слова: образование-воспитание, общественная активность, образовательный процесс, креатив, деятельность.

Key words: education-upbringing, social activeness, educational process, creative, activity.

Мамлакатимизда мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларидан бошлаб таълим тизими бўйича аниқ мақсадга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мазкур жараён иштирокчиларининг моддий ва маънавий турмуш шароитини яхшилаш, таълимга турли янги инновацион технологияларни олиб кириш ва бўлгуси ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Зеро,- деб уқтирган эди, Ўзбекистон республикаси Биринчи президенти И.А.Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билан эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз” [1].

Бўлажак бошланғич ўқитувчилари ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштиришда педагогик таълимни ижтимоийлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб таълим жараёнида амалга оширилади. Педагогик таълим жараёни эса бўлажак ўқитувчининг маънавий, ахлоқий, ижодий ва жисмоний потенциалини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришда ижтимоийлик касб этади. Яни таълимни ижтимоийлаштириш бўлажак ўқитувчини ўз-ўзини англашга, ўз-ўзини назорат қилишга ва ўзини –ўзи шахс сифатида шаклланишига имкон беради.

Юқоридаги фикрларга таяниб айтиш жоизки яратилаётган бундай имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, илғор таълим-тарбия методларини ва воситаларини танлаш ҳамда инновацияларни таълим жараёнида тўла татбиқ этиш замон талабларига мос ижтимоий фаол, юксак

малакага эга мутахассислар тайёрлаш имконини беради.

Бундай вазибалар ўз-ўзидан амалга ошмайди бу ўринда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва имкониятларини ўрганиш, ўқув фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш орқали уларда ижтимоий фаолликни ошириш муҳим саналиб бунда мотивлаштириш ўзига хос аҳамиятга эга. Демак мазкур жараённи мотивлаштириш бшлажак ўқитувчиларни ижтимоий фаоллиги ва унинг даражаси билан белгиланади. Ижтимоий фаоллик ҳар бир шахснинг интилиши, ҳаётдаги мақсад-муддаолари, шахсий фаолияти, келажақда қўлга киритиши лозим бўлган етукли даражасига эришиш йўлида ўз имкониятларидан максимал фойдаланишда муҳим бўлган саъй ҳаракатлари билан белгиланади. Мазкур жараён шахснинг ташаббускорлик, ташкилотчилик, тadbиркорлик, фидойилик, ишбилармонлик инсонпарварлик, халқпарварлик каби фазилатларини ҳам ривожлантиришда ва мотив бўла олади.

Шундай экан, мотив ўзи нима? Мотив деганда нимани тушуниш мумкин.

Ижтимоий фаолликни шакллантиришда қайси мотивлар муҳим аҳамият касб этади? Ўқувчиларда мотивлар олдиндан шаклланган бўлиши мумкинми? Мотивларнинг қандай турлари мавжуд.

Е.П.Ильиннинг фикрига кўра, мотив – одамни муайян ҳатти-ҳаракатларга ундайдиган бош сабаб. Одамни фаолиятига ундовчи асосий сабаб унинг эҳтиёжларидир. Бинобарин, эҳтиёжларнинг турига қараб мотивлар ҳам ҳар хил бўлади. Психологияда мотивлар иккита катта категорияга бўлинади: табиий мотивлар ҳамда маънавий мотивлар. Мотивлар, уларнинг мазмунини акс эттириш шаклига қараб ҳам бир-биридан фарқ қилади: хиссиёт, тасаввур, фикр, тушунча, ғоя, маънавий идеал ва бошқа мотивлар. Баъзи ҳолларда мотив алоҳида ҳаракатларга ундаб, бу ҳаракатнинг мақсади билан бевосита мос келади.

Кўпинча, мураккаб фаолиятда мотив ҳаракат мақсадига бевосита мос келмай, бир мақсадни амалга ошириш учун бир қанча ҳаракатларни бажаришга тўғри келади. Шунинг учун фаолият предмети мотив ҳаракатининг ўзидир. Ҳақиқатда, мотивлар фаоллашган, мақсадга қаратилган, фақат ҳаёлда амалга ошувчи ёки идрок қилинган бўлиши мумкин. Асосан, буларнинг заминиди у ёки бу эҳтиёжлар туради [4:512].

А.Бурхоновнинг фикрича, эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи ва унинг йўналишини белгиловчи сабаблар мотивлар деб аталади. Мотивлар ва мотивлаштириш психологияда субъектнинг ҳулқ-атвори ва фаолияти йўналишини белгилаб берадиган сабаблар сифатида қаралади [3:12].

Мотив тушунчаси адабиётларда турлича талкин қилинади. А.Маслоу мотивни эҳтиёж, қизиқиш билан боғласа, А.Н.Леонтьев мотивни эҳтиёжларни қаноатлантиришга хизмат қилади ва инсон фаолиятини йўналтирадиган ва уни қўзғатадиган объективлик деб қарайди. Л.И.Божович эса мотивни нафақат ташки объектив омиллар, балки тасаввурлар, ғоялар, ҳис-туйғулар яъни а ички субъектив омилларда кўрин ади.

Шунингдек бир грух олимлар Дж.Гилфорд, Б.Р.Хилгард, К.Обуховский, А.Левицкий, П.И.Ивановлар мотивни фаолликни бошловчи ва уни қўллаб-қувватлаб турувчи омил, шахсни муайян бир хатти-ҳаракатга ундовчи, заруратни ҳис қилиниши, у ичимизда мақсадни қўйишга қўзғатади ва хатти-ҳаракатни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни қабул қилишга олиб келади деб таъкидлайди [5:96-97].

Демак, олимларнинг юқорида мотив ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларига тўхталадиган бўлсак улар шахсни хатти-ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга туртки бўлиб хизмат қилувчи, уларнинг мақсади, фаоллиги, интилиши, қизиқиши, орзу-истаги, нияти, манфаати, эҳтиёжи ва этиқодларини мотив деб қарайди.

Айрим олимлар эса мотивни жараён сифатида ҳам қараб, шахсларни хатти-ҳаракатга келтирувчи, яъни уларга таъсир кўрсатувчи, уларни йўналтирувчи, қизиқтирувчи омиллар деб ҳисоблайди.

В.А.Якунин ва Н.И.Мешковларнинг тадқиқот ишларида эса кучли ва кучсиз талабалар бир-биридан ақлий даражаларига кўра эмас, балки уларнинг ўқув фаолиятига мотивлаштирилишига кўра фарқланиши келтирилади. Кучли талабалар учун ички мотивлар аҳамиятли бўлиб, уларда ўз касбини юксак даражада эгаллаш эҳтиёжлари борлиги, мустаҳкам касбий билим ва амалий кўникмалар олишга интилишлари мавжудлиги ўзига хос аҳамият касб этади. Кучсиз талабаларнинг мотивлари вазиятга боғлиқ ташки мотивлар бўлиб, улар ёмон ўқиғанилиги учун жазодан қўрқиш, стипендиядан маҳрум бўлиш омиллари ва бошқа омиллар бўлиши мумкин [4].

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаолликни шакллантиришга тайёрлашда мотивлар ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий фаолликни шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни касбга тайёргарлигини ошириш,шунингдек, ўқув жараёни ва мустақил таълим ва синфдан ташқари таълим жараёнларининг самарадорлигига мативлар бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур жараёнлар ўқув фаолиятининг мувоффақиятли якунланишини ифодалайди.


Бунда мотивларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш, қандай мотивлар бўлажак ўқитувчиларни илм олишга йўналтириши ва қайсилари уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга, мустақил

ўрганишга, мустақил маълумот олишга ва ўзини-ўзи тарбиялаш ҳамда ўз устида мунтазаам ишлашга имкониятини яратишини билиш, уларнинг ижтимоий фаолликка оид тушунчаларини, тасаввур ва дунёқарашини олдиндан аниқлаш ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришда мативацион ёндашув ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Назарий аҳамияти шунда кўринадики ўқувчини ўқишга жалб қилишнинг, самарали таълим беришнинг психологик механизмларини, ўзига хосликларини замонавий талаблар даражасида ва янгича ёндашувлар воситасида ўрганиш бўлса, амалий аҳамияти – назарий билимларга асосланган ҳолда ўқувчиларда ижобий мотивларни шакллантириш ва ритвожлантириш назарда тутилади. Демак мативацион ёндашув ўқувчиларни ижтимоий фаоллигини ўштиришда ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёргарлик жараёнида уларда атроф оламнинг турли томонларига муносабатининг ўзгариши ва такомиллашиши содир бўлади (юз беради), меҳнатга ижтимоий фаолиятга тайёрлик мотивлари айнан шу даврда шаклланади. Бўлажак ўқитувчилар амалиётда машғулотларда олинган назарий билимларнинг ҳақиқийлигига, тўғрилигига ишонч ҳосил қилади, меҳнатнинг ўзи эса уларни янги билимлар билан бойитади, касбий кўникмаларни шакллантиради. Фаолиятнинг танланган соҳасида бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб, улар замонавий ходимдан нафақат юқори (юксак) маҳорат, балки билимларни ишлаб чиқаришнинг тез (жадал) ўзгарувчи шароитларида қўллаш маҳорати, янги технология, янги иш турларини тез ўзлаштириш, яъни уларда ижтимоий бурч кўникма ва малакалари талаб қилинишини тушунадилар.

Ўқувчида ижтимоий бурчни ҳис этиш кўникмасининг шаклланиши келгусида ижтимоий бурчни ситкидилдан адо этишга ундайди. Демак, ижтимоий бурчни ҳис этиш бошқа ва уни ижро этиш, амалда кўрсатиш бошқа эканлиги изланишлар жараёнида маълум бўлди. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий бурч ва ижтимоий масъулият масаласи шахснинг ижтимоий ҳулқ-атвор мотивлари тарбияси кўринишида қаралади [282].

Демак, бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштиришда учун мотивларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларда мавжуд бўлган эҳтиёжларни, тушунчалари ва тасаввур, дунёқараши ва қизиқишларини, шахсга йўналтирилган таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини, хатти-ҳаракатлари, интилишлари креатив ва тизимли ёндашувларнинг ҳамда инновацион фаолиятнинг заруриятини мотивлаштириш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омиллар сифатида инобатга олиниши зарур саналади (1.1.-расм).



2.3-расм. Мотивлаштириш мувоффақиятига таъсир этувчи омиллар

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштиришда мотивлаштириш жараёни мувоффақиятига таъсир этувчи омилларни мувоффақиятини белгилловчи куйидаги кўрсаткичлар алоҳида аҳамиятга эга.

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмасини шакллантиришнинг асосий тушунчалари, уларнинг кизикиши, эҳтиёжи, дуёкараши, тафаккури, тасаввури ва имкониятларидан фойдаланишнинг заруриятини белгилловчи хусусиятлар;

- ижтимоий фаоллик кўникмасини шакллантириш тизимини такомиллаштиришда кўзланган мақсадларни мувоффақиятли ҳал этиш натижаларига мос келувчи мотивлар, омиллар ва воситаларнинг

ўзига хос хусусиятлари;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмасини шакллантиришнинг зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратувчи креатив жараённинг ўзига хос хусусиятлари;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмасини шакллантириш жараёнларини ташкил этишда ижодий ёндашув, тизимли ёндашув, инновацион ёндашув, шахсга йўналтирилган фаолиятли ёндашув, акмеологик ёндашувлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмасини шакллантириш тизимини такомиллаштиришда ахборотларнинг ишончлилиги ва янгилигига асосланишнинг ўзига хослиги.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008.
2. Асмалов А.Г. Знаем ли мы себя? Неосознанные механизмы регуляции поведения личности. -М: «Знание», 1989. -С. 41.
3. Бурханов А., Турғунов С.Т. Психология: Маърузалар тўплами. -Тошкент: НамМПИ, 2000. 94-б.
4. Климов Е.А. Социальные и биологические в контексте проблемы формирования профессиональной пригодности. В кн.: Соотношение. Биологического и социального в человеке. Материалы к симпозиуму в г.Москве, сент. 1973. -М.: 1975, 210-220-б.
5. Хайдаров Ф.И. Ўқув фаолияти мотивацияси: Монография. – Тошкент: «Фан», 2005. 122-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются научно- педагогические основы формирования общественной активности у будущих учителей.

SUMMARY

In the article the author studies scientific pedagogical bases of formation of social activity in the future teachers.

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖОДИЙ ФАОЛЛИККА УНДАШ АСОСИ СИФАТИДА

Г.З.Юсупова – ўқитувчи

Ажинияз номидаги Нукус ДПИ ҳузуридаги ХТХҚТМОМ

Таянч сўзлар: ижодий фаоллик, ишчанлик, мулоқот, ўқув жараёни, таълим мазмуни, шахс, ижтимоий фаоллик, ўқувчи, таянч компетенциялар, фанга оид компетенциялар

Ключевые слова: творческая деятельность, работоспособность, общение, учебный процесс, содержание образования, личность, социальная деятельность, ученик, ключевые компетенции, предметные компетенции.

Key words: creative activity, work ability, communication, teaching process, education content, personality, social activity, pupil key competencies, subject competencies.

Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таълимнинг функционал парадигмасидан ўқувчиларни ривожлантиришнинг когнитив-интеллектуал парадигмасига ўтишга йўналтирилгандир. Бу инсонпарварликка асосланган шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишни тақозо қилмоқда. Ўқув-билув жараёни табиатини билиш асосида уни лойиҳалаш ўқувчи шахси мавқеини мустақамлаш имкониятини кенгайтиради. Ўқувчининг ўз шахсий вазифаларини бажаришга тайёрлиги шахс сифатида мавжудлигининг маданий-ахлоқий негизини белгилайди.

Маълумки, рефлексив фаолият фикрий-ижодий, танловга асосланган, масъулиятлилик, мустақилликларни шахсга йўналтирилган таълимнинг мақсади сифатида эътироф этади. Ўқув фаолиятининг асосий натижалари таълим мазмуни ва ўқув жараёнининг таркибий қисмларида ўз ифодасини топади. Бундай шароитда ўқувчиларнинг ўқув

предмети мазмунини ўзлаштиришга бўлган интилиши мазкур мазмун сифат жиҳатдан янги моҳият касб этганлиги учун ҳам ортиб бормоқда. Чунки реклексив фаолият ҳам таълим мазмуни, ҳам ўқувчи шахсининг тажрибасини бойитувчи восита сифатида намоён бўлмоқда. Шахснинг рефлексив фаолияти унинг ўзига хос имкониятлари сифатида талқин этилади. Ўқувчиларда ижодий фаоллиқнинг ривожланиши янги парадигма доирасида жадаллашади.

Аксарият педагоглар ва психологларнинг ишларида таълим пухта ўйланган, мустақил лойиҳалаштирилган, ўзининг ички, муайян даражада ёпик, педагогик фаолият табиатига мос тарзда ташкил этилган жараён сифатида талқин этилади. Жумладан, Р.Сафарова, М.Махмудов, О.Розиқов, Б.Адилов, Э.Ғозиев, М.Давлетшин, М.Махмуртов, Е.В.Бондаревская, М.В.Кларин, Г.А.Ковалев, И.А.Колесникова, Н.А.Митина кабиларнинг ишларига дидактик жараённинг ўзига хос хусусиятлари ўз ифодасини топган. Ўқувчи шахсига йўналтирилган

педагогик фаолият анъанавий фаолиятдан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Мазкур фаолият мустақил билим олишга йўналтирилганлиги, ўқувчининг мойиллигига асосланганлиги, муайян мақсадга қаратилганлиги, таълимнинг аниқ мазмун ва ўқув жараёнининг муайян дидактик тавсифга эгаллигида ўз ифодасини топади.

Ўқувчиларда рефлексив фаолиятни ривожлантиришдан кўзда тутилган асосий мақсад, уларда креатив фаолликни таркиб топтиришдан иборат. Бу эса ўқув фаолиятининг предмети, мақсад ва вазифалари ҳамда натижаларида акс этиши керак.

Шахс тушунчаси ижтимоий-маънавий, ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган одамни англатувчи тушунча. Бу тушунча барча ижтимоий-гуманитар фанларда ўз предмети нуктаи назаридан қўлланади, шу асосда хилма-хил талқин этилади. Шахс биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий, эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олинadиган ҳодиса [3].

Шахс ўзида инсонга хос бўлган барча ижтимоий сифатларни мужассамлаштиради. Бундай сифатлар оилавий ҳаёт тарзи ва таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Мазкур сифатлар шахснинг креатив ҳамда ижтимоий фаоллигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар бир шахс ўзининг ижодий, ижтимоий фаоллиги орқали ривожланади ва муваффақиятларга эришади, ўзлигини намоён қилади. креатив, яъни ижодий фаоллик ўқувчиларда бошланғич синфларда шакллантирилади. Бунда ўқувчиларнинг асосий лаёқати унинг намоён бўлиш шакли, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, нарсаларнинг табиатини билиш жараёнида ривожланади. С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, ўқувчиларнинг таҳлилий лаёқати педагогик ҳамда ҳаётий жараёнларда намоён бўлувчи ва унинг фикрлаш тарзини мунтазам ривожлантирувчи фаолиятдир. Бундай вазиятларда ўқувчиларнинг онги билиш жараёнларида уни муваффақиятга ундовчи, фаоллаштирувчи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Ушбу жараёнда ўқувчиларда мустақил фикрлаш, масъулиятлилик, ижодий фаоллик кўникмалари таркиб топади.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг инсонийликка асосланган назарияси ҳар бир ўқувчининг шахсий тажрибалари, лаёқати ўзига хослиги, бетакрорлигини кўрсатади. Шахснинг мустақил фикрлаш лаёқатларини ҳар томонлама тадқиқ қилган мутахассислар Э.Ғозиев, Давлетшин, З.Нишонов, А.Маслоу, К.Роджерс, В.Франкл, педагоглардан Р.Сафарова, Б.Адилов, У.Мусаев, Ж.Мусаев, Д.Муродовлар ўқувчиларнинг ижодий фаолликлари, мустақил фикрлаш фаолиятларини ўзаро узвийликда таҳлил қилганлар. Ўқувчи шахсининг ижодий фаоллиги унинг ҳаётий фаолиятини белгилаб беради.

Ўқувчи мунтазам ривожланувчи субъект сифатида таълим жараёнида асосий ўринни эгаллайди. Ўқувчиларнинг ривожланиш жараёнлари педагогикада бир қатор йўналишларда таҳлил қилинган. Ўқувчиларнинг ривожланиши мустақил ривожланиш, мустақил ҳаракат, атрофдагилар билан муносабат доирасида ижтимоий тажрибаларни

ўзлаштириш ва қайта шакллантириш жараёни сифатида баҳоланади.

Шунга кўра шахсга йўналтирилган ёндашув педагогикада сифат жиҳатдан янгича қараш бўлиб, унинг яхлитлик мезонига асосланган ҳолда педагогик фаолиятни ташкиллаштиришни тақозо қилади. Жумладан:

- Ўқувчининг билиш фаолиятини ривожлантиришга асосланган ўқитиш тизими ҳамда унга мувофиқ келадиган педагогик фаолият;

- Шахсга йўналтирилган таълим ва унга мос келадиган таълим мазмунини шахсий фикрга асосланган ҳолда ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият ҳамда ўқувчининг шахсий ривожланишини назарда тутиб ташкил этилган ўқув жараёни.

Ўқувчининг ривожланиши ўз ички оламини лойиҳалашни демакдир. Хулқ-атвор ҳамда руҳиятнинг янгича шаклланиши бугунги кунга қадар ижтимоий вазифа сифатида талқин этилмаяпти. У ўқувчининг шахсий фаоллиги предмети бўлмаган ва унинг онгида асосий мақсад сифатида шаклланмаган. Ўқувчиларнинг ривожланиши том маънода шахсий ривожланиш сифатида намоён бўла олмаёпти.

Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини шакллантириш муаммосининг назарий асослари Р.Ғ.Сафарова, Ў.Қ.Толипов, Б.Р.Адилов, Ш.С.Шарипов, В.В.Краевский; таълим жараёни яхлитлиги муаммоси Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ш.Ахлидинов, Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, В.С.Ильин, И.Я.Лернер, А.М.Саранов, Н.К.Сергеев, М.Н.Скаткин; таълимнинг шахсни ривожлантирувчи вазифалари Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ғ.Сафарова, М.Х.Махмудов, Е.В.Бондаревская, Н.В.Бочкина, З.И.Васильева, В.В.Горшкова; педагогик фаолиятнинг ўзига хос табиати М.Очилов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Х.Джурасев, В.А.Сластенин; шахс ҳодисаси, унинг ривожланиш мақсадлари ва манбалари Э.Ғозиев, В.Давлетшин, Б.Қодиров, К.Қодиров, Ю.М.Асадов, В.А.Петровский, В.И.Слободчиков; шахсга йўналтирилган таълим мазмуни ва технологияларининг ўзига хос хусусиятлари Р.Сафарова, Э.Сейтхалилов, Ф.Юзликеев, Э.Юзликеева, Б.Маъмуров, И.С.Якиманская, В.И.Данильчук, томонидан тадқиқ этилган.

Ўқувчиларнинг ривожланиши воқелик билан боғлиқ педагогик жараёндир. Бу воқелик ўқув вазияти сифатида намоён бўлиб, ўзида узвий жиҳатдан боғланган педагогик шарт-шароитларни мужассамлаштиради. Бу эса ўқувчиларни ривожлантирувчи механизм сифатида фаолият кўрсатади.

Ўқувчилар ўзларининг ҳиссий оламига асосланган ҳолда фаолият кўрсатади. Бундай фаолият усуллари сифатида ўқувчиларнинг сўзлар воситасида ҳисобот беришлари, мулоҳазалари, шахсий фикрлари ифодаси, ўз фикрларини бошқаларники билан киёслашлари, ҳаракатларини онгли тарзда бажаришлари, масъулиятли қарорлар қабул қилишлари, ўз нуктаи назарларини баён қилишлари каби намоён бўлади. Мазкур усуллар ўқувчиларда ижодий фаолликнинг шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ижодий фаоллик дастлаб ички диалог ёки таҳлилий фаолият сифатида намоён бўлади. Бундай фаолликнинг шаклланиши учун ўқув жараёнида янгидан-янги ахборотларни эгаллаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг янги, кенг қўламли ахборотлар билан мулоқотга киришишлари ўзлари учун шахсий аҳамиятга эга бўлган ишнинг муҳимлигини англаб етишлари, уларнинг шахсий тажрибани ўзлаштиришларида ахлоқий-эстетик йўналишнинг устуворлигини таъминлайди. Ўқувчиларнинг тахлилий фаолиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув-тарбия жараёни уларда тадқиқотчилик, мулоқотга киришиш, диалог ўрнатиш, дидактик ўйинлар жараёнида фаоллик кўрсатиш кўникмаларини шакллантиради ва барқарорлаштиради. Таълим жараёнида ўқувчиларда ижодий фаолликни шакллантириш вазифаси муайян ўқув вазиятларини ташкиллаштиришни тақозо қилади. Бундай вазиятларда ўқувчилардан нафақат билимларни пухта ўзлаштириш, балки таянч ҳамда фанга оид компетенцияларни эгаллаш ҳам талаб қилинади. Ўқувчиларнинг ўз фикрларини тахлил қилишлари муайян ҳаракатларни қандай мақсадда бажаришни англашларига қўмаклашади.

Анъанавий педагогик фаолият ёрдамида ўқувчиларга тақдим этиладиган таълим мазмуни бир ёклама характерга эга бўлиб, уни барча ўқувчилар бирдай ўзлаштиришлари талаб этилар эди. Ўқувчиларда ижодий фаолликни шакллантиришга йўналтирилган ўқув вазиятларининг вужудга келтирилиши анъанавий таълимдан фарқли тарзда ўзида шундай механизмларни мужассамлаштирадики, бунинг натижасида уларда ўз эҳтиёжлари ва нуктаи назарларини ўзгартириш иштиёқи вужудга келади. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари танлов, баҳолаш, қарорлар қабул қилиш, шахсий ҳиссиётларини тартибга солиш ҳисобига кенгаяди. Бу, ўз навбатида, таълим мазмунига ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини шакллантиришга хизмат қиладиган билимларни сингдиришни тақозо этади. Бундай вазиятда ўқитувчининг фаолияти нафақат билимлар, тажрибаларни ўзлаштириш жараёнини лойиҳалаштириш, балки, билишга оид амалий вазифаларни ечиш, ижодий тажрибаларни кенгайтириш, шахсий вазифаларни бажариш усуллари ҳам лойиҳалаштиришдан иборат бўлиши лозим.

Ўқувчиларни ривожлантирувчи ўзига хос манбалар сифатида уларнинг кечинмалари, руҳий жараёнлари, ички диалоглари, фикрий ривожланишлари, тахлилий фаолиятларини

кенгайтиришга хизмат қиладиган савол-топшириклар, ўқув материаллари, ўқув вазиятлари, дидактик материалларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўқувчиларни фикрий изланишга ундовчи билимлар ва ахборотлар таълим мазмунининг асосий қисмини ташкил этиши керак.

